

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УЎК: 821.512.133-22

**ЖЎРАЕВ МУРОДУЛЛА АЛИШБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА КОМЕДИЯНИНГ ЖАНР  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ**

(“Майсаранинг иши”, “Тобутдан товуш” ҳамда “Темир хотин” асарлари мисолида)

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий  
даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Қосимов Усмон, филология фанлари доктори**

**Жиззах – 2021**

## **М У Н Д А Р И Ж А:**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. Комедиянинг ўзига хос жанр хусусиятлари</b>	
1.1. Комедия жанрида комик ҳолат ва бадиий конфликт.....	13
1.2. Комик характер ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	28
<b>II боб. Ўзбек комедияларининг воқеавий асосига кўратиплари</b>	
2.1. Характерлар комедияси.....	42
2.2. Ахлоқий, Маиший ва Ижтимоий-сиёсий комедиялар.....	79
<b>III боб. Комедия жанри тадрижи: изланиш ва такомил</b>	
3.1. Ўзбек адабиётида комедия жанри тадрижий ривожини.....	113
3.2. Комедиянавислик ривожинида анъана ва новаторлик.....	131
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>150</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>152</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида комедия жанри, унинг тараққиёт босқичлари, жанр ҳақидаги қарашлар ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Драматургия, хусусан, комедия жанри бўйича халқаро доираларда бир қатор назарий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жаҳон адабиётшунослигида драматик турнинг жанри ҳисобланмиш комедиянинг ғоявий-бадий, сюжет ҳамда композицион хусусиятларини тадқиқ этиш алоҳида эътиборга молик.

Дунё адабиётшунослигида комедиянинг жанр хусусиятларини қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик аспектда миллий адабиётлар мисолида очиб беришга доир илмий текширишлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда комедия жанрининг тарихий тараққиёти, генезисига доир маълумотлар келтирилган, умумий тараққиёт босқичларига доир илмий хулосалар берилган, специфик хусусиятлари ажратилган. Комедиянинг жанр хусусиятларини очиб бериш, шу асосда жанрнинг ўзига хос жиҳатларини умумлаштириш, тараққиёт босқичларини аниқлаш, илмий жиҳатдан ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида кейинги йилларда драматик тур, айниқса, комедия жанрини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётганлиги илмий изланишлар қамровининг янада кенгайишига, таҳлил объектларининг янгиланишига сабаб бўлмоқда. "...Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга".<sup>1</sup> Айни вазифаларнинг амалга оширилишида ўзбек комедияларининг тарихий тараққиёт тамойилларини белгилаш, уларнинг мувофиқ адабий-назарий

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 августдаги «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузаси. <https://www.president.uz>

тасниф ва тавсифини аниқлаш мақсадида мазкур жанрнинг бир неча етук намуналари, жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” ҳамда Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиялари тадқиқоти алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишида ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон<sup>2</sup>, туркий<sup>3</sup> ҳамда ўзбек адабиётшунослигида драматургия масалалари, сатира ва юмор, комедия

---

<sup>2</sup>Погодин Б.Талантливая комедия. Лит. газета. – Москва: 20.11.1954.; Белинский В.Г. Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши. Ойбек таржимаси. – Тошкент: 1955.; Горький М. О литературе. – Москва: 1955. – 902 с.; О писательском труде. – Москва: 1956. – 406 с.; Гегель. Эстетика. Т.3. – Москва: 1958. – 357 с.; Аникст А.Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. М.: 1967.; Боров Ю. Комическое. – Москва: 1970. – 270 с.; Дзедимок Б. О комическом. – Москва: Прогресс. 1974 г. – 221 с.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: 1975. – 502 с.; Пропп В. Проблемы комизма и смеха. – Москва: Искусство. 1976. – 230 с; Анализ литературного произведения. – Ленинград: 1976.; Аристотель. Поэтика. – Тошкент: 1980. – 234 б.; Бушмин

хамда комик маҳорат муаммолари анча кенг ўрганилган.<sup>4</sup> Лекин бу мавзуга бағишланган аксарият тадқиқотлар мустақилликдан илгари яратилган, уларда ҳукмрон мафкура талабларидан келиб чиқиб, комедияларнинг ғоявийлиги, синфийлик ва партиявийлик мезонларига кўпроқ эътибор қаратилган, асарлар таҳлили ҳам ана шу тамойилларга мувофиқлаштирилган.<sup>5</sup> Эндиликда уларни қайта таҳлил этиш ва бадиийлик мезонлари асосида холис баҳолаш зарурати туғилмоқда. Истиқлол йиллари амалга оширилган қатор илмий ишларда йирик комедиянавислар ижоди, уларнинг комик характер ҳамда кулги яратиш маҳорати масалалари ёритилган.<sup>6</sup> Аммо ўзбек комедиясининг

---

А. Эволюция сатиры Салтыков-Щедрин. – Ленинград: Наука. 1984 г. – 340 с.; Зарубежная эстетика и теория литературы. – Москва: 1987. – 407 с.; Любимова Т. Комическое, его виды и жанры. – Москва: Знание.1990. – 64 с.; Кириллина М.А. Эволюция жанра комедии в якутской драматургии. – Якутия: 2008. – 183 с.; Alice Muziková Romantic comedy genre from the 1990s onwards. – Czech: 2020.; Mehrdad Bidgoli Comedy and humour: an ethical perspective. – New York University Press: April 2020. [European Journal of Humour Research](#) 8(1):82-94.; Matihans Hanses The Life of Comedy after the Death of Plautus and Terence. – University Michigan Press. 2020. – 411 p.

<sup>3</sup>Қаранг: [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com); [www.dissnatib.com](http://www.dissnatib.com); [www.dslib](http://www.dslib).

<sup>4</sup>Писатели Советского Узбекистана. – Тошкент: 1959.; Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. – Тошкент: 1959. – 430 б.; Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Таржимаи ҳол. Шарқ юлдузи. №3.1963.; Камолидинов С. Ҳаёт, драматург. Шарқ юлдузи. №8.1966.; Алиев С. “Сўнги нусхалар”. Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 1966; Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Тошкент: 1976.; Раҳимжонов И. Абдулла Қаххар и театр имени Хамзы. – Тошкент: 1977.; Бекжанова М. Развитие сатирических традиций в творчестве Абдуллы Каххара. – Тошкент: 1978.; Адабиёт назарияси. Икки томлик. Птом. – Тошкент: Фан. 1979. – 446 б.; Ҳамза замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1979.; Султонов Ю. Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. – Тошкент: 1979. – 254 б.; Қўшжонов М. Назарий лавҳалар. – Тошкент: 1980.; Жалилов Б. Ўзбек драматургияси поэтикаси масалалари. – Тошкент: Фан. 1984. – 145 б.; Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: 1986. – 408 б.; Турсунов Т. Ҳамза Ҳакимзода драматургияси. Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан.1988. – 189 б.; Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1987.; Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент: 1991. – 176 б.; Имомов Б. А.Қаххар-драматург.-Абдулла Қаххар и его художественный мир. – Тошкент: 1989.; Фитрат. Адабиёт қондалари. – Тошкент: 1995. – 112 б.; Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ.1997. – 320 б.; Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1999.; Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 288 б.; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ. 2004. – 640 б.; Расулов А. Бадиийлик-безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ. 2007. – 336 б.; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: 2008. – 547 б.; Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси. 2004. – 242 б.; Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. – Тошкент: Tamaddun. 2013. – 160 б.; Вали Саваш. Эркин Воҳидов шеърляти тили. Фил.ф.д.дисс.авреф. – Тошкент: 2016. – 80 б.; Улуғов А. Арасту англаган адабиёт. //Жаҳон адабиёти. 2018. 3-сон; Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Ношир. 2019. – 336 б.

<sup>5</sup>Жалолов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди. (“Майсаранинг иши” комедияси аспектида). Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1961. – 203 б.; Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. Фил.ф.н.дисс. –Тошкент: 1961. – 238 б.; Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1961. – 238 б.; Ҳакимова Ҳ. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек комедияси (конфликт проблемасига доир).Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1964. –232 б.; Мусахўжаева С. Ҳамза драматургиясида ижобий қаҳрамон проблемаси. Фил.ф.дисс. – Тошкент: 1967. – 247 б.; Геворкян А. Сатира Абдулли Каххара. – СамДУ.: 1967. – 27 с.; Алимова М. Ўзбек совет болалар драматургияси.Фил. ф.н.дисс.– Тошкент: 1969. – 235 б; Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. Автореф. дисс. к.ф.н. – Тошкент: 1971. – 24 с.

<sup>6</sup>Жалолова М. Ўзбек совет драматургиясида характер ва конфликт проблемаси. Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1990. – 139 б.; Жўраев Қ. 20-йиллар ўзбек драматургияси. Фил.ф.д.дисс. – Тошкент: 1994. – 287 б.; Номозов А. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати. Фил.ф.н.дисс.автореф. – СамДУ.: 1994. – 28 б.; Аҳмедова Ш. Саид Аҳмад ҳажвиётида бадиий маҳорат. Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1994. – 147 б.; Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва тараққиётида фольклорнинг ўрни. Фил.ф.н. дисс.

жанр хусусиятлари, улардаги бадий-эстетик ўзгаришлар ва ўзига хосликларни илмий-назарий жиҳатдан яхлит тарзда тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилмаган. Ўзбек комедияларининг тадрижий тараққиёт тамойилларини белгилаш, бу жанрнинг “Майсаранинг иши”, “Тобутдан товуш” ва “Темир хотин” каби етук намуналари мисолида ўзбек комедияларида шакл ва мазмун уйғунлигининг такомиллашуви, шунингдек, ғоявий-эстетик, бадий талқиннинг изчиллашиши муаммолари адабиётшунослигимизда яхлит ҳолда қиёсий-типологик аспектда ўрганилмаганлиги уларнинг муҳим илмий мавзу объекти сифатида махсус тадқиқ этилишини тақозо этади.

“Адабий танқидчиликда шўро даври ўзбек адабиётига муносабат масаласи кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани барчага маълум. Қадриятларга янгича муносабат, яқин ўтмишда яратилган асарларга тушуниб ёндашишга ҳаракат танқид тамойилларининг янгиланаётганлигидан далолатдир.”<sup>7</sup> Сўнги йилларда XX аср адабиёти ва драматургияси, жумладан, Ҳамза ва Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳам қайта ўрганилмоқда. Бунга “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” (1999) дарслиги, “Адабиётимиз фахри” (2007) каби тўпламлар ҳамда О.Шарафиддиновнинг “Истибод курбони ёхуд ўзлигидан маҳрум қилинган шоир”, Н.Каримовнинг “Бой ила хизматчи” драмасининг ижодий тақдири” ва Л.Қаюмовнинг “Биз билмаган Ҳамза” кабиларни кўрсатиш лозим.<sup>8</sup> Маълумки, Ҳамза асарлари ҳам машъум сиёсатга мослаштирилиб, кўплаб китоб ва мақолалар ёзилган, фильмлар яратилган. “Аммо Ҳамза ҳақида ҳақиқатдан узоқ ёлғон-яшиқлар ҳам тўқилдики, уларда унинг асл қиёфаси бузиб кўрсатилди” (О.Шарафиддинов).

---

–Тошкент: 1995. –167 б.; Шералиев Б. Саҳнавийликнинг драматик асослари (Сўнги йиллар ўзбек драмалари асосида). Фил.ф.н.дисс. –Тошкент: 1998. –161 б.; Довурбоева Н. Фитрат драмаларида миллий овозлик ғоялари. Фил.ф.н.дисс. –Тошкент: 1999. –158 б.; Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлари мисолида). Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1999. –147 б.; Каримов С. Бадий тил хусусиятлари. –Тошкент: 2006.; То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. –Тошкент: 2018.

<sup>7</sup>Носиров А. Давр фожиаси ва бадий талқин. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009 йил 48-сон.

<sup>8</sup>Каримов Н. “Бой ила хизматчи” драмасининг ижодий тақдири.-Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан. 1988.; Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1999.; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.– Тошкент: Шарқ. 2004.

Шоир ва Октябрь инқилоби масаласи ҳам “Халқ санъаткори”, “Инқилоб ва ижод”, “Инқилобий драма” каби асарларда бирёқлама ёритилган. Инқилоб куйчиси деган таърифу тавсифлар шиорга айланган. Булар тарихий ҳақиқатга зидлиги аён бўлди. Ёхуд шўро даври қаҳҳоршунослигида ҳам адиб ижодини кенг ўрганиш баробарида баъзан вульгар социологик қарашлар, қўпол, сунъий равишда ёндашиш, бадиият унсурларини ҳам ҳукмрон мафкурага боғлаб таҳлил этиш каби салбий ҳолатлар ҳам учрайди.<sup>9</sup> Ишимизда бу хил қарашларга ва талқинларга ҳам муносабат билдирилган ва муайян хулосалар қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институти истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Ўзбек адабиёти, танқиди тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” йўналиши доирасида бажарилган (2017-2021-й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек адабиётида комедиянинг жанр хусусиятлари ва уларнинг тарихийлигини, жанр юзага келган даврдан ҳозирга қадар бўлган тадрижий жараёндаги ўзгариш ва ўзига хосликларни Ҳамза Ҳакимзоданинг “Майсаранинг иши”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” ҳамда Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиялари мисолида очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек адабиётида комедия жанри шаклланишидаги ҳаётий ва маънавий-руҳий илдиз – манбаларни адибларнинг ўзига хос истеъдод характери ва етук асарларининг яратилиши жараёни билан узвий боғлиқликда ўрганиш, уларнинг ўз даври ва бугунги бадиий-эстетик тафаккур ривожигаги ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиш;

---

<sup>9</sup>Алиев С. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сўнги нусхалар” комедияси. //Ўзбек тили ва адабиёти. №1,1966.; Камолитдинов С. Ҳаёт, драматург, ижобий қаҳрамон. //Шарқ юлдузи. №8.1966.; Имамов Б. Абдулла Қаҳҳар-драматург. Абдулла Қаҳҳар и его художественный мир. –Тошкент: Фан. 1989.

Ўзбек комедияларига хос жанр хусусиятларининг тарихан ўзгариши, бу бадиий-эстетик тафаккур жараёнида айрим белгиларнинг алмашилиши, айрим хусусиятларнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиши муаммоларини қиёсий-типологик жиҳатдан илмий-назарий тадқиқ қилишга урғу бериш;

Ўзбек адабиётининг бир асрлик тадрижий ривожда комедияларнинг жанр табиатида юз берган сифат ўзгаришларини ўрганиш орқали миллий комедияларнинг ғоявий-бадиий ва эстетик такомилли, ўзига хосликларини ҳамда уларнинг жаҳон комедиялари билан муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини ёритиш;

Ўзбек комедияларининг жанр хусусиятлари, сюжет типлари, комик характер, комик ҳолат ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қаҳҳор ҳамда Шароф Бошбековларнинг етук асарлари мисолида бадиий-эстетик талқин ва таҳлил этилиб, шулар асосида муайян умумлашма ҳамда хулосалар қилишга эришиш;

Ўзбек комедиянавислигида анъана ва новаторлик масалалари, уларнинг жанр тараққиёти, комик конфликт, комик талқин ҳамда комик қаҳрамон яратилишига таъсири муаммоларини асарлар таҳлили асосида жаҳон комедиянавислиги контекстида қиёсий-типологик, компаративистик аспектда ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳамза Ҳакимзоданинг “Майсаранинг иши”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” ва Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиялари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек адабиётида комедиянинг жанр хусусиятлари, уларнинг тарихий тадрижи, бу жараёнда “Майсаранинг иши”, “Тобутдан товуш” ва “Темир хотин” комедияларининг поэтикаси эстетик категория сифатида муҳим аҳамиятга эгалиги ҳамда уларни бевосита давр билан вобаста ва адабий жараён контекстида ўрганилиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, компаративистик ҳамда текстологик таҳлил тажрибалари ва усулларидан фойдаланилган.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётидаги комедиялар воқеавий асосига кўра характерлар, ахлоқлар, маиший ҳамда ижтимоий-сиёсий комедияларга бўлиниши “Майсаранинг иши”, “Тобутдан товуш”, “Келинлар кўзғолони”, “Олтин девор” ҳамда “Темир хотин” комедиялари таҳлили мисолида аниқланган;

комедия жанрининг илк намунаси “Майсаранинг иши” ва ҳозирги “Қаллик ўйин” каби комедиялар қиёсий таҳлил асосида уларда бадиийликдан кўра баёнчилик устунлиги, характерлар тўлақонли шаклланмагани, сюжет тузилиши, комик вазиятлар нотабий ва схематик характерда эканлиги, асар тили номукамал, персонажларнинг монолог-диалоглари пухта эмаслиги исботланган;

ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, комедиялар поэтикасида сюжет қурилиши, комик вазиятларнинг ҳаётийлиги, бадиий тасвир ва характерлар мукамаллигига эришилгани, ўзбек комедияси ўзининг “Тобутдан товуш” ҳамда “Темир хотин” каби етук намуналари билан рус ва жаҳон адабиётидаги мумтоз комедиялар билан тенглаша олганлиги аниқланган;

сўнгги йилларда яратилган айрим комедияларда кулгилилик ва фожеавийлик яхлит сюжет тузилмасини ҳосил қилганлиги ва бу жиҳат ўзбек комедияси табиатида комик сюжет, бадиий образ, комик талқин борасидаги янгиланишлардан бири эканлиги “Темир хотин” комедияси орқали исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

комедиянавис жамиятдаги инсонларнинг ахлоқ ва руҳияти, характер хусусиятларини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаолияти ёхуд маиший ҳаётини ўз асарига кулги объекти қилиб олиши, шунга мувофиқ тарзда комедия жанрида яратилган асарлардаги қаҳрамонларнинг индивидуаллиги ҳамда муаллиф мақсади, кулгининг объектига ҳамда воқеавий асосига кўра бир неча типларга бўлиниши тамойиллари ишлаб чиқилган;

комедия жанрининг илк намунаси ҳамда ҳозирги даврда яратилаётган аксарият комедияларда бадиийликдан кўра баёнчилик устунлиги,

характерлар тўлақонли шаклланмагани, сюжет тузилиши, комик вазиятлар нотабий ва схематик характерда эканлиги, асар тили номукамаллиги қиёсий таҳлил асосида ёритилган;

“Майсаранинг иши” комедиясида кулги ва комик ҳолатлар баъзан схематик тарзда юзага келиши, “Тобутдан товуш”да комик сюжет ҳамда комик характер юксак даражага кўтарилиши, “Темир хотин”да эса комик талқин ва трагик мотивлар бирлашиб, яхлит бадиий сюжетни ҳосил қилиши асосланган;

XX асрнинг сўнгги чорагида яратилган айрим комедияларда кулгилилиқ ва фожеавийлик бир бутун ҳолда келиб, яхлит сюжет тузилмасини ҳосил қилганлиги ва бу жиҳат ўзбек комедияси табиатидаги муҳим янгилашлардан бири эканлиги “Темир хотин” комедияси таҳлили орқали ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилганлиги, илмий-назарий хулосалар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий ҳамда адабий манбалар, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилгани, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср адабиётининг улкан намояндалари— Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қаҳҳор ҳамда Шароф Бошбеков комедиялари поэтикаси ҳамда мазкур жанрнинг тадрижий ривож масаласини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар, назарий қарашлар танқид – адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумот ва хулосалар бериши, мавжуд дарслик, қўлланмаларнинг такомиллашувида ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида ўзбек филологияси, журналистика факультетлари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий танқид тарихи ва ҳозирги адабий жараён” фанларидан дарслик, қўлланмалар яратиш, шунингдек, маъруза,

семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишда, драматик жанрларга оид луғатлар тузиш, ихтисослик фанларини тизимли ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек адабиётида комедиянинг жанр хусусиятлари ва уларнинг тарихийлиги тадқиқи жараёнида эришилган илмий натижалари асосида:

Ўзбек адабиётидаги комедиялар воқеавий асосига кўра характерлар, ахлоқлар, маиший ҳамда ижтимоий-сиёсий комедияларга бўлиниши “Майсаранинг иши”, “Тобутдан товуш”, “Келинлар кўзғолони”, “Олтин девор” ҳамда “Темир хотин” комедиялари таҳлили мисолида аниқланганлигига доир ҳамда комедия жанрининг илк намунаси “Майсаранинг иши” ва ҳозирги “Қаллик ўйин” каби комедияларда бадиийликдан кўра баёнчилик устунлиги, характерлар тўлақонли шаклланмагани, сюжет тузилиши, комик вазиятлар нотабий ва схематик характерда эканлиги, асар тили номукамал, персонажларнинг монолог – диалоглари пухта эмаслигига оид хулосаларидан Ф-1-ФҚ-055213 “Абдулла Қаҳҳор дастхат – қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қийсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 05-12-08-1965-сон маълумотномаси). Натижада “Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор” тўплами яратилиши ва янгича талқинлар билан бойтилишига хизмат қилган;

ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, комедиялар поэтикасидаги такомиллашув жараёнлари, сюжет қурилиши, комик вазиятларнинг ҳаётийлиги, бадиий тасвир ва характерлар мукамаллигига эришилгани, ўзбек комедияси ўзининг “Тобутдан товуш” ҳамда “Темир хотин” каби етук намуналари билан рус ва жаҳон адабиётидаги мумтоз комедиялар билан тенглаша олганлигига оид хулосаларидан А-1-059 “Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 12 апрелдаги

05-12-08-1965-сон маълумотномаси). Натижада Абдулла Қаҳҳор комедияларидаги ўзига хосликлар ўзбек комедияси ривож учун сезиларли аҳамиятга эгаллиги борасида муайян хулосаларга келинишига имкон берган;

сўнги йилларда яратилган айрим комедияларда кулгилилиқ ва фожеавийлик бир бутун ҳолда келиб, яхлит сюжет тузилмасини ҳосил қилганлиги ва бу жиҳат ўзбек комедияси табиатидаги муҳим янгиланишлардан бири эканлиги “Темир хотин” комедияси таҳлили орқали исботланганлиги хусусида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК таркибидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканали мунтазам эфир сеткасидан ўрин олган “Тарихий савол”, “Тақдимот” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2021 йил 03 мартдаги 02-40-312-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Ш.Бошбеков комедияларининг ғоявий-бадий хусусиятлари билан яқиндан танишишларига замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, 1 та илмий-адабий тўплам, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 159 саҳифадан иборат.

# I БОБ. КОМЕДИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

## 1.1. Комедия жанрида комик ҳолат ва бадиий конфликт

Маълумки, адабиёт ва санъат асарларининг яратилиши, машхур мутафаккирлар таъкидлаганидек, ижтимоий ҳаёт ва маънавий-руҳий эҳтиёж билан боғлиқдир. Яъни адабиёт ва унинг асосий бир тури бўлган драма ҳам бевосита ҳаётининг замин асосида, бошқача қилиб айтганда, ҳаёт талаблари билан, инсоннинг табиий ва руҳий эҳтиёжи билан боғлиқ тарзда дунёга келди. Поэзия, яъни адабиёт ва санъат, драма ёки комедия ҳам инсон ўзининг ифода этишига, ҳис-туйғуларини баён этишига киришган пайтдан бошланган.<sup>10</sup>

Адабиёт ва санъат ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида инсон ҳаёти ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқликда ривожланиб боради. Қадимги Юнон драмалари, хусусан, комедиялари ўрта асрлар драматик асарларига муайян даражада ҳамоҳанглик касб этса ҳам, лекин воқеликни ғоявий-эстетик жиҳатдан баҳолаш мезонлари нуқтаи назаридан анча фарқланади. Масалан, қадимги Юнон комедиянависи Аристофаннинг адабий-эстетик қарашлари Шекспир ва Мольернинг адабий қарашларидан ажралиб туради. Бу ҳолат, бир томондан, инсон табиати ва руҳиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, комедиянинг жанр сифатида муайян ўзгаришларга учраши, кенгроқ қилиб айтганда, кулги моҳиятининг кенг қамровга эга бўлиши каби сабаблар билан алоқадор. Маълумки, комедия инсон табиатининг, ўй-кечинмаларининг ўзига хос ракурсда, кулгининг ғоявий-эстетик моҳияти ва бадиий хилма-хил функцияси орқали кўрсатишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида комедиянинг ўзига хос муҳим хусусиятини ташкил этади.

Демак, комедиянинг етакчи хусусияти воқеликни диалектик зиддиятга асосланган ҳолда кулги ва кулгилилиқ орқали акс эттиришда намоён бўлади. Комедияда жанрнинг тур кўриниши ва муаллиф мақсадидан келиб чиқиб, ижтимоий танқидни ифодалаш шакли сифатидаги фош қилувчи пафос биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу ўринда у бадиий моҳиятга молик

---

<sup>10</sup>Гегель. Эстетика. том. 3. – Москва: 1958. – С. 357.

мазмун касб этади. Шу билан бирга комедия воқелик, инсон хатти-харакатларининг шакл-мазмуни ўртасидаги номутаносибликни фош этади, айни пайтда, даврнинг ғоявий-эстетик муаммоларига жавоб берувчи ижтимоий-ахлоқий тамойилларни ҳам истифода этади.

Қадимги адабий-назарий ва илмий манбаларда кўрсатилишича, дастлаб комедия жанрига паст услуб намунаси сифатида қаралган. Бундай ҳолат Аристотелнинг “Поэтика” асарида ҳам ўз ифодасини топган.<sup>11</sup>

“Арасту: “Комедия ёмон кишиларни, бутунлай бадном қилиш маъносида бўлмаса-да, гавдалантиришдир”, дейди. У “ёмон одамлар” деганда олий табақа эмас, балки қуйи табақа вакиллари назарда тутди. Комедияларда эса асосий муддао кўпроқ қуйи табақа вакиллари кўлгили ҳолатларини намойиш қилиш экани аниқ сезилади. Уларда, асосан, оддий кишилар феъл-атворидаги иллатларга эътибор қаратилади. Ушбу жанрга мансуб асарларда истехзо, кинояга тўла кулги уйғотадиган ҳолатлар ижтимоий ҳаётимиз ҳуснини бузадиган “қора доғ” экани эслатилади. “Поэтика”да комедияга хос ушбу хусусият тўғрисида: “Кулгили ҳолат хунукликнинг бир қисми, холос. Аслида кулгили нарса – бу ҳеч кимнинг дилини оғритмайдиган ва ҳеч кимга зарар келтирмайдиган баъзи бир нуқсон ва мажруҳликдир”, дейилади.”<sup>12</sup>

Назарий жиҳатдан ёндашилса, комедияга нисбатан бундай беписандлик билан қараш ўша даврнинг ғоявий-эстетик мезонлари туфайли юзага келганлиги аён бўлади. Чунки бу назарий тамойил ўша даврларда Юнон поэтикасида ҳукмрон мавқе эгаллаган трагедия жанрига нисбатан бўлган юксак услуб сифатидаги қарашларга асосланган. Ҳолбуки, антик комедияларнинг ўзлари ва комедия жанрининг танқидий йўналиши билан сиёсий курашнинг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатиб туради. Антик даврдаги кўплаб кулги усталарининг эътироф этишларича, комик қобилият ҳаётга эстетик муносабат билдиришнинг барча шакл ҳамда

<sup>11</sup> Аристотель Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашри, 1980. –Б. 14. М.Маҳмудов, У.Тўйчиев таржимаси.

<sup>12</sup> Улуғов А. Арасту англатган адабиёт. //Жаҳон адабиёти. 2018. 3-сон.

усулларидан оғирроқ ва мушкулроқдир. Бу хусусият, Аристофан фикрича, комик шоирнинг ошкора тарафкашлиги ва ижодий шижоати билан изоҳланиши тўғри бўлади.

Классик комедия Антик дунёда (Аристофан, Плавт), Уйғониш даври ғарбий Европа адабиётларида (Шекспир, Лопе де Вега), халқларнинг абсолютизм ва буржуазия инқилобини тайёрлашга қарши кураши ўсиб борган даврларда (Мольер, Бомарше, Гольдони) руҳан ана шундай тарзда ўзини намоён қилди. Инсон руҳиятини ва унинг ижтимоий моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи, инсон хатти-ҳаракати ва фаолиятига муносабат билдирувчи восита ҳамда усуллар ранг-баранг. Ана шундай воситалардан бири кулги ҳисобланади.

Азал-азалдан кулги моҳияти ҳаётдаги ва инсондаги турли-туман ноқис хусусиятлар устидан ё масхараомуз, ё енгил юмористик, гоҳ беғараз ва ҳатто, хайрихоҳ муносабат билдиришдан иборат. Кулгининг бу моҳияти турли даврларда, ҳар хил вазият ва шароитларда турли даражада намоён бўлади. Бу жараёнда кулгининг хилма-хил шакллари юзага келади, аммо унинг моҳияти, асосий бадиий-эстетик функцияси сақланиб қолаверади. Бадиий адабиётда кулги ва унинг ижтимоий-психологик моҳиятига таянилувчи, уни асос қилиб олувчи жанрлар, турли кўринишлар ҳам борки, унинг ёрқин намунаси сифатида драматик турга мансуб комедияни кўрсатиш мумкин. Адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов таъкидлаганидек, “ўқувчи ва томошабинларга куладиган нарсаларни топиб бериш, айниқса, уларни кулдириш осон иш эмас. Уларни йиғлатишдан ҳам кўра, кулдириш, комедия ёзиш қийин.”<sup>13</sup>

Комедия жанри ҳаёт тақозосига кўра, маданий ва ахлоқий анъаналарга, маълум ижтимоий табақа ёки гуруҳлар мафкураси ва эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўзининг жанр сифатидаги етакчи хусусиятларини сақлаган ва ривожлантирган ҳолда муайян ҳаётий-тарихий мазмун билан бойиб боради.

---

<sup>13</sup> Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –Б. 179.

Комедиянинг юзага келиши, шубҳасиз, инсоният бадий тафаккури ривож, маданий тараққиётида театр санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан узвий боғланган. Шу жумладан, ўзбек комедиясининг пайдо бўлиши ҳам, миллий театримизнинг юзага келиши ва тараққиётига ўзига хос замин яратди, десак хато бўлмайди.

“Рус шарқшуноси А.Н.Самойлович 1916 йилда эълон қилинган “Драматургическая литература сартов” номли мақоласида “Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди”, – деб ёзган. Дарҳақиқат, асримиз бошларида минг йиллик адабиётимизнинг қатъий қонун тусини олган аруз вазнидаги мумтоз намуналар ўрнида тамомила янги мазмун ва шаклдаги оврупача йўналиш касб этган бадий адабиёт шакллани бошлади. Ғарб адабиётининг роман, ҳикоя, бармоқ вазнидаги шеър турлари Туркистон туркчасида дадил қўлланила бошлади. Оз фурсатда бу йўналишнинг истеъдодли намояндалари пайдо бўлишди. Шу билан бирга ХХ асрнинг 10-йилларидан ўзбек жаҳид драматургиясининг дастлабки тажрибалари қуртак ёза бошлади. Серқирра адиблар орасидан драматурглар ва комедиянавислар етишди.

Мутахассислар аниқлашига кўра, Октябрь инқилобига драматургиянинг ўттиздан ортиқ намунаси яратилди. Ҳатто шаклланиш даврига кирган бу адабий турнинг трагедия, драма, комедия каби барча жанрларида асарлар майдонга келди.”<sup>14</sup> Жаҳид адабиётининг асосчилари – Беҳбудийнинг “Падаркуш” (1911) ва Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз кув” (1914) асарларининг кўпроқ дидактик характерда яратилгани ҳам асримиз бошидаги ижтимоий-маиший ҳаёт ва тарихий давр муаммолари билан изоҳланиши тўғри бўлади.

Комедиянинг жанр сифатида ўзбек адабиётида пайдо бўлиш сабаби ҳаёт талаби, ижтимоий-маданий, миллий анъаналаримиз, халқ руҳиятининг бадий эҳтиёжлари билан белгиланади, албатта. Жанр қирралари аниқ ифодасини топа бошлаган дастлабки асарларнинг юзага келиши эса, бир

---

<sup>14</sup> Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 4.



томондан, Европа адабиёти билан боғланса, иккинчи томондан, унинг шаклланиб, ривож топишида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиётимиздаги ўлмас ва бебаҳо ҳажвий асарлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган юксак савиядаги сатирик ҳамда юмористик руҳдаги асарлар комедиянависларимиз учун илҳом манбаи ва бадиий тасвирлаш бобида катта ижодий маҳорат мактаби вазифасини ўтаганлиги ҳам айтилиши ҳақиқатдир.

Масхарабозлик ҳамда қизиқчилик театри шаклига профессор М.Қодиров шундай таъриф беради: “...бир замонлар бу тушунчалар “масхара”, “муқаллид” шаклида ифода қилинган. Уларда ўзига хос драматургия бор, қаҳрамонлар қиёфасини ўз қобилияти, ақли, мижози, ҳиссиёти, танаси, ҳаракатлари билан гавдалантирувчи актёрлар бор, уларнинг ўйинларидан завқлана оладиган томошабинлар бор – қўйингки, театр санъатининг барча аломатлари муҳайё. Бу театрнинг ҳозирги замон театридан айирмаси шундаки, унинг махсус биноси ва сахнаси йўқ, турли шароитларда гир атрофи томошабинлар билан қуршалган ўзига хос халқ – “сахна”да кўрсатиб кетаверганлар. ...Аммо масхарабозлик ва қизиқчилик - бу халқнинг маросимлари, урф-одатлари билан тутшиб кетган ибтидоий шаклдаги театр эмас, балки оғзаки анъанадаги профессионал театрdir.”<sup>15</sup>

“Драматургиянинг сўз ёки ҳаракатдан иборат уч кўринишини санаш мумкин:

**БИРИНЧИСИ:** масхарабозларнинг фақат ҳажв ва кулгидан иборат сўз ўйинларига қурилган диалоглари шаклидаги кўриниши;

**ИККИНЧИСИ:** муайян қиёфа ва қилиқларга тақлидан ҳаракатларни намоён қилувчи сўз воситасива ёки сўзсиз ижро этиладиган кўриниши;

**УЧИНЧИСИ:** турли ниқоблар билан ҳамда “чодир жамол”, “чодир хаёл” каби қўғирчоқ ўйинлари пайтида ижро этиладиган шакли.”<sup>16</sup>

<sup>15</sup> Қодиров М. Ўзбек халқ томоша санъати. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 36.

<sup>16</sup>Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарк, 1997. –Б. 15.

Драматик жанрларда, шу жумладан, комедияда ҳам воқелик батафсил кетма-кетлик билан эмас, аксинча, қахрамонлар ҳаётининг энг авж нуқталари ўз аксини топади. Комедия худди шу қахрамон ҳаётининг кулгига асос берувчи муҳим қирралари ва лаҳзаларини ўзида акс эттириши билан бошқа драматик жанрлардан фарқланиб туради. Демак, инсон ҳаётининг драматик жиҳатдан нишаб нуқталарини акс эттириши билан комедия, умуман, драма турига мансуб бошқа жанрлар билан муштараклик касб этса, кулги туғдирувчи воқеаларни акс эттириши билан алоҳидалик касб этади. Комедиянинг умумий жанр хусусиятларини белгилаш учун, аввало, ундаги комизм, яъни комик ҳолатнинг юзага чиқиши ва унинг ўзига хос моҳиятини аниқлаш лозим бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай етук бадиий асар асосида ҳаётий конфликт ётгани сингари комедия асосини ҳам комик қарама-қаршилик ташкил қилади. Комедияга асос қилиб олинган комик тўқнашувлар, ҳолатлар қанчалик турмушга яқин ва алоқадор бўлса, у шунчалик муваффақият қозонади. Шу маънода асарга ҳаётий конфликт танлаш ва уни асарда ривожлантириб кўрсатиш ижодкорнинг истеъдоди, маҳоратига боғлиқ масала ҳисобланади. Зеро, комедиянинг жанр хусусиятларини белгилашда етакчи ўринни эгаллайдиган бадиий компонентлардан бири – бу бадиий конфликт ҳисобланади.

Конфликт муаммоси ҳаётнинг ўзидаги каби серқирра, мураккаб ва битмас-туганмасдир. Ижодкорнинг табиатан қисмати шундай; у инсоннинг парвозидан самимий қувонади ёки инсон йиқилганда қайғуради, азоб чекади. Яъни шоирлар таърифлаганидек, ижодкор “юраги ғамга ҳам яқин, шодликда кўп бўлар унинг қувончи”. Лекин ҳаётда одамлар мудом орзу – идеалга интилар экан, уларнинг парвозлари ва йиқилишлари ҳам муқаррардир. Жамият ўз идеалларини ёқлар экан, адабиёт ва санъат ҳам ҳаёт ва турмушнинг қувончлари ҳамда зиддиятларини тасвирлашга интилишдан маҳрум бўла олмайди. Конфликт юқорида таъкидланганидек, кўпқиррали ва кенг маъноли тушунчадир. Илмий-назарий манбаларда эътироф этилишича,

“Конфликт деганда, бадий асар персонажларининг ўзаро қарашлари, адабий қаҳрамонларнинг ўзлари яшаётган муҳити билан ўзаро ихтилоф-зиддиятлари, шунингдек, уларнинг руҳиятида кечувчи қарама-қаршилик, интригалар тушунилади. Бинобарин, адабий асар воқеликни бадий акс эттирганлиги ва унинг марказида ҳамиша инсон образи турганлиги учун ҳам инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликт – зиддият ва қарама-қаршиликларнинг барчаси асарда ўзининг бадий, образли аксини топади.”<sup>17</sup>

Ҳаётнинг мангу ҳаракати ва унинг изланишлари, инсоннинг дунёни бадий англаши кучларнинг, қарама-қаршиликларнинг ва ҳодисаларнинг ўзича ҳаракатининг тўқнашувларида ўтиб боради. Инсоннинг бахтсизлиги, у баъзан ушалмас орзулардан телба бўлиб, ўзини изтиробга маҳкум қилишида эмас, бахтсизлик – бу орзунинг йўқлигида ва демакки, ҳаракатсизликдир. Борлиқнинг мураккаб диалектикаси бадий ижодиётда ўзига хос моҳият касб этади. Санъатда одамларнинг шароитларни билиб олишга интилиши ҳам, уларнинг ижтимоий тўқнашувлари ҳам, бир-бирига зид қарашлари ҳам, уларнинг табиатлари ҳам гўёки қўшилиб кетади ва буларнинг барчаси асар конфликтда ўзининг ҳаётий ҳамда мантиқий ифодасини топади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида танқид ва адабиётшунослигимизда комедия конфликтини ва шу орқали комикликни ҳосил қилишнинг асосий тури – бу янгиликнинг эскилик билан курашини тасвирлашдир, деган даъво анча кенг тарқалди. Баъзи адабиётшуносларимиз конфликтни, унинг кўринишларини тўлиғича тадқиқ этмасдан туриб, уни бирёқлама талқин қилишмоқда. Жумладан, адабиётшунос Ҳатиба Ҳакимова қуйидаги фикрларни илгари суради: “Бизнинг жамиятимизда конфликт асосан эскилик билан янгилик ўртасида бўлади. Ҳозирги замон конфликт масаласини ҳал қилишда янгилик билан бирга эскиликнинг ҳам типиклигини тўғри тушуниш керак.”<sup>18</sup>

<sup>17</sup>Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. –Б. 109.

<sup>18</sup> Ҳакимова Ҳ. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек комедияси (конфликт проблемасига доир). Фил.ф.н.дисс. – Тошкент: 1964 . –Б. 48.

Тадқиқотчи Абдумурот Номозовнинг мулоҳазалари ҳам юқоридаги фикрларни гўёки тасдиқлайди: “Назаримизда, комедияда конфликт орқали комикликни ҳосил қилишнинг энг кўп тарқалган шакли – бу янгилик билан умри тугаган ҳодисалар, кўринишлар ўртасидаги тўқнашувлар, кескин муносабатларнинг ифодаланишидир. Бунда янгиликнинг вужудга келиши ва эскилик қолдиқларини сиқиб чиқариши, умри тугаган нарсаларнинг яшаб қолишга уриниши ва ички яроқсизлиги конфликт комиклигини ҳосил қилади.”<sup>19</sup>

Бизнингча, конфликтни бундайин бир қолипга солиб чегаралаб қўйиш комедия жанри хусусиятларига, умуман, бадиий асарларга ҳам схематик жиҳатдан ёндашувни юзага келтиради. Ваҳоланки, адабиёт ҳаётнинг инъикоси экан, ҳаётнинг ўзида ҳам эскилик билан янгиликдан ташқари яна қанчадан-қанча бир-бирига зид жиҳатлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Яна шуни айтиб ўтишимиз жоизки, конфликтнинг ҳодисалар ва тақдирларнинг ҳаракатлантирувчиси сифатидаги моҳияти тамомила қотиб қолган меъёр, яъни ўзгармас, турғун бир ўлчов ё қолип эмас. Конфликт ҳаётнинг кўпқиррали, кўчиб юрувчи жараёнининг инъикоси сифатида ҳам ва бадиий тамойил сифатида ҳам тарихий-эстетик тушунчадир. Ҳар бир давр муаммога ўзининг муайян янгилик ва тузатишларини ҳамда ўз оҳанглари олиб киради, янги илгари маълум бўлмаган жиҳатларни илгари суради.

Атоқли файласуф Гегельнинг эстетикага доир асарларида қайд этишича, комедияга асосқилиб олинадиган бадиий конфликт ўз моҳиятига кўра ўткинчи, беқарор зиддиятлардан иборат бўлмай, балки ижтимоий ҳаётда кенг тармоқ отган инсоний ахлоққа зид барқарор нуқсонли воқеа-ҳодисаларга асосланиши лозим.<sup>20</sup>

Ҳозирги замон олимларининг фикрларига кўра, конфликт тушунчаси, унинг моҳияти, даставвал, қарама-қаршиликларни, кишилар ўртасидаги кураш ва муносабатларни ҳаққоний ва ҳаётий тасвирлашдир. Бунда улар

<sup>19</sup> Номозов А. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати (С.Аҳмад ва Ў.Умарбеков комедиялари асосида). Филология фанлари номзодлиги учун диссертация. – Самарқанд 1994й. –Б. 52.

<sup>20</sup>Қаранг. Гегель Эстетика. В 4-х томах. Т.3. –Москва: Искусство. 1971. –С. 578-580.

В.Белинский, Н.Чернишевский, Н.Добролюбов ва бошқаларнинг далилларга бой фикрларига таянадилар. Улар ўз асарларида комедия жанрига, ундаги ҳаётий комик конфликтга доир қонуниятларни ишлаб чиқдилар. Бу билан В.Волькенштейн сингари ғарб олимларининг комедия, “мавжуд бўлмаган таассурот” ҳосил қилади, деган мулоҳазаларини ўринли рад этадилар.

Демак, конфликт комедиянинг асосини ташкил қилар экан, шубҳасиз, у асарнинг умумий руҳидан келиб чиқадиган кулги билан, комиклик билан алоқадор бўлади. Конфликт комик ҳолатнинг табиий, ишонарли чиқишига кўмаклашади. Чунки комедия комик ҳодисага, эстетик кулгига асосланади.

Комедия асосидаги комик ҳодиса деганда, одатда, ижтимоий мазмунга эга бўлган, аниқ мақсадга қаратилган, комик конфликт моҳиятини очишга хизмат қиладиган кулги назарда тутилади. Бунда кулгининг ижтимоий-эстетик жиҳатига алоҳида урғу берилади. Бу ҳақда таниқли рус танқидчиси Н.Г.Чернишевский қуйидагиларни ёзганида тўла ҳақ эди: “Чексиз табиатда ва ўсимликлар дунёсида комизмга ўрин йўқ, чунки бу турдаги нарсаларнинг табиий алоқасида эркинлик, мустақиллик бўлмайди.”<sup>21</sup>

Дарҳақиқат, комик ҳодиса инсоният яшайдиган муҳитдан ташқарида ҳақиқий баҳога, мазмунга эга эмас. Комик ҳодиса – ижтимоий қарама-қаршиликларнинг алоҳида шакли, воқеликка киши муносабатининг бир кўринишидир. Чунки комик ҳодисанинг табиати воқеликнинг ижтимоий томонидан келиб чиқади.

Драматургияда, айниқса, сатирик тасвир ва сатирик муносабатни ифодалашда кулги катта роль ўйнайди. Кулгининг манбаи эса субъектдан ташқари ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган кулгили ҳолатдир. Бироқ реал ҳаётдаги бу кулгили ҳолатлар билан биз ўз фаолиятимизда, кундалик турмушда, турли ситуацияларда тез-тез дуч келиб тўқнашганимиз ҳолда, уларга у қадар аҳамият бермаслигимиз, уларнинг ҳаётий замини ҳақида жиддий ўйламаслигимиз, ҳатто уни кўрмаслигимиз, сезмаслигимиз ҳам мумкин. Чунки бундай кулгили ҳолатлар баъзан очиқ, “яланғоч” тарзда

---

<sup>21</sup>Чернишевский Н.Г. Собр. соч. В 5-х томах. Т. 4. – Москва: Правда, 1974. –С. 187.

учраса ҳам аммо улар, асосан, ниқобланган, яширин ҳолда бўладилар, кўпинча бошқа шакл – кўринишга ўралишга, ўзларининг кулгили ҳолатларини, кулгили моҳиятларини пардалашга уринадилар. Аслида ҳам, жамият ва ҳаётдаги кулгили нарса-ҳодисаларнинг кўриниш-хиллари, шакллари сон-саноксиз бўлиши мумкин. Уларнинг деярли барчаси асосида мантиксизлик, чатоқлик, номувофиқлик, қалбакилик – сохталик ётади. Яъни “кулгили ҳолатлар кўпчилик ҳолларда шакл билан мазмун, интилиш ва натижа, даъво билан ҳақиқат, улуғворлик билан реал пуч моҳият ўртасидаги аниқ ёки яширин номувофиқликда, зиддиятда кўринади.”<sup>22</sup>

Шубҳасиз, комедияда конфликт орқали комик вазиятни ҳосил қилиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу кўп жиҳатдан танланган ҳаётий материал характериға, ижодкорнинг истеъдоди ва услубий маҳоратиға, мухтасар қилиб айтганда, асардаги барча бадиий-эстетик компонентларға боғлиқ бўлган ижодий ва руҳий бир жараёндир.

Воқеликнинг ўзида комик асарға асос бўладиган кулгили ҳолатлар, вазиятлар кўп ва ранг-баранг. Маълумки, адабиёт ва санъатда бу ҳолатларни тадқиқ этиш ва бадиий акс эттиришнинг турли кўринишлари, шакллари мавжуд. Шунга қарамасдан, комик ҳодиса табиатини ўрганиш деганда, биз асосан комедия жанрини назарда тутамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки комедия жанрининг етакчи хусусияти бу комик ҳолат орқали воқеликни бадиий акс эттиришдир. Лекин бу билан комик элементлар бошқа адабий жанрларда учрамайди, дейиш ҳам хато фикр. Комиклик элементлари драмада, романда, ҳатто трагедияда ҳам учраши мумкин. Мисол учун, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” асари жанр хусусияти жиҳатидан драма. Лекин унда комик элементлар ҳам учрайди. Муаллиф Солиҳбой образини яратишда унинг адолатсизлигини, золимлиги ва ўта мунофиқлигини ҳаққоний кўрсатиш асносида вақти-вақти билан комизмға ҳам мурожаат қилади. Аммо уни меъеридан оширмайди. Шу боисдан ҳам драматург

---

<sup>22</sup>Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972. –Б. 30.

“Майсаранинг иши”даги Хидоятхоннинг образини яратишдаги бадиий тасвир услубларини Солиҳбой характерига нисбатан қўлламайди, агар қўллаганда, Солиҳбойдаги ёвузлик, маккорлик, шафқатсизлик сингари тубанлик хислатлари меъёрига етказилиб кўрсатилмаган бўлар эди.

Юқорида таъкидланганидек, комедиядаги комик ҳолатлар ижтимоий зиддиятлар, қарама-қаршиликлар орқали юзага чиқади ва у ўз моҳияти билан ижтимоий характерга эга бўлиб, унинг асосида кулги ётади. Энг бемаза ва хунук нарса ҳамда ҳодисалар одамларда кулги уйғотиши мумкин. Лекин чуқур маъноли ҳаракат ёки ҳолатлар устидан ҳам куладилар, агар уларда қандайдир аҳамиятсиз жиҳатлар одамларнинг кундалик одатларига ва кузатишларига зид бўлса.

Адабиётшунослигимиз тарихида кўплаб мутафаккир ва тадқиқотчи олимларимиз комедия жанридаги комик ҳолат ҳамда комизм ҳақида ўзларининг турфа хил фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Жумладан, рус мутафаккир-адабиётшуносларидан Н.Чернишевскийнинг эътироф этишича: “Қабих нарса ўзини гўзал қилиб кўрсатишга қаттиқ уринган тақдирдагина у кулгили бўлиб қолади.”<sup>23</sup>

Бошқа бир рус мутафаккири, машҳур назариятчи ва танқидчи В.Г.Белинскийнинг таърифига кўра: “Кулгили нарсанинг асосида ғоя билан шакл ёки шакл билан ғоя ўртасидаги номувофиқлик, зиддият ётади.”<sup>24</sup>

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг фикрича ҳам: “Гўзалликка қарши бирор тўсиқ борки, гўзал куч фожиага учрайди. Комик ҳолатлар ҳам конфликтга боғлиқ. Хунук нарсалар ўзини гўзалликка солмоқчи бўлганда, комик ҳолатлар келиб чиқади. Комизм гўзаллик билан хунуклик орасидаги зиддиятнинг бир кўринишидир.”<sup>25</sup>

Дарҳақиқат, комизмнинг моҳияти зиддиятларда юзага чиқади. Комизм-зиддият, қарама-қаршилик, ихтилофлар натижасидир; хунуклик-гўзалликка

<sup>23</sup>Чернишевский Н.Г. Полн. собр. соч. в 15– Тошкенти томах. том 2. – Москва: Госполитиздат, 1949. –С. 185-186.

<sup>24</sup>Белинский В.Г. Собр. соч. в трех томах. том 1. – Москва: Госполитиздат, 1948. –С. 238.

<sup>25</sup>Қўшжонов М. Конфликт ва характер. //Шарқ юлдузи. 1962. №3. –Б. 142.

(Аристотель), ночорлик-буюкликка (И.Кант), ахлоқлик-ақллиликка (А.Шопенгауэр) қарама-қарши бўлган вазиятларда комик ҳолат пайдо бўлади. Юқоридаги ҳар бир фикр ўзига хос тарихий-эстетик аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қайсиси комедиядаги комик зиддиятнинг аниқ бир кўринишини ўзида акс эттиради. Лекин комедиядаги комик ҳолатлар, комик зиддиятлар, уларнинг юзага чиқиш жараёнлари турфа хил, шунинг учун ҳам уларни битта коида билан таърифлаш жуда мушкул.

Бу фикрларнинг амалий ифодасини “Майсаранинг иши” комедиясидаги Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхонларнинг ички ахлоқий дунёси ва ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, ўзларини тутишлари ўртасидаги ўзаро номувофиқлик натижасида турли кулгили вазиятларга тушиб қолиши, охир оқибат шарманда бўлишларида кузатиш мумкин. Ёхуд “Тобутдан товуш” комедиясидаги Сухсуров, Нетайхон, Қориларнинг эса асл башаралари, ахлоқан бузуқлиги, таъмагир, порахўрликларини яшириб, ўзларини ўта ахлоқли, пок, яхши ниятли инсонлар қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишлари оқибатида турфа хил комик ҳолатлар сабабчиси бўлиб қолишида яққол кўришимиз мумкин. Бу икки комедияда ҳам “дин пешволари” ўткир ҳажв тиғи остига олинган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, аксарият ҳолларда дин, диний маросимлар, умуман олганда, дин билан боғлиқ анъана ва ақидалар асосий ўринда, муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу тушунчалар ҳаммаси муқаддас диний муассасалар билан алоқада бўлиб, улар ўзига хос тарзда мукамал бўлган. Уларга ёхуд диний таомил ва маросимларга, дин раҳнамоларига хиёнат қилиш муқаррар фожиа ва нохушликка олиб келган. Баъзи комедиялардаги кулги-масхара диний маросимларга, дин раҳнамоларининг “сохта” сеҳр-жозибасини фош этишга қаратилган. Жумладан, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода, Чўлпон, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорнинг қатор асарларида шу ҳолатларни кўриш мумкин. Хусусан, “Майсаранинг иши” ва “Тобутдан товуш” каби комедиялардаги кулги ҳам жамиятдаги иллатларнинг турли салбий кўринишларига барҳам берадиган



ноёб воситадир. Ҳар қандай реал воқеадаги қарама-қаршилик натижасида кулги пайдо бўлади, айни дамда, кулгининг ўзи ҳам турли хил кўринишларни ҳосил қилади. Умуман олганда, куйидаги ҳолатларни комизм объекти сифатида эътироф қилиш мумкин: жуда кичкина нарса ўзини буюк воқеа деб ҳисобласа, паст нарса ўзини юксак, кадрсиз нарса ўзини кадрли, хунук нарса ўзини гўзал, деб ҳисоблаган ҳолатларда. Бундай ҳаётий номутаносибликларнинг юксак бадий маҳорат билан ранг-баранг комик образлар ва типик манзара ҳамда лавҳалар орқали ифодаланиши жаҳон драматургияси ва ўзбек адабиётидаги кўплаб етук комедияларда ҳам кузатилади.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида адабиётшуносликдаги баҳс-мунозаралар конфликт ёрдамида комизм, комик ҳолатларни ҳосил қилиш, унинг табиатини ўрганишдаги қатор ноаниқликлар кўпинча кулгининг аҳамиятини ошириб, уни биринчи даражага чиқариш билан боғлиқ. Жумладан, Азима Ҳамраеванинг фикрича: “Кейинги вақтда шу нарса маълум бўлдики, айрим адабиётшунослар комедиянинг жанр хусусиятларини, умуман драматургияда кулгидан фойдаланиш, санъат асарларининг қайси жанрга мансублигини белгилашда кулгининг ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкинлигини англаб етмаганлар.”<sup>26</sup>

Бу мулоҳазаларга ўз муносабатини билдирган А.Эшонкуловнинг таъкидлашича: “...комедияда кулгининг ролини ошириб юборадиган бўлсак, унда драматургни ҳам, режиссёр ва актёрларни ҳам қандай бўлмасин одамларни кулдириш керак, деган шиор кетидан қувишга ундаган бўламиз. У китобхонни, томошабинни қандай бўлмасин кулдириш талаби сохталикка, схематизмга олиб келади.”<sup>27</sup>

Дарҳақиқат, мазкур фикр ва мулоҳазалар комедиянинг ҳақиқий моҳиятини англашда муайян аҳамиятга эга. Зеро, кейинги йилларда яратилаётган комедияларда зўрма-зўраки кулгини юзага чиқаришга ҳаракат

---

<sup>26</sup> Ҳамраева А. Драматургияда кулги масалалари.//Ўзбек тили ва адабиёти. 1966 .№ 3.

<sup>27</sup> Эшонкулов А. Драматик жанрлар ҳақида.//Шарқ юлдузи. 1970. № 7.

қилиш сохталикни, бачкана кулгини пайдо қилиб, натижада асарнинг бадий-эстетик таъсир кучини ва томошабоплигини пасайтирмақда. Шу муносабат билан йирик адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам юқоридаги фикрлар билан ўзаро ҳамоханглик касб этади: “Бугунги кунда комедия деб аталмиш сахна асарига тийиксиз чучмаллик, пардасизлик, кўчанинг сўзлари ва ҳиссиёти сурлик билан кириб келмоқда. Комедиографлар тўқнашувлар таранглиги, диалоглар пухталиги ҳақида эмас, ифоданинг қичиғи, сўзларнинг пардасизлиги ҳақида кўпроқ бош қотиришмоқда. “Хотинлар “гап”идан чиққан хангома”, “Хотинимнинг эри”, “Эргинамнинг орзуси”, “Қаллик ўйин”, “Супер қайнона” сингари битикларнинг номиёқ томошачиларнинг дидини бузиши мумкинлиги билан жиддий эстетик хавф туғдиради.”<sup>28</sup>

Бу фикрни мутлақ ҳақиқат деб даъво қилмаган ҳолда, шуни эътироф этиш лозимки, сўнги йиллардаги қатор драматик асарларда, чиндан ҳам, ўзбек мумтоз ва жаҳон драматургиясидаги юксак бадийлик ва чуқур ҳаётий мазмун ўрнига енгил-елпи талқинлар кўпайган. Айрим шоир-ёзувчилар борки, улар, асосан, ўқувчи ё томошабинни қандай қилиб бўлса-да кулдиришга уринади. Шу мақсадда қизиқроқ воқеа топиш, латифанамо ҳодисалар ўйлаб топишга, бемаънироқ бўлса ҳам кулгили сўз-ибораларни кўпроқ қўллашга интилади. Албатта, кулги ижтимоий воқеликнинг муҳим бир бўлаги бўлиб келганига асосланиб, комедия конфликтни ечимида кулгининг аҳамиятини таъкидлашимиз зарур, аммо уни асарнинг ҳал қилувчи элементи даражасига кўтариш, унинг аҳамиятини асоссиз равишда оширавериш нотўғри талқин ва тушунча бўлади, деб ўйлаймиз.

Маълумки, энг зўр комедияларда кулгилилик эстетик томондан юқори турувчи образ билан боғланган бўлади, бу нарса аввалдан аёнки, айнан шу типдаги комедиялар қўйилганда, томошабинлар ниҳоятда камдан-кам кулишади. Бироқ тўлиғича кўпол ҳазиллардан иборат оддий комедиялар

---

<sup>28</sup> Йўлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –Б. 194-195.

қўйилганда, томошабинлар тўхтовсиз кулишади. Бу нимадан далолат беради? Комизм қимматини белгилашда кулги ўз-ўзидан, тез-тез намоён бўлиши шарт эмас, бу фақат унинг қуроли, материали, холос. Ҳар қандай восита, қурол у ҳаддан зиёд зўр, кўп бўлиши шарт эмас. Идеал воқеа тасвирида у оддийгина мақсадига мос келса бўлди. Тадқиқотчи Т.Б.Любимованинг қайд этишича: “Мольер таъкидлаб ўтади, комедия учун энг муҳими бу– томошабинга ёқмоқ, маъқул келмоқдир... Комизм ва кулгилик агарда томошабинга ёқмаса, маъқул келмаса, демак, у кулгили эмас... Томошабинга ёқиш, маъқул келиш – бу – буюк санъат.”<sup>29</sup>

Комедиянинг умумий вазифаси кишилардаги нуқсонларни тузатмоқ ва уларни хурсанд қилишдан иборат экан. Бу вазифа турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Улар ижтимоий ва ғоявий, кўнгил очувчи ҳамда тарбиявий бўлиши мумкин. Мисол учун, комизмнинг бир кўриниши бўлган сатиранинг мақсад ва вазифаси – “жазоловчи кулги”да ўз ифодасини топади. Бундан ҳамма комизмлар ҳам худди шу мақсадга йўналтирилган бўлади, деб хулоса чиқариш тўғри эмас. Инкор этиш хусусиятига эга бўлмаган бетараф, ижобий хусусиятга эга бўлган комизмлар ҳам мавжуд. Уларда самимий муносабатдаги, дўстона беғараз кулги ва қувноқ комизм етакчилик қилади.

Худди шундай самимий муносабатдаги, дўстона кулги етакчилик қилувчи комедияларга Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана”, “Аяжонларим”, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони”, “Куёв”, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” ва яна бир қанча комедияларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу асарларда кулги жамиятдаги ижобий ҳодисаларни тасдиқлашга ёхуд салбий ҳодисалар ва ҳар хил иллатларни инкор этишга ҳамда уларга нисбатан китобхонлар ва томошабинларда нафрат уйғотишга қаратилган бўлади. Яъни истеъдодли адибларнинг асарларида кулги китобхонни етук ҳамда олижаноб инсон бўлиб етишиши ва юксак идеаллар учун курашишига ёрдам беради. Юқоридаги мисоллардан ҳам аён бўладики, ижтимоий

---

<sup>29</sup>Любимова Т.Б. Комическое, его виды и жанры. – Москва: Знание, 1990. –С. 7-8.

хаётдаги ижобий ва салбий воқеа-ҳодисалар ҳамда идеаллар комедияни эстетик баҳолашнинг муҳим мезони саналади. Ижтимоий-эстетик идеаллар ўзгариши ва такомили комедиялар табиатидаги ўзгаришларнинг муҳим сабаб ва омили бўлиши мумкин.

## 1.2. Комик характер ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Жаҳон адабиётининг кўп асрлик тараққиёти тарихи ва ўзбек драматургияси тажриба ҳамда анъаналаридан маълумки, комедиядаги комик ҳолат, комик вазият ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди, уларни юзага келтириш, муаллифнинг эстетик идеалини санъаткорона рўёбга чиқариш учун ҳаётий ва тўлақонли комик образ, ўзига хос комик характер яратиш талаб этилади.

“Комедия, – ёзганди Лессинг, – одамларни масхаралаб эмас, кулги билан тузатишга ҳаракат қилади ва у фақат ўзи кулаётган иллатларни ҳамда бу ожизликларни юқтирган одамларни тузатиш билан чекланмайди. Агар биз, Мольернинг “Хасис”и биронта ҳам хасисни, Ренъярнинг “Ўйинчи”си биронта ҳам ўйинчини тузатмади, деб фараз қилсак, агар кулги бу телбаларни ҳеч қандай йўл билан тузата олмаслигига рози бўлсак, унда комедияга эмас, уларга ёмонроқ. Агар у бедаво касалларни даволай олмаса, унинг соғлом одамлар кучларини мустаҳкамлашининг ўзи ҳам етарли. “Хасис” комедияси сахий учун ҳам, “Ўйинчи” эса мутлақо ўйнамайдиганлар учун ҳам ибратли, негаки уларга бегона бўлган ўша заифликлар бошқаларда бор ва уларнинг бу заифликлар билан яшашларига тўғри келади.”<sup>30</sup>

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланган комедияларнинг муваффақияти, шубҳасиз, энг аввало, улардаги комик характерларнинг мукамаллиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Таниқли танқидчи ва адабиётшунослар таъкидлашича, “Комедия драматик турнинг комикликка асосланган жанридир. Комедиянинг марказида комик характер туради.”<sup>31</sup>

<sup>30</sup>Лессинг Г.Э. Гамбургская драматургия. – Москва: Академия, 1936. –С. 112.

<sup>31</sup>Қуროнов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. –Б. 196.

Хўш, комик характер қандай хусусиятларга эга бўлиши керак? Бизнингча, у жамловчи, типиклаштирилган, умумлашган ёки, кўплаб тадқиқотчилар таъкидлашганидек, “ортиқча юкланган”, машҳур адиблар таъбири билан айтганда, шишасимон кўзгуда акс эттирилганидек, “ўта катталаштирилган” бўлиши керак. Акс ҳолда, у оддий одамга ўхшаб қолади ва алоҳида одамнинг хунук нусхасига айланади. Мисол учун, тентаклар бутун оламда ярамас, совуқ ва қабих бўлади, агар уларнинг вазифаси бизни хурсанд қилиш бўлса, унда муаллиф уларга ўзидан нимадир қўшиши керак. Муаллиф уларни саҳнага ҳар кунги кийимида, ярамас бепарволикда, уларнинг уйдаги қиёфасида чиқариб қўймаслиги лозим. Уларни ясантириши, уларда ўз ахлоқлиги билан ҳайратда қолдириш истаги пайдо қиладиган шуҳратпарастликни қўшиб тасвирлаши керак. Бу комедия учун янада муҳим, негаки ундан энг керакли жиҳатлардан бири кулдириш ва кулгили бўлишга лаёқатли ёрқин характерлар талаб қилинади.

Комедия конфликтининг ҳаётий ва бадиий ҳақиқат даражасида ишонарлилиги – унинг ҳаққонийлиги ҳамда ижтимоий аҳамиятлигида намоён бўлади. Характернинг типик хусусиятлари, инсон ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлигини белгиловчи ҳақиқий конфликт бўлмаса очилмайди. Конфликт кучлар синовини нафақат ташқи таъсирчан, ўз шиддатининг ички чегарасида кўрсатилган синовни, балки шахснинг руҳий ҳолати, ички коллизиялар кураши синовини ҳам ўз ичига олади. Ва шундай бўлса-да, ўткир конфликтнинг мавжудлиги ҳали комедиянинг бадиий мукамаллигидан гувоҳлик бермайди. Бадиий асарлардаги конфликт – бу, энг аввало, характерлар тўқнашувидир. У ўз ривожланишида характерларнинг ўзига хос хусусиятлари ва мустақил-индивидлиги билан боғлиқ. Жонли образларсиз, ўзаро муносабатлардаги зиддият ҳамда мураккабликларсиз, ҳаракатланувчи шахсларнинг моҳирона тасвирисиз – худди борлиқнинг қарама-қаршиликларини очишнинг чинакам ранг-

баранглиги ва ҳаққонийлиги йўқлиги сингари, ҳақиқий конфликтлар ҳам бўлиши мумкин эмас.

Комедия ютуғи кўп жиҳатдан муаллифнинг ҳаёт ҳодисаларини кулги ёрдамида англай олиш ва уни қайта гавдалантириш қобилиятидан иборатдир. Воқеа ва ҳодисаларни кўрсатиш жараёнида комедиянавис, қарши курашга кириша туриб, ўз инсоний моҳиятини, у орқали эса мавжуд ҳаётий жараёнларни намоён қиладиган комик типлар яратгандагина дунёни ўзича кашф қилади. “Инсон драманинг қаҳрамонидир ва унда ҳодиса инсон устидан ҳукмронлик қилмайди, балки инсон эркин ирода билан ҳодисаларга у ёки бу хотима, у ёки бу ниҳоя бериб, унинг устидан ҳукмронлик қилади.”<sup>32</sup>

Конфликт узвий боғлиқликда бўлар экан, характер комедияда асосий белгиловчи роль ўйнайди. Санъатнинг ҳақиқий кўринишида конфликт ички ирода ва характердан юзага келади. Характер ва конфликтнинг ўзаро муносабати диалектикаси шундайки, жонли, тўлақонли характерлардан маҳрум бўлган конфликт объектив ҳолатлар билан тўқнашувга олиб келинмаган характер сингари жонсиздир. Демак, характернинг ички мантиғи мазкур конфликтнинг ривожланиш мантиғи билан узвий боғлиқ ва бу хусусият комедия жанрида ўзига хос бир бадиий-эстетик ҳукмрон кучдир.

Бадиий ижод жараёнининг энг ҳаяжонли ва юлдузли онлари деб аталмиш, сир-синаотга тўла кўтаринки руҳий ҳолатлар деярли барча улкан истеъдод соҳиблари учун характерли ва муштарак мунаввар лаҳзалардир.

Чунончи, Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидовнинг ибратомиз эътирофи бадиий ижод жараёнининг такрорланмас сеҳрли онлари ёзувчи қалби, онг-шуурида юз берадиган ва ўй-фикрларини жунбушга келтирадиган мураккаб пинҳоний туйғу-кечинма ҳамда ҳолатларни тасаввур қилишимизда тиниқ бир кўзгу бўла олади. Адиблар таъкидлашича, ижоднинг боши – ёзувчининг мувозанатдан чиқиши, конкрет асар эса шунинг ифодасидир.

“Илҳом келса, образлар етилса, ижодкор учун иш вақти, иш соати йўқ. Асар илҳом билан ёзилса, образлар ўз-ўзидан гавдаланади, ҳатто ўзининг

---

<sup>32</sup>Белинский В.Г. Собр. соч. В 3 томах. Т 2. – Москва: Госполитиздат, 1948. –С. 8.

киладиган ишини, айтадиган гапини ёзувчига айтиб, лукма солиб туради. Кўп адиблар характерлар етилгандан кейин ёзишга киришганидан гувоҳлик беришади.”<sup>33</sup>

Санъат асарининг яратилишидаги бундай чуқур ва самарали психологик жараён машҳур шоиримиз Эркин Воҳидов томонидан ҳам ўзига хос теранлик билан қайд этилган: “Шоир илҳом дақиқаларидагина ҳақиқий шоир бўлади. Илҳом туйғуларининг шоир қалбидан тошиши, шоир хаёлида туғилган бадиий ниятнинг етилиши ва вужудни ларзага солишидир.”<sup>34</sup>

Буюк адибларнинг муштарак фикрларидан шундай хулоса чиқариш мумкин. Яъни чинакам санъат асари – у драматик асарми ёки прозаикми, барчаси ижодкорнинг илҳом онларида юзага келади. Асар қаҳрамонларининг ёрқин бўлиб чиқиши ҳам санъаткорнинг сеҳрли илҳоми билан яратилади ва бундай образ ҳамда характерлар жонли ва тўлақонли ҳамда ишонарли бўлиб чиқади. Шундай қилиб, характер бадиий ижодиётнинг бош асосидир. Шунинг учун кураш қанчалик кескин бўлмасин, ижодкор ўз қаҳрамонларини қандай мураккаб (драматик, комик) вазиятларга солмасин – булар барчаси, агар асосий сюжет чизиқларини ҳаракатлантирувчи шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланмаса, асарга ортиқча юк бўлиб қолиши мумкин.

Ўзбек комедияси тарихига назар ташлар эканмиз, унинг тараққиёти давомида бир қанча ёрқин характерлар яратилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ўринда Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Шароф Бошбеков ва бошқа бир қатор адибларимиз томонидан яратилган тўлақонли комик образларнинг бадиий-эстетик аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш жоизки, комик характер қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Одатда, комик характер дейилганда, кўпинча ўзида муайян жамиятдаги иллатларга бутунлай зид бўлган жиҳатларни жам этувчи ёки улардан айримларини намоён этувчи персонажлар кўз олдимизга келади. Бундай персонажлар ўз олдига хаёлий мақсадлар қўяди ва уларга мазкур аниқ ҳолатга тўғри

<sup>33</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. – Тошкент: 1971. –Б. 474-475.

<sup>34</sup> Эркин Воҳидов Ёлқинлар. Изтироб. – Тошкент: 1992. –Б. 192.

келмайдиган воситалар билан эришишга интилишади. Воқеликни эътиборга олмаслик улар тушиб қоладиган ўнғайсиз, кулгили ҳолатларнинг сабабчисидир. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ақл-идроққа тўғри келмаганидан эмас, балки умумжамият қарашларига, анъаналарига зид бўлгани учун ҳам кулгилидир. Шу билан бирга, комик қаҳрамон ўзининг ожизликларини ва ҳеч нарсага арзимаслигини нафақат англамайди, аксинча, ўзининг муҳим шахс эканлигига мутлақо ишонган ҳолда, аслида, ўзидаги йўқ инсоний фазилат ва хислатларини юксак даражада деб ҳисоблайди.

“Майсаранинг иши” комедиясидаги Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхон, “Тобутдан товуш”даги Сухсуров, Нетайхон, Қори, “Оғриқ тишлар”даги Марасул, Заргаров, Хуморхон сингари образлар мисолида юқоридаги фикрларнинг яққол тасдиғини кўришимиз мумкин.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” комедиясидаги Сухсуров ўтакетган порахўр, ҳеч кимга текинга ёрдам бермайдиган мунофиқ ва муғомбир шахс бўлса-да, лекин ўзини ҳалол, яхши ниятли, ҳар доим ҳаммага яхшилик қиладиган хайрихоҳ инсон сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади:

“Сухсуров. – Сиз менга пора бердингизми?”

Обиджон. – Ҳа, мен бердим, сиз олдингиз!

Сухсуров. – Идорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим, лекин сиз бунақа пасткашликка борасиз деб ўйламаган эдим. Аблаҳ!

Обиджон. – Бу гап оғзингизда тура турсин, ўзингизга керак бўлади.

Наврўзов. – қўл қўйинг!

Сухсуров. – (товуши титраб) Менинг толеим шу ўзи: кимга яхшилик қилсам, ёмонлик қайтади... (қарорга қўл қўйиб Наврўзовга беради). Марҳамат тинтинглар! Лекин бу сафар кечирмайман! Хотиним хафа бўлса ҳам, қўйди-чиқдига борсам ҳам кечирмайман! Тезроқ тинтинглар! Протокол ёзилсин.”<sup>35</sup>

Асарнинг бош қаҳрамони Сухсуров ҳисобланади. Комедияда унинг қайси мансабда ишлаши, олган маълумоти хусусида, олдинлари қаерларда

---

<sup>35</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Уздабийнашр, 1962. –Б. 72.



фаолият юритганлиги, халққа, жамият равнақига қанчалик фойда келтирганлиги ҳақида умуман маълумот келтирилмаган. Аммо шундай бўлсада, асар давомида Сухсуровнинг тўлақонли характери ва ички дунёси кўз олдимизда гавдаланади. Сухсуровнинг ўзига хос ҳаётий эътиқодлари ҳамда дунёқараши мавжуд. Комедия давомида айтилмаса ҳам, бош қаҳрамонимизнинг қайсидир идорада раҳбар бўлиб ишлаши ҳақида ўқувчи-томошабинда тасаввур ҳосил бўлади. Лекин у ҳар доим ўз мансабидан шахсий манфаати йўлида фойдаланади. Сухсуров – моддий мол-мулк ва бойлик орттиришга ҳаддан зиёд ружу қўйган айёр шахс. Пора, пул, бойлик деган жойда ҳар қандай инсоний туйғулардан, виждонидан ҳам воз кеча олади. Унинг виждонсизлиги, орсиз-диёнатсизлиги охир-оқибат шу даражага бориб етадики, бойлик орттириш илинжида ор-номусни ҳам йиғиштиради, жуфту ҳалолни Қорига қўшиб қўйишдан ҳам тап тортмайди. Комедияда порахўрлик муқаррар тарзда бошқа салбий иллатлар, бошқа ифлосликлар билан бирлашиб кетиши ҳаётий ҳақиқат эканлиги маҳорат билан очиб берилган. Порахўрлик, коррупция бор жойда, албатта, маишатпарастлик, фоҳишабозлик, иккиюзламачилик, мунофиқлик ва лаганбардорлик каби иллатлар ҳам бўй кўрсатиши табиий ҳол. Охир-оқибат, бундай иллатларнинг барчаси биргалашиб, порахўрлар дунёсини маънавий тубанликнинг энг қоронғу жарликлари сари етаклаши асарда етарли даражада ёритилган.

Сухсуровнинг воқеликка тўғри баҳо бермаслиги, ўзини ўта ақлли, қолганларни эса ўзидан паст кўриши, нопок, ифлос ишига ўзига ўхшаш текинхўрларни шерик қилиши оқибатида ҳамда қилаётган ишининг охирини ўйламаслиги натижасида жамоат олдида барча кирдикорлари фош бўлади ва ҳақли равишда жамиятнинг аччиқ, заҳарханда кулгисига дучор бўлади.

“Сухсуров. – (бўғилиб, Қорига) Нима бўлди, нега кечикдингиз?

Наврўзов. – Буни мендан сўранг! Кеча бизнинг ходимлар монтер қиёфасида кириб, Қорининг чироғини ўчириб кетишган эди, ҳозир келиб ёқиб беришди. Шундоқми?

Қори. – (бош чайқаб) Э... ҳали шундоқ денг... Тасанно!...

Наврўзов. – Энди тасанно дедингиз-а! (Печкани, унинг оғзини суратга олади).

Қори. – (бирдан) Бундан бар неча дақиқа муқаддам Сухсуров каминани чорлаб “печкага бир миқдор пул ташладим, сизга омонат” деди.

Сухсуров. – (кўзлари олайиб) Мен печкага пул ташлаганим йўқ! (бирдан фош қилиб) Ўзи маҳкамаси шаръиядан юлган пуллари яшириб юради.

Қори. – (жон-пони чиқиб) Бўхтон! Ўзи порага олган ақчаларини печкага ташлайди.

Обиджон. – Сиз олиб турасизми? Сизга қанча тегади?

Қори. – Ўзи закот тариқасида бир миқдорини мачитга бериб туради.

Шайтонуллабин!

Сухсуров. – Ўзинг шайтон! Текинхўр!

Қори. – Порахўр!

Обиджон.и – Бир-бирингдан қолишмайсан.”<sup>36</sup>

Комик характери типиклаштириш, уни фош қилиш пафоси, муаллиф маҳорати комедиянинг бадиий-эстетик ва ғоявий-тарбиявий қимматини белгилайди. Бу каби жиҳатлар Абдулла Қаҳҳор талантининг муҳим қирраси, унинг ҳаётга бўлган фаол муносабати ва ижодкор сифатидаги эстетик позициясини ҳамда адиб ижодида ҳажвиётнинг катта ўрин тутиши сабабини ҳам тўғри англашимизга ёрдам беради. Абдулла Қаҳҳор сатираси бадиий тасвир ва эстетик тафаккур оламида ўзига хос новаторлик бўлиб, бу ёзувчининг ҳақгўйлиги ҳамда фуқаролик шижоатининг ёрқин ифодаси сифатида ҳам ибратлидир. Муаллиф “Тобутдан товуш” комедияси бошидаёқ қисқа сатрларда воқелик ибтидоси бўлган ҳақиқий типик шароитни маҳорат билан кўрсатиб беришга эришади:

“Мачитга девор қўшни Нусрат Сухсуровнинг ҳашаматли ҳовлисида меҳмонхона. Унинг бир эшиги ҳовлига, иккинчиси кўча эшигига томон очилади. Бурчакда каттакон қора печка. Печка меҳмонхонадан ёқилади. Диван. Қозикда салла билан тўн. Бу ерда туни билан ичкилик бўлган.

<sup>36</sup> Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Узадабийнашр, 1962. –Б. 74-75.

Хонтахтада коньякдан бўшаган шишалар, керагидан кўпроқ рюмка, қолган-қутган овқат. Ҳамма учиб ётибди: Нусрат Сухсуров диванга интилгану етолмаган; Юсуф Сухсуровнинг бир оёғини кучоқлаганча қолган; фартук тутиб олган Қори сичқон пойлаган мушукдай жағини хонтахтага қўйганича пишиллаб ётибди.”<sup>37</sup>

Дарҳақиқат, ушбу сатирик комедия бошланмасидаги ремаркада ҳар бир оддий деталларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Абдулла Қаҳҳор бу номақбул манзара орқали асардаги типик шароитнинг бир бўлагини маҳорат билан тасвирлаб бера олган. Айни вақтда, томошабинда буларга нисбатан антипатия ва истехзоли кулги пайдо бўлади ва унинг қизиқиши ортади.

“Пул Сухсуровнинг терисини қалин, виждонини ўтмаслаштириб юборган. Унинг шахсиятида табиий қиёфадан асар ҳам қолмаган. Шу маънода у уятсиз, сурбет, бамисоли бетига чарм ниқоб кийиб олган кимса. Ҳатто эшигига келиб тўхтаган уловни ҳам совға сифатида сингдириб юбора беришдан тоймайди. Атрофдагиларга очикдан-очик “сен буни олиб келсан, сен – мана буни” деган қабалида буйруқ беришдан ҳам ийманмайди. Рўзғор сарф-харажатларини ҳам, бирор жойга сафарга чиқиб қолса, бола-чақасига оладиган совға-саломини ҳам бошқаларга юклайдиган типлардан. Бошқалар ҳисобига у катта зиёфатлар беришга ҳам тайёр.”<sup>38</sup>

“Типик образ дейилганда, муайян ижтимоий-тарихий шароит, давр ва муҳитга хос муҳим характерли хусусиятларни ўзида мужассамлаштира олган образ...”<sup>39</sup>, – деб таърифланади адабиётшунослик манбаларида. Дарҳақиқат, типик образ ўзига даврнинг турли-туман хусусиятларини сингдириб олади. У бир томондан, бу хусусиятларнинг синтези, уларнинг жонли бирлиги сифатида, иккинчи томондан, у драматургнинг ғоя ва қарашларини ўзида жамлайди, унинг ҳаётга муносабатини ифодалайди. Бироқ характернинг қиммати фақат ғоявий қувват билан эмас, балки ёзувчи уни яратиш учун фойдаланган материалнинг бадиий ишлови – талқини билан ҳам

<sup>37</sup> Кўрсатилган манба. –Б. 7.

<sup>38</sup> Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. –Б. 199.

<sup>39</sup> Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. –Б. 77.

белгиланади. Агар бу материал, гарчи ўзининг мазмунига кўра жуда юқори бўлсада, чуқур англолмаган, муаллифнинг бошидан кечирилмаган, қалбан ҳис қилинмаган бўлса, унда санъат асарининг ўзи бўлмайди.

Комедияда типиклик муаммоси алоҳида аҳамият касб этади, чунки сохта комик қаҳрамонлар яратиш ҳавоси ва сохта комизмга тушиб қолиш эҳтимоли бу ерда, айниқса, катта – бу тасвирнинг ҳаққонийлигига салбий таъсир қилади. Кулги, қувноқ кайфият – бу ҳали комедия эмас. Ахир кўпинча кулги комикликнинг ташқи кўринишларига асосланади ҳамда кулгининг ўзи куруқ вақтичоғликка, масхарабозликка олиб келади. Масхарабозлик эса – бу комедиянинг заиф кўланкаси холос.

Комедия воқеалари характерлар ва қарама-қарши фикрлар, ўзаро истисно қилинувчи манфаатлар, жиддий, кўпинча муросасиз ғоявий курашда кечади. Бироқ бу кураш бошқача – кулгилдир, у кулги кўзғотади. “Трагедиянинг асоси, – ёзади В.Г.Белинский, – табиатига кўра даҳшат, ачиниш уйғотувчи ёки инсон табиатининг фазилатлари билан фахрланишга мажбур қилувчи ва ахлоқий қонуннинг тантанасига йўл очувчи фожиавий курашда бўлгани сингари, комедиянинг асоси ҳам – кулги уйғотувчи комик курашдадир; бироқ бу кулгида биргина хурсандчилик эмас, балки таҳқирланган инсоний фазилатлар учун интиқом ҳам сезилиб туради ва шу тарзда трагедиядагидан бошқача йўл билан, яна ахлоқий қонун тантанасига йўл очилади.”<sup>40</sup>

Дарҳақиқат, комедиянинг кўп асрлик тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, унинг асосий конфликти кулги пайдо қиладиган зиддият асосида курилади. Комедияларда намоён бўлганидек, бу кулги ўта хилма-хил; мулойим, кинояли, қувноқ ва заҳарли, ниҳоят қайғули ҳамда маънос тусга эга бўлиши мумкин, лекин у кулгили кураш оқибати сифатида ҳамиша мавжуд.

Айрим тадқиқотчилар эса комедияда, айниқса сатирик комедияларда кулги бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Жумладан, Ю.Боревнинг фикрига кўра: “...баъзан сатирадаги алоҳида ҳиссиётли танқид кулги шаклида

---

<sup>40</sup>Белинский В.Г. Полн. собр. соч. том 3. – Москва: Политиздат, 1955. –С. 448.

амалга оширилмайди (масалан, Шедриннинг “Жаноби Головлёвлар”, Свифт ва Гойининг қатор гротеск образлари). Кулгисиз сатира, агар ўзига хос ҳиссий танқид ижодкорнинг ғазаб ва нафрати кулгини босиб кетадиган ўта равшанликка, ўта юксакликка эришган ҳолдагина бўлиши мумкин. У мазкур кулгили ҳодиса мавжудлигининг фожиавий оқибатлари, айниқса, аниқ кўришиб турганда, кулгили ҳодиса инсонларнинг ўта оғир бахтсизлиги ва ҳалокатини келтириб чиқарадиган даражада ижтимоий хавфли бўлганда, шу муносабат билан ижодкорнинг ғазаб ва нафрати сўнгги чегарагача етиб борганида пайдо бўлади.”<sup>41</sup>

Бизнингча, ушбу мулоҳазада ғоят муҳим жиҳат назардан четда қолдирилган. Ғазаб ва нафрат одатда, баён қилинаётган ҳодисанинг ҳиссий-эстетик таҳқиқланиши билан бирга кузатилади. Сатирик ижодкор бехосдан улугвор нарсада арзимас, кулгили томонни кўриб қолди ва шундай қилиб, ташқи юзаки, сохта қиёфани унинг асл моҳиятидан ажратиб олди. Буларнинг ҳаммаси кўшилиб кулги уйғотмай қўймайди. Тўғри, бу кулги самимий, кувноқ кулги эмас, аксинча, кинояли, заҳарханда ва аччиқ кулгидир.

Комедиянинг жанр хусусиятини белгиловчи асосий етакчи восита бу комизм ва уни тарғиб этувчи кулги ҳисобланади. Сатирик комедияларда эса фақат кулги ҳукмронлик қилиб қолмасдан, унга даҳшатли кўрқинч, чуқур қайғу, нафрат, қаттиқ эзилиш, изтироблар характериға эға бўлган трагик мотивлар ҳам, драмадан эса руҳий ташвишланишлар, драматик ҳолатлар ҳам кириб бориши мумкин.

Баъзан сатирик комедия билан трагедия жанрининг бир-бириға яқин турадиган жиҳатлари ҳам кўзға ташланади. Ҳар икки жанрнинг бу хусусияти ҳам номуносиб бўлган вазиятдан, воқеа-ҳодисалар тасвиридан келиб чиқади. Тўғри, ҳар иккисида ҳам тасвирлаш воситалари, қўлланиладиган усуллар, муаллифларнинг позициялари турлича бўлади. Аммо бир жараёндан иккинчи жараёнға ўтиб кетиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туриши мумкин. Чунки

---

<sup>41</sup>Борев Ю. О комическом. – Москва: Искусство, 1957. –С. 126-127.

хар икки жанр ҳам оқибатда, асл маънавиятни, тоза ахлоқнинг тантанаси томон олиб бориши ёки шу руҳни тасдиқлаши даркор.

Шундай характердаги комедияларга Ҳамза Хақимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш” ва бошқа шу типдаги асарларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Жумладан, “Майсаранинг иши” комедиясида ахлоқ ва ахлоқсизлик масалалари сатирик кулги воситасида эстетик танқид остига олинади. Жамиятнинг маънавий тараққиётида ахлоқ ва ахлоқий муаммолар ҳар доим биринчи галдаги масала ҳисобланган. Комедияда ўша давр ҳукмрон табақаси, дин аҳллариининг турли хил кирдикорлари, ахлоқан тубанликлари, ўзгалар жуфти ҳалоллига кўз олайтиришлари, фақатгина ўз манфаатлари устидагина жон куйдириши каби умумжамият миқёсидаги иллат ва нуқсонлар типик образларда умумлаштирилиб берилган. Агарда бу каби ахлоқсизликларга, тубанликларга ўз вақтида чек қўйилмаса, жамият маънавиятига катта зарар етказиши воқелар ривожини, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати орқали ёритилади.

Асарда Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхон образлари мисолида шарият пешволари ва адолат посбонларининг ахлоқан тубан ҳамда ифлос башаралари фош этилган. Шу билан бирга ушбу сатирик комедияда комик ҳолатлар билан гоҳи-гоҳида трагик мотивлар ҳам учраб туради. Мисол учун; “Чўпон; – ....Ойхон, бизнинг Ҳисор ҳокимидек одамзод ичинда ҳеч бир золим, бадкор ўлмагандир. Чиройли қизлар у ёқда турсин, ҳатто кишиларнинг ҳарамларигача қўл узатмай қўймайди. Отам акамга Хол иноқ деган мирзабошининг Хурзод исмли қизини олиб берган эди. Отангиз сизни қандай хондан қочириб менга берган бўлса, унинг ҳам воқеаси шундай эди. Янги келган ҳоким Хурзоднинг донгли чеварлигини эшитиб яширин хотинларни юбориб, ўрдасига келиб юришга димлатган экан. Хурзод кўрқиб онамга, онам отамга айтгандан кейин, отам раҳматлик бир кечада ҳаммамизни бир томонга олиб қочмоққа тайёрланганини сезишиб қолганлар. Ҳоким Хол иноқни чақиртириб, сарполар кийгизиб, иноқлик мансаби беришга ваъдалар қилиб, мана бундай ҳийлалар ўргатганлар: “Менинг қизим

хокимлар даргоҳига лойиқ қизлардан эди. Эски хоқимнинг иноғи бўлиб олиб, мени сиёсат билан қўрқитиб, қизимни ўғлига зўр билан никоҳ қилдирди. Ҳозирда қизим кўнгилсизликдан девоналикка яқинлашибдир. Умид қиламизки, фуқаропарварлик қилиб, қизимни кўз ёшига тарахҳум этиб, айиртириб қўйсангиз. Бўлмаса ўзини ҳалок қилгусидир, барчамиз зоминига қолурмиз.” Мана, бир томондан, қўрққанидан, бир томондан, олти кунлик омонат мансабига динни, имонни сотиб мирзабоши ариза бергандир. Дарров хоқим отам билан акамни зиндонга солдирди. Бечора акамни шундай урганларки (йиғлар, Ойхон ҳам йиғлаб турар), бир ёқдан қўрқиш, калтак дарди, бир ёқдан севгили Хурзод ва кичик гўдакларнинг алаmidан бир ҳафтага етмай вафот топди.

Ойхон: – Хурзод нима бўлди сўнг?

Чўпон: – Айтгандай, биз сургунда йўлдалигимизда қарвон оғзидан эшитдикки, биздан кейин хоқим ҳар кун мирзабошининг уйига тунда бориб қолур экан... Хурзодни шу қадар кучлаганлар, ёнига кирмаган, кирганда дод-фарёддан тўхтамаган. Охири ўрдага кетиши билан, ярим тунда, икки гўдагини етим ташлаб қочгандир. То булар ортидан етиб боргунча ўзини Амударёга отиб, нобуд бўлган.”<sup>42</sup>

Мисолдан кўринадики, сатирик комедияларда комизм билан бирга трагик мотивлар ҳам уйғунлашиб келиши мумкин. Дарҳақиқат, сатирик комедияга хос бўлган бу ички қарама-қаршиликнинг асосий моҳияти рус ёзувчиси Ф.М.Достоевский таърифи билан айтганда: “...сатирада трагизм бўлиши керакмасми? Аксинча, сатира остида доим трагедия бўлиши керак. Трагедия ва сатира опа-сингил, улар ёнма-ён боришади ва уларнинг ҳар иккаласининг биргаликдаги исми–ҳақиқат.”<sup>43</sup>

Лекин жиддий бир қарашдаёқ комизм трагизмнинг тамоман тескариси эканлиги ҳис этилади. Дарҳақиқат, бу икки тушунчада бир-бирини инкор этадиган томонлар анчагина. Мисол учун, трагизмда, албатта, кучли салбий

<sup>42</sup> Ниёзий Х.Х. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик. 4- том. – Тошкент: Фан, 1989. –Б. 16-18.

<sup>43</sup> Боршевский С. Шедрин и Достоевский. – Москва: Исскуство, 1956. –С. 296.

ҳиссий кечинма – ваҳима ва ачиниш мавжуд бўлади. Одатда, инсонларда бир ҳолат узоқ вақт сақланмайди, кулги ўрнини вақти-вақти билан кўз ёшлари эгаллаши мумкин ёки аксинча. Ҳаёт давом этар экан, табиий равишда бир турдаги нарса иккинчи турдаги нарса билан доимо алмашилиб яшайди. Умуман олганда, инсоннинг кундалик ҳаётида ҳар доим кулги, кўз ёшлари, кўрқинч, ваҳима кетма-кет давом этадиган психологик жараёнлардир.

Худди шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, комедия ҳам, трагедия ҳам реал ҳаётни акс эттирар экан, комедияда трагизм, трагедияда комизм бўлиши табиий ҳол. Лекин уларнинг ҳаётни тасвирлаш услублари турличадир. Бу тафовут умумий маънода қуйидагича акс этади: трагедияда ҳар доим охир оқибат олий кадриятлар хавф-хатарга, ҳалокатга дучор бўлади, лекин комедияларда бундай бўлмайди, ундаги фикрлар кураши олий кадриятларга дахл этмайди, аксинча, уларни қандай қилиб бўлса ҳам ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Бироқ кўпинча шундай бўладикки, жамиятдаги иллатлар ва уларнинг “ҳомийлари” комедиянависдан анча кучли, уни жим бўлишга мажбур қилувчи имкониятларга эга бўлади. Ва натижада комедиянавис идеалларининг амалга ошишига имкон қанчалик кам бўлса, унинг танқиди ҳам шунчалик муросасиз ва шафқатсиз кучга эга бўлади. Кулги қўзғатиш ҳамиша комедиянависларнинг энг муҳим мақсадларидан бири бўлган. Бу жиҳатдан қадимги аттика комедияси тажрибаси ибратлидир. Ҳатто буюк Аристофан ҳам ўз ғояларини илгари суриш мақсадида фарс элементларига, кўпинча эса одобсизликка ҳам мурожаат қилган, фақат улар томошабинни кулдирса бас. Кулгисиз комедия моддалар алмашинувисиз ҳаёт каби нотабиийдир.

Заҳарханда кулги билан нафақат душманнинг ақидалари рад қилинади, балки шу пайтгача муқаддас ҳисобланган нарсанинг аҳамияти бирданига камаяди, бунга эса нафратли кулгидан бошқа ҳеч нарса билан эришиб бўлмайди. Кулги нафрат тусида бўлса, фавқулодда чуқур жароҳатловчи. Тузатиб бўлмас яралар ҳосил қилувчи кучли қуролга айланади.



Бироқ комедиянавис аллақандай вакуумда ижод қилмайди, у жамиятда яшайди ва унинг асарлари тушунишни ва қўллаб-қувватлашни талаб қилади, акс ҳолда бу саҳродаги овозга ўхшаб қолади, уни ҳеч ким ҳеч қачон эшитмайди ҳамда тушунмайди. Шунинг учун кулги таъсир кўрсатиш учун, бизнингча, энг аввало, кулаётганнинг ўзи душманнинг ночорлигига амин бўлиши керак, иккинчидан, кулги кулги йўналтирилган одамда ўз-ўзини паст баҳолашни пайдо қилиши керак, учинчидан, масхаралаш гувоҳлар кўз ўнгида табиий ва ишонарли даражада содир бўлиши керак.

### **Биринчи боб бўйича хулоса:**

1. Ўзбек драматургиясида комедия жанри шаклланиб, ривожланиши ва етук намуналари яратилгани адабиётимизнинг жиддий ютуғи. Комедиянинг жанр хусусиятлари турли даврларда турлича моҳият касб этиши, такомиллашиши, айрим белги, тамойиллар янги моҳият касб этиши табиий.

2. Комедиялар табиатида реал воқелик билан узвий алоқадорликда юз берган тарихий ўзгаришлар ва реалистик комедиянинг илк намуналарида қарор топган айрим хусусиятлар барқарорланишининг ғоявий-эстетик, амалий ва назарий асосларини ёритиш адабиётшунослик учун ҳам муҳимдир.

3. Ўзбек адабиётида комедия жанри тадрижий ривожланиш босқичларида шакл ва мазмун жиҳатидан турлича ўзгариш ва янгилашларни намоён этади; комедия юмористик ва сатирик кулги воситасида воқеликни кенг, полифоник акс эттира олиш имконияти билан ажралиб туради.

4. Ижтимоий ҳаётдаги ижобий ва салбий воқеа-ҳодисалар ва идеаллар ўзгариши ва такомилли комедиялар табиатидаги ўзгаришларнинг муҳим сабаб-омили бўлиши мумкин.

## II БОБ. ЎЗБЕК КОМЕДИЯЛАРИНИНГ ВОҚЕАВИЙ АСОСИГА КЎРА ТИПЛАРИ

### 2.1. Характерлар комедияси

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, комедияларнинг воқеавий асосига кўра биринчи типи бу – характерлар (инсоний феъл-атворлар) комедиясидир. Айрим илмий-адабий манбаларда, жумладан, 2005 йили нашр этилган Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида характер шундай тавсифланади: “Одамнинг хатти-ҳаракати ва атроф-муҳитга муносабатида намоён бўладиган индивидуал хусусияти”<sup>44</sup> – характер ҳисобланади. Бу мухтасар таъриф моҳиятан хато бўлмаса-да, аммо адабиётда беқиёс аҳамиятга молик бўлган, унинг “ўзаги”ни ташкил этувчи образ – характернинг асосий хусусиятлари ва ғоявий-бадий, эстетик функциясини тўлиқ ифодалаган деб бўлмайди.

Бу тип комедияларнинг воқеавий асосини инсон характери, ундаги турли нуқсон-камчиликлар натижасида келиб чиқадиган ҳар хил нохуш ва номақбул ҳолат ёхуд ҳаётий муаммолар ҳамда уларни сатирик ёки юмористик кулги воситасида акс эттириш ташкил этади. Муаллиф шу воқеавий асосга мос тарзда асаридаги характерлар тизимини шакллантиради. Инсон характери ўзгармас, туғма хусусиятларга эга бўлиши билан бир пайтда, унга жамият ва муҳит таъсирини ҳам инобатга олиш лозим. Инсон характеридаги айрим умумжамият тамойилларига зид бўлган жиҳатлар бизнинг кулгимизга дучор бўлади. Бундай нуқсон – камчиликларни ўша характер эгаси англаб етса ва жамоатчилик таъсири ҳамда тушунтириши натижасидагина тузатиш мумкин. Бу хил комедияларда муаллиф жамиятдаги айрим инсонлар характеридаги умумжамият қарашларига, манфаатларига зид бўлган нуқсонларни ўз асарига тасвир объекти қилиб олади. Гарчи бу типдаги комедияларда жамиятдаги ва инсонга хос бошқа иллатлар ҳам ҳажв остига олинса-да, лекин воқеалар асосини, муаллифнинг асосий идеалини

---

<sup>44</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9 – Том. – Тошкент: 2005. –Б. 391.

характерлар кулгиси ташкил этади ҳамда у асарда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини ўтайди.

Комедия жанри воқеликдаги турли жараён ва ҳодисаларни, инсонлардаги салбий хислат ва пинҳоний ички ҳис-туйғу ҳамда ғайриоддий ҳолатларни комик тарзда акс эттиради. Зеро, бадиий ижоднинг икки муҳим томони – ҳаётни бадиий тушуниш ва уни акс эттириш принциплари ҳамма вақт ўзаро мос ва бир-бирини тасдиқлаш характерида бўлавермайди. Зотан, ҳаётни англаш конкрет асарда ўз бадиий шакли билан намоён бўлса, янгича дунёқарашнинг рўёби, унинг ижодкор томонидан қабул қилиниши ўз-ўзидан бадиийлашган бўлиб қолмайди. Буни ёзувчи шахсий иқтидорича, маҳорати етгунича бадиийлашган ҳолда асарда кўрсатиб бера олиши керак бўлади.

Ҳар бир ижодкор ижтимоий ҳодисаларни талқин қилишда, мақсадни хилма-хил воситаларда ифодалашда инсон ҳаётини таҳлил объекти қилиб олади, уни конкрет ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули сифатида талқин этади. Ҳар бир ижтимоий-тарихий давр ўзига монанд инсоний характерларни бунёд этади. Ёзувчи хилма-хил ва индивидуаллашган инсоний характерлар фаолиятини, улар ҳаётининг турли жабҳалари ҳамда ўзаро муносабатларини санъат асари талабларига мувофиқ равишда акс эттириш орқали ўз мақсадини ифодалайди. Характер барқарор ва етакчи индивидуал сифатларга, ижтимоий кучнинг типик хусусиятларига эга тарзда гавдалантирилсагина, у асарда мукамал ғоявий ва бадиий-эстетик қимматга эга бўлади.

Ёзувчи ҳаётни бадиий образ – инсоний характерларда акс эттирар экан, асардаги фикрни ифодалаш шакли, манбаи характерга, унинг алоқаси, ўрни ва тақдири, мазмунига, хуллас, яратилиш хусусиятига бориб тақалади. Зеро, бадиий ижодда типик характерларни мос шароитларда кўрсатишва деталларнинг ҳаққоний ҳамда ҳаётийлигига суяниш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Асарнинг воқеавий асоси ва характер тушунчаларига фақат ижобий образларгина эмас, балки салбий образлар ҳам киради. Зотан, бадиий-эстетик идеал ҳар иккаласида ҳам ўз ифодасини топади. Комедиядаги

сатирик кулги жамиятимизда учровчи иллат ва нуқсонларни кулги воситасида очиб ташлаши билан бирга, ижобий, илғор ғояларни қўллаб-қувватлайди, уларнинг барҳаётлиги ҳамда ривожланиши учун фаол курашади. Агар юмористик комедияларда комик характерлар ўз нуқсон ва камчиликларини қарши турган шароит таъсирида, кўпинча, тузалиш ва эътироф этиш томон тутсалар, сатирик комедияларда салбий типлар типик шароит таъсирида қақшатқич зарбага учраб, фош бўладилар. Шу жиҳатдан, сатирик ва юмористик комедиялар жамият ҳаётининг қайси томонини ўз объекти қилиб олишига, яъни воқеавий асосига кўра бир неча кўринишларда бўлиши ҳам табиий ва уларни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Комедия жанрига мансуб бўлган исталган асар, у қайси даврда яратилганлигидан қатъи назар, ундаги комизм, яъни комик ҳолат ҳаётининг асосга эга бўлгандагина, воқеалар яхлит тарзда ўсиб, ривожланиб боради. Дарҳақиқат, комедияларда ифода этилаётган воқеалар – бу турмуш манзараларининг шунчаки бир нусхаси – кўчирмаси эмас, аксинча, у инсон ҳаётининг комик тарздаги бадиий умумлашмаси, ўзига хос образли инъикосидир.

Ҳар қандай бадиий асарда жамият ва алоҳида инсон ҳаётининг маълум бир қирралари образлар орқали акс этади ҳамда воқеалар тизими муайян томонга, яъни муаллифнинг ғоявий-бадиий ниятига йўналтирилган бўлади. Шу нуқтаи назардан комедиялар ўз тасвир объектига, яъни воқеавий асосига кўра бир неча типларга бўлинади. Комедия гоҳ инсоннинг ахлоқий қарашлари, гоҳ характер-хусусиятларини, гоҳида эса маиший ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаёти – фаолиятини ўзига кулги объекти қилиб олиши мумкин. Бу табиий равишда муаллифнинг бадиий-эстетик идеалига, услуби ҳамда иқтидорига боғлиқ бўлган ижодий жараён дир.

Ушбу фикрларни ойдинлаштириш мақсадида, шу ўринда адабиётшунос Бердиали Имомовнинг комедия типлари ҳақидаги мулоҳазаларини келтириб ўтмоқчимиз: “Комедиялар ҳозирги давр адабиёти мисолида олиб қаралганда ҳам, турлича жанрий-услубий кўринишларга эга; В.Гусевнинг “Москвада

баҳор”, В.Шкваркиннинг “Оддийгина қиз” каби лирик комедиялари; М.Брюковнинг “Адоват боиси”, А.Макёнокнинг “Тил остидаги дори” сингари характернинг мардона фаолияти кулгили ҳолатлар билан узвий алоқада ифодаланган қаҳрамонлик комедиялари; фожиавий қисматларни юмор билан уйғунликда юзага чиқарувчи А.Макёнокнинг “Трибунал”; кундалик турмуш шароитлари акс этган В.Шкваркиннинг “Бировнинг боласи” типдаги маиший комедиялар; енгил, хушчақчақ, кулгили ва юморга бой қўшиқ-ўйин ҳолатларни ўз бағрига жо этган В.Катаевнинг “Чигаллик”, М.Слободоевнинг “Бир соатлик сеҳргар”, “Аёллар монастири” водевиллари; яна фарс-ҳазил ва пародиялаштириш-масхараомуз тақлид ҳаёлий-шартли усулларида ижод қилинган ва бошқача типдаги комедиялар ҳам яшамокда.”<sup>45</sup>

Юқоридаги тасниф гарчи жанрий-услубий жиҳатдан олинган бўлса-да, лекин комедиянинг воқеавий асосига таянилгани ва шунга асосланиб тасниф қилинганлигини сезиш қийин эмас. Чунки ҳар бир комедия ўзининг комик объектига, муайян воқеавий асосига эга бўлади. Лекин баъзи илмий-адабий манбалар ва дарслик – қўлланмаларда ҳам комедияни, асосан, икки хил деб таснифлаш кенг тус олган. Чунончи, “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида драматик тур куйидагича таърифланган: “Ҳаётни персонажларнинг нутқида, монолог ва диалогларда ҳамда конфликтлар, драматик ситуациялар орқали акс эттирувчи асарлар драматик асарлар дейилади.”<sup>46</sup>

Бу таъриф моҳиятан хато эмас, аммо унда драматик асарлар, энг аввало, сахнада намойиш этилишига урғу берилмаган. Бинобарин, машҳур мутафаккирлар ва адиблар таъкидлаганидек, театр сахнасиз ҳар қандай драматик асар бамисоли “уйқудаги гўзал” каби жонсиз, руҳсиз – ҳароратсиз бўлади.<sup>47</sup>

---

<sup>45</sup> Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номли нашриёт матбаа бирлашма, 1991. –Б. 54-55.

<sup>46</sup> Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б. 234.

<sup>47</sup> Погодин Н. Автобиографическая заметка. Советские писатели. Т. 2. – Москва: 1959. –С. 223.

Иккинчидан, юқорида таъкидланган дарсликда комедияни икки хил “Ҳолатлар комедияси ва Характерлар комедияси”га ажратилиши таъкидланганки, бу тасниф ҳам баҳсли кўринади. “Сюжет (фран. — предмет, “асосга қўйилган нарса”) бадий шаклнинг энг муҳим элементларидан бири саналиб, бадий асардаги бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда кечадиган, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан таркиб топувчи воқеалар тизимини англатади.”<sup>48</sup>

Жаҳон ва ўзбек комедиянавислиги ижодий тажрибасига таянган ҳолда, ўзбек комедияларини воқеавий асосига кўра катта тўртта типга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Булар қуйидагилар; 1) характерлар комедияси; 2) ахлоқлар комедияси; 3) маиший комедиялар; 4) ижтимоий-сиёсий комедиялар.

Албатта, жаҳон адабиётидаги кўпқиррали бир жанрнинг бундай типларга ажратилиши ҳам шартли равишда бўлиб, негаки комедиянинг воқеавий асосида ҳар доим ҳам инсон ҳаётининг фақатгина бир жиҳати устун бўлиб қолмайди, аксинча, воқелик ва инсон ҳаётининг мураккаб томонлари умумий, аралаш, яъни синкретик тарзда тасвир этилиши ҳам мумкин. Аммо кўпинча асардаги воқеалар тизими, яъни асосида жамият ҳаётининг қайсидир жабҳаси ўз устунлигини сақлаб келади. Бу эса ижодкорнинг истеъдод характериға ҳамда бадий-эстетик идеали ва ниятиға ҳам боғлиқ. Комедиянавис инсон ҳаётининг қай томонини кулги объекти қилиб олишиға қараб, ўз навбатида комедиялар ҳам воқеавий асосига кўра типларға бўлинади.

Маълумки, бадий адабиёт машҳур адиблар ва адабиётшуносларнинг анъанавий таърифларига кўра образли тафаккур, “образлар орқали фикр юритиш” демақдир. Алишер Навоий каби буюк шоир ҳамда ёзувчилар ҳам ҳаёт ва инсон моҳияти ёхуд улкан воқеа-ҳодисалар мазмунини ҳамда китобхонларға айтмоқчи бўлган эзгу ғоя, қарашларини бевосита бадий образлар, хилма-хил характерлар орқали ифода этганлар. Чунончи,

<sup>48</sup> Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Ношир, 2019. – Б. 107.

эрамиздан олдинги III асрларда яратилган ва Адабиёт назариясининг илк намунаси – “Поэтика” муаллифи Аристотель ҳам инсон образи, инсон характерининг адабиёт ва санъатдаги беқиёс ролига тўхталиб, уни яратишда санъаткор қуйидаги талабларга риоя этиши лозимлигини таъкидлайди; ҳар бир инсон характери, энг аввало, “ҳаққоний, ўзига хос ва изчил” бўлишини бадиий ижоднинг специфик хусусияти сифатида талқин этади. Ҳақиқатан ҳам, улкан сўз санъаткорлари яратган асарлардаги инсон характерлари бамисоли бир бутун микрокосмос, чунки томчида қуёш акс этганидек, тўлақонли ва жонли характерларда муайян даврдаги ижтимоий муносабатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқалар мажмуаси такрорланмас шакл ҳамда кўринишларда акс этади. Яъни ҳар жиҳатдан мукамал, тўлақонли инсон образини яратиш ҳақиқий ижод. Бу – “санъатнинг темир қонуни”, юксак бадиий маҳорат мезонидир. Бу жиҳатдан улуғ адиб М.Горькийнинг қуйидаги фикри ҳам муайян қимматга эга: “Ёзувчининг иши нимадан иборат? У хаёл қилади – ўзининг мушоҳадалари, таассуротлари, фикрлари ва ҳаёт тажрибасини образлар, картиналар ҳамда характерларда мужассамлаштиради, жойлаштиради.”<sup>49</sup> Зотан, бу ҳолат ҳамда фаолият адабиёт ва санъатнинг энг муқаддас бир қонунияти, таъбир жоиз бўлса, мангу бир низомномасидир.

Асардаги воқеа-ҳодисалар ва характерларнинг фавқулодда реал-ҳаётийлиги, ифода тасвирларининг табиийлиги ҳамда ҳалқчиллиги сирларини, аввало, ёзувчининг серқирра ижтимоий фаолияти ва бой турмуш тажрибаларидан, ижодкорнинг такрорланмас шахсиятидан қидириш тўғри бўлади. Бу жиҳатдан йирик адиб Асқад Мухторнинг адиб шахси билан ижоди ажралмас эканлиги хусусидаги кузатишлари характерлидир: “Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса... Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади; фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади; у фарзандини авайлайди, ҳимоя қилади. Асар – ёзувчи тақдири; керак бўлганда, ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр.

---

<sup>49</sup> Горький М. Адабиёт ҳақида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1962. –Б. 10.

Унинг ғайритабиий садоқати, ёзмасдан туrolмаслиги, руҳияти, фалсафага, мушоҳадага майли, шахси, феъли, услуби, қарашлари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бирикиб кетган – асар унинг субъекти. Унинг моҳияти, эҳтироси – ижод.”<sup>50</sup>

Чиндан ҳам, муайян бир шоир ёки адибнинг асарлари, энг аввало, унинг улкан қалб кечинмалари, юксак тахайюл ва тафаккур оламининг маҳсули, изтиробли ҳамда эҳтиросли ўй-мушоҳадаларининг ифодаси бўлиб майдонга келиши жараёни илмий-психологик тадқиқотларга мавзу бўла олади. Бунга мисол тариқасида “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”) ёки “Тобутдан товуш” комедияларининг қандай эзгу мақсадлар билан яратилгани ва бу жараёнда адиб асар қаҳрамонлари ҳаётини ўзининг қалб призмасидан ўтказиб, қандай руҳий кечинмаларни бошидан ўтказганини хаёлан тасаввур қилишга уриниб кўрайлик.

Бундай чуқур миллийлик ва халқчиллик билан йўғрилган асарларни ўрганишда ҳамда таҳлил этишда, энг аввало, бадииятнинг юксак мезонларига асосланилганидек, албатта, уларнинг долзарб ғоявий-бадиий муаммолари ва айниқса, ёзувчининг жонли инсон характерини яратишдаги маҳоратига асосий эътибор қаратилиши талаб этилади. Яъни санъаткор даврнинг долзарб мавзу – муаммоларини ёритиш ва шу замоннинг ватанпарвар, миллатпарвар қаҳрамонлари, комил инсонлари образларини яратиш мажбуриятини ҳис этиши чинакам бадиий ижоднинг ҳам муҳим талаб ва мезонидир.

Ҳаёт муттасил ўзгариб – ривожланиб бориши билан қаҳрамонлар характерларини бадиий гавдалантиришнинг мураккаблиги туфайли бу борада турли баҳс-мунозаралар кўп бўлган ва адабиётшунослар таъкидлаганидек, ҳозирда ҳам давом этаётир.<sup>51</sup>

Бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳорнинг йиллар давомида муҳим ижодий қоидага айланган ақидалари ҳам эътиборга молик. “Бадиий маҳорат – бу – чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ё қайғули ҳолатлар топиш эмас,

<sup>50</sup> Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. Тундаликлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. –Б. 39.

<sup>51</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6 томлик. – Тошкент: 1971. –Б. 411.



халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхон қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир”.<sup>52</sup> Санъаткор ҳаётни образлар орқали тадқиқ этар экан, барча фикр-туйғулари, китобхонга айтмоқчи бўлган “дард”ини образларда мужассамлаштиради.

Образ тушунчаси адабиётшуносликда, жумладан, Абдулла Қаҳҳор тасаввурида, асосан, инсон характери маъносида талқин қилинади. “30-йиллар бошида “Сўнгги кеча” деган бир фильм кўрган эдим. Бу фильм ўттиз йилдан бери эсимдан чиқмайди. Бунга бирдан-бир сабаб – фильмдаги қари бир ишчининг аломат образидир. Бу инсоннинг қалбига чуқур қўл солиб, заргарнинг сабри ҳафсаласию, наққошнинг ҳунари билан оро берилган образдирки, бунақа образ асарнинг қаноти бўлиб, уни замондан-замонга, макондан-маконга парвоз қилдиради”. Бадиий ижоднинг олтин қонунига айланган бу ҳақиқат ёзувчи ва комедиянавис Абдулла Қаҳҳор учун ҳам юксак ижодий принцип бўлиб хизмат қилганлигини кўрамиз. Зероки, “Ёзувчининг ёзувчилигини, – деган эди Абдулла Қаҳҳор, – у яратган образларига, адабиёт «домовойи»га ёздирган янги одамларига қараб баҳолаш керак”.<sup>53</sup> Чинакам истеъдод билан ёзилган асар қаҳрамонлари китобхонга жонли одамлардек таъсирқилади ва унинг қалбидаги ёт “унсур”ларни йўқотишга ёрдам беради. Буюк мутафаккир Аристотель айтганидек, адабиётнинг, драманинг томошабинга ана шундай кучли таъсири орқали “катарсис” – покланиш жараёни содир бўлади.

Шу ўринда аксарият адиблар ижоди учун хос бўлган муҳим бир жиҳатга, яъни чинакам етук асар яратиш учун, мавзуни чуқур ўрганиш ва бўлажак қаҳрамонлари – одамлар қалбига қалбини пайванд қила олиши зарурлигига эътибор қаратайлик. Абдулла Қаҳҳорнинг илк комедияси “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”) етук санъат асари бўлишининг сабаб ва омиллари кўп. Энг аввало, бу асарнинг қандай шароитда ва қандай ҳолатда яратилгани ҳам кўп жиҳатдан ўрганишга лойиқ.

---

<sup>52</sup> Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Тошкент: 2012. –Б. 54.

<sup>53</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Академнашр, 2017. –Б. 117-118.

Ёзувчининг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорованинг “Чорак аср хамнафас” китобида бу машҳур комедиянинг яратилиш жараёни ва ижодий тарихи ҳақида жуда қимматли ҳамда ишончли маълумотлар келтирилади. Абдулла Қаҳҳор колхоз, совхозни бир айланиб дарров очерк ёзиб ташлайверадиган ёзувчилардан эмас эди. “Ёзилажак асарларининг қаҳрамони билан яқиндан танишмагунча қўлга қалам олмасдилар. 1948 йил августида Мирзачўлга қараб йўл олдик. Ўша йиллари Мирзачўлнинг кўчалари тўпикқа урадиган тупроқ, салгина ёмғир ташласа, бир ҳафтагача қуримай, ширачдай бўлиб ётар эди. Колхоз раиси билан Абдулла Қаҳҳор кўпинча от миниб дала айланишарди. Биз яшайдиган шароитда ижод қилиш ниҳоятда душвор эди. Колхознинг кичкинагина движоги бўлиб, бирпас тап-тап қилиб ишлар эди-ю, соат тўққиз бўлар-бўлмас тўхтаб қоларди.

Сал вақтда совуқ ҳам тушиб қолди. Хужрани иситай десак на ўтин бор, на кўмир. Тошкентга тушиб бир машинада ўтин-кўмир олиб чиқдик, эски шаҳар бозоридан битта ўтгизинчи лампа олдик. Абдулла Қаҳҳор шу лампадан керосинка ясадилар. Электр чироқ ўчгандан кейин лампа ҳам уйни ёритар, ҳам иситар, яна устига устак ундачой ҳам қайнатар эдик. Лекин бирор марта Абдулла Қаҳҳор, шу шароитда яшаб ижод қилиш мумкинми, деб шикоят қилмаганлар. Кун бўйи ё сувора, ё пиёда дала айланар эдилар.

Бир нарсани алоҳида эътироф қилиш керакки, гарчи биз унча-мунча қийналган бўлсак ҳам, Мирзачўл сафари Абдулла Қаҳҳор ижодида катта бурилиш ясади. “Янгиер” (“Шоҳи сўзана”) комедиясининг “пойдевори” ҳам ўша ерда қўйилди. Ундаги Мавлон, “Синчалак”даги Эшон каби образларнинг протипларини Абдулла Қаҳҳор Мирзачўлда учратганлар”.<sup>54</sup> Афсуски, ўша йиллари адиб бедаво бир дардга, қанд хасталигига ҳам чалинган бўлади. Касалхонадан тузалиб чиққач, “Шоҳи сўзана” комедиясини ёзиб тугатади. Бу комедия 1949 йили республика миқёсида ўтказилган ёпиқ конкурсада “Мирзачўллик” имзоси билан қатнашиб, юксак мукофотга сазовор бўлади.

---

<sup>54</sup> Қаҳҳорова Кибриё. Чорак аср хамнафас. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. –Б. 33-35.

Ўша йили ўзбек сахнасининг отахони Етим Бобожонов бу асарни Ҳамза номидаги академик драма театри сахнасида муваффақиятли намойиш этади.

1950 йили СССР Давлат мукофотининг лауреати Ю.Герман билан Б.Рест таржимасида “Шоҳи сўзана” Москвада, “Звезда” журналининг март сонида чоп этилади ва келгуси йили комедия СССР Давлат мукофотида сазовор бўлади. Абдулла Қаҳҳор бу комедияси билан биринчи бўлиб ўзбек драматургиясини умумиттифоқ сахнасига олиб чиқади. Кейинчалик бу асар бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам сахналаштирилади. Бу комедия мисолида бадиий ижоднинг муқаддас бир принципини “кашф” этиш мумкин, яъни чинакам санъат асари яратиш учун ёзувчи ўша ҳаётда яшаши ва ундаги барча қувончу ташвишларни ўз бошидан қайта кечириши талаб этилади. Адибнинг бу фазилатини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувида ҳозирда таниб бўлмас даражада ўзгариб, замонавий шаҳар тусини олган Янгиер ва Мирзачўлларни 40-50-йиллар ўзлаштиришда Абдулла Қаҳҳорнинг чўлқувар – пахтакорлар билан бирга ертўла-землянка – қора уйчаларда яшаб, машҳур “Шоҳи сўзана” комедиясини ёзганлигини эслатгани ҳам ижод аҳлига унутилмас сабоқ бўлиши мумкин.

Ёзувчининг асар яратиш жараёнида бу муқаддас ижодий принципига изчил амал қилганлиги ва талабчанлигини қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Адиб дастлабки ўнлаб асарларини мутлақо санъат асари эмас деб ҳисоблаган ва уларни бутунлай танқидий баҳолаб, бирон тўпламига ҳам киритмаган. Ёки 1937-1939 йилларда ёзган ва ҳамкасблари ижобий баҳолаган “Ташвиш” номли ижтимоий-ахлоқий мавзудаги дастлабки комедиясидан ҳам кўнгли тўлмаган ва ёзувчининг адабиётга, ижодга бўлган талаб – масъулияти юқори бўлганлигидан ҳам бу асарни эълон қилишни лозим топмаган.

Ана шундай талабчанлик билан яратилган “Шоҳи сўзана” комедиясида Холнисо ва Ҳамробуви характеридаги ўзига хос жиҳатлар самимий кулги воситасида эстетик танқид остига олинади. Ва шу орқали комедиядаги воқеалар ривожлантирилади, оқибатда асар бошида қўйилган тугун комик

конфликтлар жараёнида, характерлар кулгиси орқали ечилади. “Шоҳи сўзана” комедиясидаги кураш, зиддият комик ва такрорланмас хусусиятларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Онгида эскича тафаккур мевалари қотиб қолган, қоқок фикрлаш унсурлари мавжуд, жамиятимиздаги бошқа инсонлар қарашларига зид фикрловчи характер эгалари ўсиб келаётган янги, илғор кучларга тўқнаш келиб, уларга асоссиз ва ноўрин ҳолатда қарши чиқиб, кулгили, комик аҳволга тушиб қолишади. Жамиятдаги юз бераётган янгиликлар моҳиятига тез ва ўз вақтида тушуна олмай, ўзаро зиддиятларга дучор бўладилар. Характерларидаги кулгили жиҳатларини, умуман феъл-атворларини ўзлари англамаган ҳолда ошқор этадилар. Шу тахлит воқеалар давомида характерларнинг ўзаро муносабати натижасида улар янглишиш коллизиясига тушадилар, аста-секин, кечикиб бўлса ҳам, маънавий нуқсонлари йўқолиб, ўз-ўзларини англаб борадилар.

“Холнисо ва Ҳамробуви бир тарихий давр одамлари. Улар эски ҳаёт қабоҳатларини бир сидра бошларидан ўтказишган. Инқилоб йилларидаги алғов-далғовлар, ҳаётни қайта қуриш қийинчиликлари ва ниҳоят фашизмга қарши умумхалқ кураши – булар ҳаммаси улар онгида турғун, реал дунёқараш яратган. Бундан чекиниш уларнинг ҳаёлларига ҳам келмайди. Ҳатто фарзандларининг ҳаётга янгича муносабатлари ҳам уларни кўп ажаблантира бермайди. Аммо улар ҳамон эски урф-одатлардан тамоман кечиб қўя қолмайдилар. Мана шу ҳол бизда кулги уйғотади. Қудаликка аҳду паймон қилишган Ҳамробуви ва Холнисо буви фарзандларининг фаол меҳнатию, ижтимоий фаолиятига қарши бўлмасалар ҳам кўпроқ битта умид билан банд. Бу ҳам бўлса орзу-ҳавас кўриш, чиройли тўй қилиб келининг борми бор; куёвинг борми, бор дегулик бўлиб эл-юрт орасида обрў қозониш.”<sup>55</sup>

Асарнинг комиклигини янглишиш дамларининг комик планда, турли хил кулгили вазиятларда кечиши, ижобий персонажларнинг ўз рақибларини

---

<sup>55</sup> Қўшжонов М. Абдулла Қахҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. –Б. 189.

уддабуронлик ва меҳрибонлик билан алдаб тўғри йўлга солишлари, улар характеридаги нуқсонларни англаб етишларига кўмаклашишлари заминдаги кураш кулгили, комик ҳолатларни юзага келтирган.

Бош қаҳрамонлар Ҳамробуви ва Холнисо ўз характерларидаги камчилик ва нуқсонларни англаб етмайди, гўёки улар ўта ақллию, атрофдагилар эса, ҳеч нарсани англамасликда, ҳаётни тўғри тушунмасликда айблашади. Худди шу маънодаги фикрлаш, тафаккур натижасида турли чигалликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида атрофдагиларнинг ҳақли кулгисига сабаб бўлади.

Муаллиф характерлараро зиддиятни юзага келтиришда асардаги бошқа персонажлардан биронтасининг тўла маънода салбий моҳиятга эга бўлганлигидан, уларда фақат хунук сифатларнинг зоҳирлигидан, булар натижасида юзага келадиган тўсқинликларнинг нисбатан катта ва зарарли ижтимоий кучга айлана олмаслигидан келиб чиқади. Шунга мос тарзда характерлараро муносабатлар, улар ўртасидаги зиддиятлар ва тўқнашувлар у қадар кескинлаштирилмайди. Аммо муаллиф характерида, феъл-атворида жамият қарашларига зид фикрлаш мавжуд кишилар аҳволи замонавий фикрлайдиган, илғор кишилар қаршида кулгили эканлигини ҳаётий ва ишонарли тарзда кўрсатиб бера олди. Бу жиҳат айрим адабиётшунослар таъкидлаганларидек, комедия конфликтининг камчилиги эмас, аксинча, муаллифнинг юмористик кулги яратишдаги, характерлар комедиясини юзага келтиришдаги ўзига хос бадиий кашфиётидир, десак хато бўлмайди.

Абдулла Қаҳҳор “Шоҳи сўзана”даги Холнисо ва Ҳамробуви образларини ҳамда “Аяжонларим” комедиясидаги Бўстон буви каби бетакрор характерларни индивидуаллаштириш жараёнида ўзбек халқига хос бўлган, жумладан, кекса онахонларимиздаги типик миллий характер хусусиятларининг айрим жиҳатларини жуда катта маҳорат билан умумлаштиради.

Ҳамробуви ҳамда Холнисо ўз фарзандларининг Мирзачўлга боришларига бирданига розилик билдиришмайди. Айниқса, Ҳамробуви

каттик қаршилик кўрсатади. Иккала қудаларда бир-бирларини тушунмаслик, ҳар қандай янгиликларга шубҳа билан қараш ҳолатлари асар давомида ривожлантириб борилади. Кейинчалик секин-секинлик билан улар фикрларига ишонишиб, уларнинг Мирзачўлга кетишларига розилик билдиришади.

Муаллиф ўз қаҳрамонларининг ички дунёси, характерлари динамикасини жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар, янгиликлар билан боғлиқликда ривожлантириб боради. Бу эса ўз навбатида комедиянинг ҳаётий воқелик билан чамбарчас боғлиқлигини таъминлаган ва таъсир кучини оширган. Ҳамробуви ва Холнисо характери, ички дунёси муаллиф томонидан жонли ҳамда тўлақонли очиб берилган. Чунки мазкур қаҳрамонлар комедиядаги бошқа образларга нисбатан кўпроқ асар сюжетида зиддиятларга дучор қилинади. Бу ҳолат қаҳрамонлар характери динамикасининг тўлақонли чиқишини таъминлаган. Абдулла Қаҳҳор ўз образларининг характеридаги ожиз ва кучли жиҳатларини комедиянинг умумий бадиий ғоясига мос келадиган комик элементлар билан бойитиб боради.

Табиатан очиқ кўнгил бўлган бу икки аёл жанжаллашиб қолган чоғларида, бир-бирига айб қўйишда сичқондан фил ясашади. Мисол учун, ушбу парчадаги сўз – ибораларнинг миллийлиги ва табиийлигига эътибор беринг:

“Оркестр гумбурлайди. Каттакон тугун кўтарган Ҳамробуви, Холнисо, чамадон кўтарган Омон киради. Буларнинг оғзидан чиққан дастлабки сўзларни музика босиб кетади.

Ҳамробуви – (сўзида давом этиб). Сизнинг гапингизга кириб қизимни, қизгинамни Мирзачўлга юбормасам шу кунлар бошимга тушмас эди. Ўғлингиз мени шармандаю шармисор қилди! Тагин муздикони ортиқча!....

Омон – Жон хола қўйинг энди....

Холнисо – Ким кимни шарманда қилганлиги ҳали маълум эмас, қуда! Кўрамиз ҳали....

Омон – Аяжон бир гапдан қолинг.

Холнисо – Менинг ўғлим ёзган хатда бундоқ бало гаплар йўқ эди.  
Ҳафизанинг хатида ҳам йўқ эдику, ахир!

Салтанат кампирларга ҳайрон бўлиб қарайди.

Ҳамробуви – Жодугар ўғлингиз қизимнинг бошини айлантирганда,  
нима ёзганини ўзи ҳам билмайди. Мавлоннинг, укагинамнинг хати кўзимни  
очди.

Холнисо – Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой.

Ҳамробуви – И-и, куда.... йўқ, қўшни, шу гапингизга тагин ўзингиз  
лойдай бўлиб қолманг!....

.....

Холнисо – Вой куда....

Ҳамробуви – Қуда деманг!....

Холнисо – Вой, қўшни, аввал қизингизни чақиртиринг, гап сўранг,  
ундан кейин Дехқонбойни чақиртиринг.

Ҳамробуви – Йўқ, мен аввал ўғлингизни чақиртираман, ҳамма гапни  
бетига шартта-шартта айтаман, ана ундан кейин.... қизимдан гап сўраб ҳам  
ўтирмайман, қўлидан етаклайман-у, кетавераман! (Салтанатга) Ҳой,  
секретарь, станцияга телефон қил, иккита билет деб қўй!»<sup>56</sup>

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, иккала персонаж ҳам бўлиб  
ўтган воқеалар моҳиятини тўлалигича англаб етмасдан, бўлар-бўлмасга бир-  
бирига айб қўйишмоқда ва шу орқали ўз навбатида уларнинг характер  
хусусиятларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳам намоён бўлиб қолмоқда. Лекин  
Ҳамробуви қўшнисига нисбатан андишасизроқ, Холнисо эса овсинига  
қараганда бироз вазмин ва босиқроқ, андиша билан гапиради, келишишга  
ҳаракат қилади. Бу кекса онахонларнинг характерларидаги ўзига хос ва  
мушатарак хусусиятлар уларнинг чинакам ўзбекона нутқи ва сўзлари  
воситасида ҳам яхши акс этиб туради. Ҳозирги жамиятимизда ҳам шу каби

---

<sup>56</sup> Қаххор Абдулла. Асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 85-87.

характерга эга инсонлар мавжуд ва уларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзбек кайвониларига хос одат – қилиқлари ва сўзлаш оҳанглари ҳам ҳар доим самимий маънода комедиянависларимиз учун кулги объекти вазифасини ўташи шубҳасиз. Абдулла Қаҳҳорнинг “Аяжонларим” номли сўнгги комедиясидаги Бўстон буви характери жиҳатидан “Шоҳи сўзана” комедиясидаги кекса онахонларнинг ҳозирги замондаги образларига маълум даражада ўхшаб кетиши сезилади. Бундай ҳолат бошқа адибларда ҳам учрайди.

Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи драматик асари “Шоҳи сўзана”да яратилган даврига хос бўлган конфликтсизлик назариясининг баъзи бир чекловлари кўзга ташланса-да, мазкур асар ўзбек комедиянавислигида бадиий имкониятлари, комик характерларнинг бетакрорлиги, сўз қўлланишдаги услубий жиҳатлари билан ўзига хос ўринга эга ҳисобланади.

Абдулла Қаҳҳорнинг 1962 йили ёзилган ва нафақат республикамиздаги театрларимизда, балки кўплаб қардош ва хорижий мамлакатларнинг театрларида ҳам муваффақиятли намойиш этилган “Тобутдан товуш” сатирик комедияси ҳам, энг аввало, ҳаётий ҳақиқатни акс эттирганлиги билан томошабинлар эътиборини қозонади. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам эзгулик ва ҳақиқат учун мардона курашиш Қаҳҳорнинг эътиқодига айлангани ҳақида атоқли адиб Константин Симоновнинг қуйидаги зариф хотиралари алоҳида ажралиб туради: “У одамларни севарди, бироқ табиатида ёзувчилик ҳаётини чигаллаштириб юборган бир жиҳат ҳам бор эди: у яхшилик сари бораркан, йўлида ёмонни сезмасдан, уни даф этмасдан, унга ҳажвнинг ўткир тиғини санчмасдан қолмасди. У ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетаверадиган одам эмасди, афтидан, бу ҳол уни қайғуга соларди. Бироқ ҳаёт номукамал экан, бундан ўзгача муносабатда бўлиш унинг қўлидан келмасди, бошқача муносабатда бўлишга интилмади ҳам”.<sup>57</sup> Бу самимий

---

<sup>57</sup> Симонов К. Абдулла Қаҳҳор ҳақида сўз. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1987. –Б. 48. Н.Отахонов таржимаси.



тавсиф ва баҳо Абдулла Қаҳҳор талантининг муҳим қирраси, унинг ижодида ҳажвиётнинг катта ўрин тутиши сабабини ҳам тўғри англашга ёрдам беради. Зеро, Абдулла Қаҳҳор сатираси бадиий тасвир ва эстетик тафаккур оламида ўзига хос бир новаторона ижод бўлиб, бу ёзувчининг ҳақгўйлиги ҳамда фуқаролик жасоратининг ёрқин бир ифодаси сифатида ҳам ибратлидир.

Адиб истеъдодининг мақсад йўналишини белгиловчи бундай фазилат ҳақида машҳур сатирик Н.В.Гоголь асарлари муносабати билан Н.Г.Чернишевский жуда муҳим фикр билдирган: “Ҳаммага яхши кўринаман деган одам ҳеч қандай эзгу иш қила олмайди, чунки ёмонликни ҳақорат қилмасдан, унга қарши курашмасдан туриб, яхшилик ва эзгуликни юзага чиқариш мумкин эмас.”<sup>58</sup> Ўз ижоди ва адабий-танқидий фаолияти билан жамиятдаги иллатларга қарши курашган Гоголь ва Қаҳҳор сингари адиблар кўпларда, айниқса, мунофиқ ҳукмрон сиёсат арбоблари ҳамда мансабдор шахсларда ўзига нисбатан салбий муносабат уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Қаҳҳор комедияларидаги салбий типлар орқали жамиятдаги иллатлар фош этилишига партократ – сиёсатдонлар ва уларга содиқ дастёр бўлган айрим ижодкорлар кескин қарши чиқадилар. Жумладан, тоталитар тузум сиёсати ва ҳукмрон компартиянинг мафкуравий талаблари асосида ғаразли ниятда уюштирилган ҳамда академик Ғафур Гулом, Ҳамид Гулом, Воҳид Зоҳидовлар номидан 1963 йил 11 августда “Қизил Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган танқидий мақолада Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” комедияси социалистик жамиятимизни қораловчи асар, деб айбланади ва театр сахналарида намойиш этилиши таъқиқланади. Бу ноҳақлик ва ёзувчига нисбатан танқид – адабиётшунослигимиздаги тенденциоз муносабат ҳақида кўплаб адиб ва мунаққидлар ачиниш билан эслашади.

Чунончи, Абдулла Қаҳҳор ижоди ва шахсини яхши билган йирик адибимиз Одил Ёқубов ёзувчиларимиз орасида алдамчилик, таниш-билишчилик ҳамда порахўрлик устидан ҳеч ким Абдулла Қаҳҳорчалик кула олмагани, нафрат қила билмаганини ва бу каби иллатларни фош этар экан,

---

<sup>58</sup> Қосимов У. Ҳақгўйлик ва халқчиллик ибрати.//Тил ва адабиёт таълими. №11. 2009. –Б. 75.

униги тили ҳеч бир муболағасиз заҳарга айланишини таъкидласа,<sup>59</sup> устоз адибнинг “ҳар бир асари, ҳар бир мақоласи дунёда лоф айтиб умр кўраётганлар учун кескин зарба бўлар эди, – деб ёзади А.Орипов. “Биргина “Тобутдан товуш” пьесасини эсланг. Порахўрликни қаттиқ қоралаган бу асар ўз вақтида айрим одамлар томонидан сал бўлмаса жамиятга тухматдай қабул қилинди. Орадан йиллар ўтиб, Абдулла Қаҳҳор мутлақ ҳақлиги аён бўлди. Адиб доимо ҳақиқатга таянар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди”.<sup>60</sup> Бироқ ҳаёт ҳақиқатини ифодалашда Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидов каби шижоатли адибларга хос собитлик ва садоқат камдан-кам ёзувчиларнинггина ижодий тақдирига айланади. Ҳаётини ҳақиқат улар истеъдодини чархловчи ва ижодкор шахс сифатидаги характерини белгиловчи бош фазилат эди.

Забардаст адибнинг қатта маҳорат ва жасорат билан яратган “Тобутдан товуш” сатирик комедиясининг ижодий тақдири билан боғлиқ адабиёт ва танқидчилигимиз тарихининг бундай муҳим воқеа-ҳодисаларидан бугунги кун учун зарур сабоқлар чиқариш ҳам ўринли бўлади. Ҳолис адабий танқид асарга халқ манфаатлари, халқ талаблари нуқтаи назаридан баҳо беради, бунинг учун асарни мазмун жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам чуқур таҳлил қилиб, фазилат ва нуқсонларини очиқ бериши талаб этилади.

Афсуски, Қаҳҳорнинг бугунги Истиқлол даври адабиёти ва китобхонлар маънавиятини бойитиши мумкин бўлган ўткир сатирик ва танқидий асарлари холисона баҳоланиши ўрнига, аксинча, асоссиз равишда қораланди ва кўп йиллар давомида таъқиқланиб келинди. Масалан, адиб вафотидан кейин нашр этилган, аммо ҳукмрон мафкура тазйиқи билан йўқ қилинган “Ёшлар билан суҳбат” китобида ҳам чуқур ҳаётини ва ижтимоий-эстетик ҳақиқат акс эттирилган эди. Етук матншунос – таржимон Кибриё Қаҳҳорова ҳамда О.Шарафиддинов, М.Қўшжоновлар саъй-ҳаракати билан 1968 йили чоп этилган бу муҳим китобнинг аянчли тақдирини бугунги ёшлар мутлақо билмасалар керак.

<sup>59</sup> Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. –Б. 277.

<sup>60</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Академнашр. 2017. –Б. 160. Ноширлар: М.Қўшқорова, Н.Жалолова.

Адабиёт моҳияти ва маҳорат сирларидан баҳс этувчи бу нодир асар “Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман” каби кескин фикрлари учун нашриёт майдонида жоҳилона ёқиб юборилган. Ҳақ сўзлари учун адиб хатто вафотидан сўнг ҳам маломатдан қутулмади. Бундай ноҳақликлар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳақгўйлиги ва ўзига хос ижодий жасорати билан боғлиқ эдики, бу ҳақиқат Истиқлолдан сўнг янада кўпроқ кадрланмоқда. Бу борада матншунос – адабиётшунослар Отабек Жўрабоев, Марҳабо Қўчқорова, музей ходимлари Нодира Жалолова, Дилдора Рафиқова ва Санобар Матлубова хизматини ҳам қайд этиш лозим. Бундан 50 йиллар муқаддам мустабид тузум мафкураси томонидан таъқиқланган асар уларнинг жонқуярлиги билан архив материаллари ва қўлёзмалари асосида бойитилиб, қайта нашр эттирилиши ҳақ сўзнинг ўзига хос бир тантанаси бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Адабиёт ва танқидчилигимиз савиясини кўтаришда муҳим аҳамият касб этган, аммо ҳукмрон совет мафкурасининг зўравонлик сиёсатиға қарши фикрлари билан тоталитар тузумға, ундаги иллатларға қарши бонг урган бундай ҳажвий ва танқидий руҳдаги асарлар бугун ҳам ижтимоий адолатнинг ёрқин бир далили, унутилмас сабоғи бўла олади.

Юксак бадиий маҳорат билан ёзилган “Тобутдан товуш” (“Сўнгги нусхалар”) сатирик комедиясининг яратилиши жараёни ва унга нисбатан айрим адиблар ҳамда танқидчиларнинг муносабати масаласи ҳали етарли даражада ёритилган деб бўлмайди. Шу муносабат билан Абдулла Қаҳҳорни ўзлари учун кўп жиҳатдан устоз деб билган ва ҳақгўйлик бобида ҳам улуғ адибға издошлик қилган ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидовнинг бу хусусдаги фикрлари эътиборға лойиқ: “Абдулла Қаҳҳор “суҳбатларидан бирида ёшларнинг “Ҳозир қандай асар устида ишляяпсиз?” деган саволиға “порахўрлик тўғрисида драма ёзяман”, – деб жавоб берган ва порахўрлик иллатининг бор қабих кўринишларини, хилларини санаб берган эди. Абдулла Қаҳҳор ёзилажак комедияға (“Тобутдан товуш” асарига) материал йиғиш асносида бир дафтарни тўлдириб ҳар бири афоризмдай жаранглайдиган иборалар ёзиб чиққан экан. Шулардан бир нечтасини бизларға ўқиб берган ва

таассуф билан шундай деган эди: “Бу гаплар ўз холича ёмон эмас. Ўзимга ҳам маъкул. Лекин драматургия шундай қайсар жанрки, бу ибораларнинг қай бирини қаҳрамоннинг оғзига солсам, туфлаб ташлайди...”

Абдулла Қаҳҳор бир оғиз сўз билан драматургиянинг бутун мураккаб табиатини, характер мантиғи, психологик асослаш каби мушкул талабларини ифода қилган эди.”<sup>61</sup>

Абдулла Қаҳҳорнинг “драматургия қайсар жанр” деб тавсифлаши Горькийнинг “самый трудный жанр” дея берган тавсифи билан муштараклиги ҳам эътиборли. Бу икки таъриф ҳам драматик асарнинг бошқа жанрлардан асосий фарқи ва мураккаблигини ҳам назарда тутиб айтилган. Яъни бошқа жанрдаги адабий асарларда, масалан, лирик ёки эпик асарларда қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, портретидан бошлаб, уларнинг хатти-ҳаракати ва ҳис-туйғуларигача муаллиф томонидан баён этилиб борилади.

Драматик асарда эса ҳар бир персонаж – қаҳрамон автор иштирокисиз, ўзини-ўзи танитиши ва унинг барча хатти-ҳаракати томошабинни ишонтира олиши ва унинг кўз олдида жонли инсон сифатида гавдаланиши керак. Айни вақтда, драматик асарда автор нутқи деярли бўлмайди, яъни бутун асарнинг ғоявий-бадий мазмуни ва драматургнинг мақсади ҳам асарда қатнашувчи персонажлар – қаҳрамонларнинг ўз сўзлари билан ва бошқалар билан ўзаро сўзлашуви – диалоглари орқали ифодаланиши талаб этилади.

Эркин Воҳидов гувоҳлик беришича, Абдулла Қаҳҳорнинг ўша қайд дафтарида алоҳида бир саҳифа бўлган. Бу саҳифада поранинг ақл бовар қилмас кўринишлари, юзга яқин хили ёзилган экан. Масалан, пора хилларига мақтов ҳам киритилган. Ёзувчи бу маънони шундай изоҳлаган эди: “Маълумки, амалдорни мақтаган одам бориб уни қулоғига мақтамайди.”<sup>62</sup>

<sup>61</sup> Эркин Воҳидов. Қарздорлик. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: –Б. 117.

<sup>62</sup> \*Изоҳ: “мақтамайди” сўзи ушбу хотиралар тўпламида техник эътиборсизлик туфайлими “мақтайди” деб нотўғри ёзилган. 2007 йили нашр этилган “Адабиётимиз фаҳри” тўпламида ҳам бу хато такрорланган. Эркин Воҳидовнинг “Шоир у шеър у шуур” китобидаги “Қарздорлик” номли мақоласида бу сўз тўғри ёзилган: Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: 2017. –Б. 52. М.Ж.

Кўпчилик ўртасида мақтайди. Бу ўша амалдорга обрў келтиради. Ва у обрўни майдалаб пул қилади...” Ўша дафтардаги: “Халқ порахўр раҳбарнинг юзига тупуради. Лекин бу раҳбар билан халқнинг ўртасида ҳукумат столи бор. Баъзан тупук порахўрнинг юзига етиб бормай, ўша табаррук столга тушади” сўзлари орқали ҳам жамиятдаги мунофиқликлар ёритилган эди. “Тобутдан товуш” асари билан Абдулла Қаҳҳор кучли бонг урган эди. Нафс бандаларига, эсингизни йиғиб олинг, деган эди. Афсуски, бу асар юқори давраларда ўз қадрини топмади.

Бу ноҳақликнинг туб сабабини англаш учун адиб доим амал қилган ва бошқа ёзувчилардан ҳам талаб қилган асосий бир ижодий принципга эътибор қаратиш зарур. Ёзувчининг “Ёшлар билан суҳбат” китобидаги “Сохтагарчилик тўғрисида” (1940) мақоласида ҳам ёш ёзувчилар учун, ҳам драматургиямиз ривожини учун асқотадиган муҳим фикр ва қарашлари ифодаланган: “Адабий асарнинг майдонга келиши учун авторнинг ниятигина кифоя қилмайди. Авторнинг нияти маълум бир идеяни ташвиқ қилмоқ экан, уни ташвиқ қила билишнинг асосий шартларидан бири ўқувчини ишонтира билишдир. Асардаги воқеалар, деталларга китобхон ишонмаса, ҳатто уларга шубҳа қилса ҳам, асарнинг қиймати қолмайди.

Фараз қилайлик, бир спектаклда ўтирибмиз. Саҳнада 70-80 яшар бир чол ёвуз қўли билан ўлдирилган ўғлининг тобути устида фарёд чекаётибди. Биз, албатта, таъсирланамиз, чолнинг қайғусига қўшиламыз, ёвузга нисбатан қаттиқ душман кайфиятда ўтирамыз. Бордию шу пайтда “чол” (актёрнинг соқоли (грими) тушиб кетса нима бўлади? Ҳеч шубҳасиз, шу картинанинггина эмас, бутун спектаклнинг таъсири йўқолади. Ҳолбуки, агар чолнинг соқоли грим эканини ўзимиз яхши билганимизни эътиборга олсак, соқолнинг тушиб кетиши анчайин бир қусур.”<sup>63</sup> Бу ўринда ҳам Абдулла Қаҳҳор адабиёт ва санъатнинг, бадиийликнинг бундай асосий мезон – талабларини ҳам ҳаётини мисоллар ҳамда мантиқий далиллар билан баён

---

<sup>63</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Акаденашр, 2017. –Б. 52.

этганлигини ҳамда ўз ижодида, жумладан, “Тобутдан товуш” комедиясида ҳам ҳамиша ана шу юксак тамойилларга изчил риоя этганлигини кўрамиз.

Аммо Абдулла Қаҳҳорнинг юксак бадиий маҳорат билан ёзилган “Тобутдан товуш” сатирик комедиясига нисбатан ҳукмрон мафкуранинг вульгар социологик қарашларини эслатувчи ғаразли позицияси ҳамда айрим адиб ва мунаққидларнинг санъат табиатидан йироқ бўлган схематизм қолиплари асосидаги бирёқлама муносабати масаласи ҳам танқид ва адабиётшунослигимизда ҳозиргача ҳам етарли даражада холисона ёритилган, деб бўлмайди.

Муаллиф комедиядаги салбий қаҳрамонлари тимсолида одамлар ўртасида кенг тарқалган бир хусусиятни – ўзида йўқ фазилат билан кеккайиш иллатини ҳам ифодалаган. Бундайларнинг сийрати бошқа-ю, суврати бошқа бўлади. Мунофиқлик – уларга хос хусусиятдир. Комедиянавис асарнинг асосий ғоявий мазмунини акс эттирувчи салбий қаҳрамонларнинг кирдикорларини ёрқин ифодалаш мақсадида уларининг ҳар бирининг индивидуал қиёфаларини жонлантирадиган ҳаётий деталлар топа олган, нозик ва нафис юмордан фойдаланган. Ҳатто уларнинг мунофиқона характери ва жирканч қиёфасига муносиб келадиган Заргаров, Хузуржонов, Сухсуров, Нетайхон сингари киноявий, тағмаънодор ва гапирувчи исмлар топганлиги ҳам бежиз эмас. Бироқ Абдулла Қаҳҳор комедияларида маҳорат билан яратилган салбий типлар тўлақонли бадиий образлар эканлиги ва улар орқали ҳаётдаги ижтимоий иллатлар санъаткорона фош этилганини нафақат партоқрат – амалдорлар, балки айрим “ҳайбарақаллачи” ижодкорлар ҳам тушунолмаган ва комедияда ифодаланган бадиий ҳақиқатни ҳазм этолмаган. Шу тариқа адабиёт, айниқса, сатирик комедия спецификаси – табиатини англаб етмаган айрим демагог – сиёсатдонлар ўзларининг схематизм – қолипларидан келиб чиқиб, реал воқеликни санъаткорона акс эттирган асарни бадном этдилар.

Абдулла Қаҳҳор етук бир адиб сифатида бадиий адабиётнинг, хусусан, “энг қийин жанр” бўлган драматик жанрнинг ўзига хос талаб – мезонларини,

яъни характер мантиғини бузадиган, маънони хиралаштирадиган, воқеа ривожини сусайтирадиган, табиийлик юзига парда тортадиган нарсанинг ҳаммасини жуда чуқур хис қилар эди. Буни “Сўнгги нусхалар” (“Тобутдан товуш”) мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Масалан, пьесанинг 1962 йили нашр қилинган дастлабки варианты билан қўлёзма хомаки вариантыдаги биргина иккинчи сахна кўринишини бир-бирига таққослаб кўрайлик.<sup>64</sup>

Қўлёзма вариантда ҳам иккинчи сахна кўриниши Обиджонни кутиш воқеасидан бошланади. Унда ҳам Сухсуровни йўқлаб келган Шобарат мотоциклдан ажралади. Бироқ нашр қилинган вариантдан фарқ қилароқ, қўлёзмада Шобарат зиёфатдан чиқиб кетмайди ва деярли зиёфат охиригача ўтиради, ҳатто қадах кўтаради. Бу – Шобарат характерининг мантиғига хилоф бўлар эди. Чунки мотоциклидан ажраган, унинг устига Обиджоннинг курортга йўл харажати ҳам бўйнига тушган Шобарат баднафс Сухсуров еб тўймаслигидан ғазаблана бошлаган, “порахўр – кафан ўғрилари” деган анча қатъий хулосага ҳам кела бошлаган эди. Сухсуровнинг ўта баднафс ва мунофиқлигини фош қилиш нияти Шобаратда шу сахнада пайдо бўлади. Шундай бўлгач, унинг зиёфатда бир беозордек ювошгина ўтириб, қадах кўтариши уни иродасиз, лапашанг одам қилиб кўрсатар эди. Бу ҳолат томошабинда унинг кейинги ҳаракатига ишончсизлик туғдириши мумкин эди. Комедиянинг қўлёзма вариантыдаги бу сахна кўринишида Обиджон образини хиралаштирадиган моментлар ҳам кўп эди. Масалан, Сухсуров қадах кўтариб, нутқ сўзлаётганида, Обиджон унинг гапини бўлиб: “Сизда ўқиган болаларнинг шўри курсин”, – дейди, Нетайхон ашула айтганда ҳам, “Бўлди, чақиб ичган тухумингиз палағда чиқиб қолди”, – дейди. Шунингдек, ҳали яқинроқ танишмасдан туриб, Қори билан ҳам дин ҳақида баҳсга тушиб кетади ва кутилмаганда философларга хос жиддий фикрлар билан динни фош қилишга киришиб кетади: “Мен Европада урушдим, Манчжурияда

---

<sup>64</sup> *Изоҳ: Ушбу комедиянинг қўлёзма нусхалари билан танишиб, улардан фойдаланишимизда катта ёрдам берганликлари учун атоқли алломаимиз Озод Шарафиддинов ва қаҳҳоршунос Усмонжон Қосимовга ҳамда Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Нодира Жалолова ва Санобар Матлюбоваларга ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.-М.Ж.*

урушдим. Буддистлар, христианлар, мусавийлар, мусулмонлар ҳар қайсиси ўз худосининг хоҳиши билан жангга кириб, қон тўқади, худолар ҳалқоб бўлиб ётган қонда ўз жамолини кўриб, вақти чоғ. Иттифоқ! Қори ака, шу қадахни кўтаринг: худолар иттифоқи бузилиши, бандалар иттифоқи тузилиши учун!” Булар бир қараганда, комедиядаги асосий ижобий қаҳрамон Обиджоннинг фаоллигини ва курашчанлигини кўрсатаётгандек бўлса ҳам, аслида, унинг характеридаги ҳаётийликка нисбатан бир оз бўлса-да ишончсизлик пайдо қилиб, образнинг табиийлиги ва ҳаққонийлигига ҳам соя туширган бўлар эди. Ўйлаб кўрайлик: шунча йиллардан бери кўришмай юрган Обиджон Нетайхон опасининг ҳамда Сухсуровдек бообрў поччасининг уйига биринчи марта келиши бўлса, иккинчидан эса, унинг шарафига катта зиёфат бераётган ва бунинг устига сохта бўлса-да, шунча мулозамат кўрсатаётган опаси ва поччасига қарши шунчалик кескин танқидий ҳамда дағал гапларни уларнинг юзларига қараб дадил айтиши ҳам у қадар ишонарли бўлиб чиқмас эди. Юксак санъатнинг асосий шартларидан бири ўқувчини ишонтира билишдир. Муаллиф ва персонажлар томонидан айтилган гапларга, асардаги деталларга, воқеаларга китобхон ишонмаса, асарнинг таъсир кучи йўқолади. Адиб сўз санъатининг бундай юксак талаб – мезонларига ҳаммиша изчил амал қилган.

Ана шундай ҳаётий ва мантиқий талаблардан келиб чиқиб “Тобутдан товуш” комедиясига ёндашилса, Обиджоннинг ўз донолигини кўрсатиб, бирдан динни фош қилишга тушиши уни томошабин кўз олдида мақтанчоқ бир кимса сифатида гавдалантириши мумкин эди. Шунинг учун ёзувчи бу эпизодларнинг ҳаммасининг баҳридан ўтади ва Обиджон характери учун табиий, ишонарли ва зарур бўлган ўринларнигина қолдиради. Шу тариқа Абдулла Қаҳҳор ушбу сатирик комедиясидаги персонажлар характерларининг хатти-ҳаракати ва ҳар бир монолог ҳамда диалогларининг ҳам жонли, ишонарли бўлиб чиқишига эришади, асар ҳаққонийлигини оширади.



Ўзбек драматургиясидаги характерлар комедиясига яна бир ёркин мисол сифатида элимизнинг суюкли шоири, машхур ижодкор, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” комедиясини ҳам олишимиз мумкин. Бу комедия таҳлилига киришишдан олдин Эркин Воҳидовнинг туғма истеъдоди ва унинг адабиёт ҳамда шоирлик бурчи ҳақидаги теран фикрлари, яъни бутун ижодининг ғоявий мазмуни ва юксак мақсад йўналишини белгиловчи адабий-эстетик қарашларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Ўзининг бетакрор шеър ва ғазаллари, етук комедия ҳамда дostonлари, бекиёс ҳажвиёти, таржималари билан ҳамда теран нутқ ва мақолалари билан халқимиз қалбидан жой олган Эркин Воҳидов номини билмайдиган, унинг дурдона асарлари кириб бормаган бирон шаҳар ё қишлоқ, бирон хонадон йўқ десак, асло муболаға бўлмади (Озод Шарафиддинов). Эркин Воҳидов ижодида инсон ва жамият ҳаётининг кўплаб муҳим томонлари ҳамда муаммолари қанчалик чуқур, реал ва санъаткорона ифодаланишини тадқиқ этиш, шубҳасиз, танқид – адабиётшунослигимиз учун ҳамда маънавиятимиз учун ҳам долзарб вазифалардан бўлиб саналади. Бу жиҳатдан Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сўзлари ёш ижодкор ва зиёлиларга ҳам муҳим бир ҳаётий дастур бўлиши мумкин: “Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юкини доимо елкамда ҳис қиламан. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг кераклигингни сезиш– бу катта бахт. Шунинг учун ҳам жамоат меҳнатидан ҳеч қачон ўзимни олиб қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман”.<sup>65</sup> Шоирнинг мана шундай қайноқ ҳаёт ичида, эл-юртнинг орзу-умидлари ва ғам-ташвишлари билан бирга ҳамнафас бўлиб яшаши унга муҳим, долзарб мавзу – ғоялар бериши билан бирга уни ижодкор сифатида шакллантиради ҳамда жамиятнинг муаммоларига фаол муносабатини билдириб, уларга дахлдорлик туйғусини ҳам кучайтиради. Шундай экан, у ёки бу ёзувчи ёки бирор санъаткор ижодига баҳо берилганда ва унинг ижодкор сифатидаги фаолияти

---

<sup>65</sup> Озод Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 267.

хамда шахсини ўрганганда, ўша санъаткорнинг бутун ижоди, адабий-эстетик, ижтимоий-публицистик асарларига ҳам яхлит бир олам сифатида ёндашилса, ўшанда ижодкор сиймоси, унинг халқ ва адабиёт олдидаги хизматларини янада тўлиқроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Ҳассос танқидчи ва таржимон И.Ғафуров таъкидлаганидек, Эркин Воҳидов ўзини шеърга бағишлаган ва ҳеч қачон шеърятга хиёнат қилган эмас. У тоталитар муҳитнинг замонасозлигига қатъият билан қарши тура олди. У қалбининг амри билан ижод қилди, ўз инсоний, ижодий принципларини мафкуранинг шиддатли тазйиқ ва амрбозликларидан сақлаб қолишга муяссар бўлди. Ҳолбуки, ўша замонасозлик, тоталитар тузум, унинг мафкураси кўплаб талантларнинг эркин ўсишига йўл қўймади, баъзи талантларни ўтмаслаштириб, уларни сийқа, таъмагир мадҳиябозлик, маддоҳлик йўлида асарлар ёзишга кўндирди.<sup>66</sup>

Ана шундай оғир шароитда ижод қилиш ва ҳақ сўзни айтиш адибдан жасорат талаб қилар эди. Улар ҳукмрон комфирқа сиёсатига қарши ўлароқ ҳақиқатдан чекинмаган ҳамда виждон амри билан ижод қилишган.

Эркин Воҳидовнинг халқ ҳаёти, руҳияти ва азалий урф-одати тасвирига бағишланган “Олтин девор” комедиясининг яратилиши ҳам тасодикий бўлмасдан, балки унинг ноёб истеъдоди, чуқур ҳажвий тафаккури билан боғлиқдир. Шоир ижодида, хусусан, бетакрор ҳажвий шеърятда ёрқин намоён бўлган ва миллионлаб мухлисларнинг олқиш-эътиборига сазовор бўлган халқчил, тагдор ҳажв ҳамда ўзига хос юмористик тасвир катта ўринга эга эканлиги кўплаб таниқли адиб ва мунаққидлар томонидан яқдиллик билан эътироф этилган. Масалан, шоир шахси, ижодини яқиндан билган ажойиб ҳажвчи шоир Анвар Обиджон бу ҳақда шундай муҳим фикрларни айтган: “Адабиёт оламида ҳажвий роман ёки қиссада янгича қиёфа яратган ижодкорлар – беҳисоб, аммо шеърятда бундай ҳоллар санокли. Эркин Воҳидов қаламига мансуб ҳажвий шеърлар ўта тортувчанлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг ижоди билан кенгроқ таниш бўлган киши бунинг сирини

---

<sup>66</sup> Иброҳим Ғафуров. Мангу латофат. – Тошкент: Фан, 2008. –Б. 93.

нимада эканлигини пайқаб олиши қийин эмас. Кўп мунаққидлар Эркин Воҳидов беназир сўз заргари эканлигини қайта-қайта эътироф этишган. Ҳажвий асарларида ҳам шу фусункорликка дуч келамиз, роҳатланиб ўқиймиз, ёдда тез сақлаб қоламиз. Саид Аҳмад домла билан қилган бир суҳбатимизда у киши: “Эркин Воҳидов жуда улкан ҳажвчи, лекин унинг ҳажвлари эл орасида жуда машҳур бўлиб турган жиддий шеърларининг соясида қолиб кетаяпти,” –деган эди.<sup>67</sup>

Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” комедияси ҳам унинг ўзига хос ҳажвиёти ва халқчил юморга бой бадиий-эстетик тафаккурининг бир самараси бўлиб яратилганини яққол кўришимиз мумкин. “Олтин девор” комедиясида сюжет воқеаларини ҳаракатга келтирувчи асосий тугун бу – икки қўшни ҳовлиси ўртасидаги девор остидан топилган бир хумчадаги олтинларнинг можароси билан боғлиқдир. Ушбу комедиянинг ғоявий мазмуни ва бадиий талқинлари ҳамда ундаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирлари билан танишганимизда, беихтиёр Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган бир ривоят ёдимизга келади. Бу ривоят Алишер Навоий ҳамда бошқа улуғ шоир ҳамда мутафаккирларнинг асарларида ҳам тилга олинган ва ўзининг инсофу адолати ҳамда халқпарварлиги билан шуҳрат қозонган ҳукмдор Анушервони (баъзи манбаларда Нўширавон) одил ҳақидаги ибратли ҳикоятдир.

Ривоятда айтишларича, Анушервони одил замонида бир киши кўшнисининг ҳовлисини сотиб олади. Кунлардан бир куни ер чопаётиб, ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан бир кўза тилла топиб олади. Диёнатли инсон бўлгани учун тиллани ўзиники қилиб олмайди, балки кўзани қўлтиқлаб, ҳовли сотган одамнинг олдига боради ва унга шундай сўзларни айтади:

“ – Ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан мана бу хазинани топиб олдим. Уни сен кўмган бўлсанг керак, демак, у сеники, – дейди.

---

<sup>67</sup> То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: 2018. –Б. 21.

– Йўқ, – деди ҳалиги одам,– мен ҳовлини ери ва дарахтлари билан биргаликда сенга сотганман, шунинг учун энди бу хазина ҳам сеники.

Улар узоқ тортишиб, ҳеч келиша олишмайди, охири ажрим қилишини истаб, Анушервони одилнинг ҳузурига борадилар. Воқеани суриштириб билгач, ҳукмдор улардан сўрайди:

– Фарзандларингиз борми?

– Ҳа, – деди улардан бири, – менинг ўғлим бор.

– Менинг эса қизим бор, – деди иккинчиси.

– Унда бир-бирларингиз билан куда-анда тутининглар, – маслаҳат берди Анушервони одил, – хазинани эса куёв билан келинга тухфа қилинглар”.<sup>68</sup>

Бизнингча, шарқ мумтоз адабиётини, айниқса, Навоий дostonларини чуқур билган Эркин Воҳидов бу ривоятдан беҳабар бўлиши мумкин эмас. Аксинча, бу ривоят ўзининг теран ҳаётий мазмуни ва инсонларни эзгулик, олижаноблик ҳамда инсоф-адолатга, ҳалолликка ва тўғрилиқка бошловчи юксак ғояси билан Эркин Воҳидовга чуқур таъсир кўрсатган ҳамда шу билан бирга унга ушбу ибратомиз замонавий комедияни яратишда маълум даражада илҳом берган бўлиши ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас, деб ўйлаймиз. Муаллиф инсон дунёқарашадаги, характеридаги зикналик, бойликка, мол-мулкка ўчлик, тажанглик каби хислатларни қоралашни ушбу комедиясига бош лейтмотив қилиб олган, десак хато бўлмайди. Бошқа кўплаб драматик асарлардан фарқли ўлароқ, комедиянинг асосий қаҳрамонларини муаллиф эмас, балки асардаги етакчи, ўзига хос образларидан бири Қиличбек сахна бошланишида таништириб ўтади: “Бу воқеа яқин кунларда Тақа маҳалласида бўлган. Ўша одамлар ҳозир ҳам бор. Мана улар: Мўмин! (Қоровул хуштаги овози келади ва милтиқ осган, фонус кўтарган Мўмин киради) Ёши олтмишларда бўлса керак. Эски шаҳардаги дўконга қоровул.

---

<sup>68</sup>Шарқ хикоят ва ривоятлари: Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2015. –Б. 123. Нашрга тайёрловчи Э.Очилов.

**Мўмин** – Ким бу бемахалда юрган? (Қиличбекка) Э-ҳа, сизмидингиз! Ассалому алайкум. Қани, юринг, чой қилиб бераман, ковун сўяман... (Хуштагини чалиб чиқиб кетади.)

**Қиличбек** – Абдусалом. Унинг қирқ йиллик қадрдони. Ўзи ямоқчи. Мўминнинг айтишича, ундан беш ёш кичик, ўзининг айтишича, етти ёш катта.

**Абдусалом** – (Қиличбекка) Акаси жонидан, менинг гапимга ишонаверинг. У бекор айтибди.”<sup>69</sup>

Асарнинг бошланишиданоқ кўришимиз мумкинки, бош қахрамонлар Мўмин ва Абдусалом ҳар доим бир-бири билан тортишади, бир-бирининг гап – сўзларига қарама-қарши чиқишади. Лекин тақдирни қарангки, уларнинг фарзандлари Нодир ва Дилором бир-бирларини севиб турмуш курмоқчи бўлишади. Барча воқеалар худди ана шу тўй ва совчилик ҳангомасидан бошланади. Икки қадрдон қўшни Мўмин ва Абдусалом тўй қилиш ҳамда тўй харажатлари борасида яна ҳар доимгидек ўзаро келиша олмай қолишади:

“**Мўмин** – Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Э, кўрпанга қараб оёқ узат-да, хумпар. Ўзинг битта сўзанига суянган ямоқчисану, дағдағанг оламини бузади. Яна нима дейди, денг: 4 қоп ун, 2 қоп гуруч, 2 қўй, битта новвос, беш бош-оёқ сарпо, яна қанча пул... Ў-ҳў, Тантибойвачча бўлиб кет-э! Қирқ йиллик қиёматли қўшним бўлиб ҳали ҳам сени билмаган эканман.

Абдусалом киради.

**Абдусалом** – Ў, мен тўй қилмоқчиман, тўйчиқ эмас. Эл-юртнинг ошини еган одамман. Ўзим камбағал бўлсам ҳам, ҳимматим баланд, акаси.

**Мўмин** – Ҳа, энди, дўстим, ҳол-аҳволим ўзингга маълум. Нима қиласан мени қийнаб? Мен ахир Саидмалик заргар эмасманки, бунақа нарсаларга кучим етса. Беҳуда зўрлик умуртқани синдиради, деган гап бор.

**Абдусалом** – Ҳа, умуртқангни эҳтиёт қил, керак бўлади. Бу дунёда орттирган нарсаларингни нариги дунёга орқалаб кетасан.”<sup>70</sup>

---

<sup>69</sup> Эркин Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарк, 2000. –Б. 368.

Мўмин ва Абдусалом шу зайлда тўй харажатлари борасида келиша олмай, жуда кўп тортишишади. Лекин бир тўхтамга келиша олишмайди. Аслида, бу кўп йиллардан буён халқимиз орасида кенг тарқалган ва жаид адабиёти вакиллари ижодида ҳам долзарб мавзу саналган жиддий бир муаммо – “Ўзбекчилик”нинг типик бир кўриниши эди ҳамда у ушбу комедияда ҳам ҳаққоний акс этган. Эркин Воҳидов, юқорида таъкидланганидек, ҳар бир асариди, жумладан, шеърисида, комедиясида ҳам, энг аввало, халқимиз ва жамиятимиз ҳаётининг долзарб муаммоларини холис ҳамда ҳаққоний акс эттиради. Шоирнинг миллий урф-одатлар “офатга айланиб кетаётганлиги”ни кескин танқид қилиб, кенг жамоатчилик эътиборини тортган ўткир мақолаларини ёдга олайлик. Ёхуд бедор қалбли шоирнинг умри сўнгида ёзган “Нега японлар юз йил яшайди” сингари бир туркум шеърларида ҳам бу муаммолар Эркин Воҳидовга хос нозик юмор ва донишмандлик билан ифода этиланганини кўрамыз:

“Гарчи японлар юз чандон фаровон, тўқдир,

Лекин тўй ҳаржида юзта япон битта ўзбекча йўқдир”

“Олтин девор” ана шундай ҳаётий ва анъанавий мавзуга бағишланган.

Шу боисдан муаллиф комедия сюжетини шакллантиришда ҳамда қаҳрамонлар дунёқарашини, инсоний хусусиятларини очиб беришда улар характеридаги зикналик ва тажанглик каби салбий хислатлар тасвирига алоҳида эътибор қаратади. Мўмин ҳам, Абдусалом ҳам шу кунгача ҳалол турмуш кечиришган, бировнинг ҳаққига умуман хиёнат қилишмаган. Шу жиҳатлар ўқувчи – томошабиннинг уларга нисбатан хайрихоҳлигини уйғотади.

Эркин Воҳидов Абдусалом ҳамда Мўмин чолларни тасвирлар экан, уларнинг характеридаги айрим калтафаҳмлиқ ва қарилликка хос тажангликларни сатирик планда тасвирламай, аксинча, қаҳрамонларга хос бу хусусиятларни энгил юмористик ракурсада акс эттирганлиги мазкур

---

<sup>70</sup>Эркин Воҳидов. Олтин девор. Ишқ савдоси. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 371.

комедиянинг муваффақиятларини таъминлаган омиллардан бири бўлган, дейиш мумкин.

Яна асар воқеаларига қайтадиган бўлсак, ниҳоят, охири икки кўшни тортиша-тортиша тўй борасида ўзларига маъқул бир тўхтамага келишади:

“**Мўмин** – Бўлмаса мана бундай қиламиз, дўстим. Ўртадаги бир парда деворни бузамиз, ҳовлини катта қиламиз. Тўйни бир жойда ўтказамиз. Бўладими?

**Абдусалом** – Йўқ, ҳар бир инсонга бир уй, бир гўр, деган машойихлар.

.....

**Мўмин** – Э, тўрт энлик эмас, ҳаммасини ол! Шу деворни бузамиз. Заминини сенга хатлаб бераман. Бўладими?

**Абдусалом** – Ҳаммасини-я.

**Мўмин** – Ҳа, ҳаммасини.

**Абдусалом** – Темир дафтардан ҳам ўтказиб берасан, бўпти, мен рози. Қани, қўлни оч! Омин, оллоҳу акбар! Кетмонни олиб чиқ.

.....

Ассалому алайкум, кудажон, келин муборак бўлсин.

(Куллуқ қилади.)

**Мўмин** – Куёв муборак бўлсин.

**Абдусалом** – Қани, омин, туп қўйиб палак ёзишсин, кўша қаришсин. Биз ҳам қариб – чуриб юрайлик.”<sup>71</sup>

Юқорида асардан олинган парчадан ҳам англашимиз мумкинки, Мўмин ҳам, Абдусалом ҳам кўпинча ўзларининг фикридан қайтмайди. Ўзгалар фикри билан кенгашиб, маслаҳат қилиб ҳам ўтирмайди. Мўминнинг мақсади тўйни ихчам, кам ҳаражат қилиб ўтказиш бўлса, кўшни Абдусаломнинг асосий мақсади тўйни кенг ҳамда дабдабали қилиб ўтказиш. Лекин шу ўринда Мўмин Абдусаломнинг мол-дунёга ўчлигидан фойдаланиб, деворининг ерини унга бериш йўли билан ўз фикрини ўтказиб олади. Яъни тўй Мўминнинг режаси бўйича ихчам ўтказилишига ўзаро келишиб

<sup>71</sup>Эркин Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 374-375.

олишади. Қўшнилар ўртасидаги деворнинг бузилиши ва кутилмаганда девор остидан олтинларнинг чиқиши иккала қўшнига ҳам ўзгача таъсир қилади:

“**Абдусалом** – Олтин топган мен-ку, нега сен ўйинга тушяпсан?”

**Мўмин** – Ҳа, фикринг бузилдими? Тилла меники. Деворни бузамиз деган ким?

**Абдусалом** – Хўш, ўша деворни урган ким? Менинг дадам бўладилар. Олтин раҳматли дадамники, гап тамом, вассалом.

**Мўмин** – Деворни даданг урган бўлса, лойини менинг дадам қориб берган.”<sup>72</sup>

Кўп йиллик қиёматли икки қўшни ўртадаги шу тиллани бўлиша олмай, бир-бирининг етти авлодини излаштириб, худди ёш болалардек, олтинларни уларнинг дадалари яшириб кетганлигини бир-бирига даъво қилишади. Комедиядаги ҳар бир сўз ва диалог муаллиф томонидан жуда катта маҳорат билан ишланганки, асарни ўқиш, томоша қилиш жараёнида ҳеч қандай ноўрин сўз – иборага ёхуд ортиқча, сунъий хатти-ҳаракатга дуч келмайсиз. Комик, яъни кулгили вазиятлар зўрма-зўракилик билан ё ортиқча, бачкана ҳаракат – қилиқлар билан эмас, аксинча, ҳаммаси табиий, халқона руҳда тасвир этилади. Асардаги асосий комик конфликт хумчадаги олтин билан боғлиқ тарзда шакллантирилади. Етакчи қаҳрамонлар характеридаги кулгили жиҳатлар ҳам ана шу ҳаётий можаро давомида аста-секин очиб борилади.

“Театрга келар экан, томошабин бу ерда оддий ҳаётда учрамайдиган ёки кам учрайдиган, ҳаётнинг ундан қандайдир пинҳон қолган бир томонининг намоёниш этилишини, назаридан четда қолган бирор ҳаётий проблемага унинг диққати жалб этилишини кутади,”<sup>73</sup> – деган эди муаллиф.

Дарҳақиқат, “Олтин девор” комедиясида ҳам Эркин Воҳидов халқ орасида учрайдиган, лекин кўпчилик эътибор бермайдиган воқеаларни асосий мавзу сифатида танлайди ва уларни юксак маҳорат билан қайта жонлантирганлигига гувоҳ бўламиз. Муаллиф ҳеч бир ўринда Мўмин ва

<sup>72</sup>Эркин Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 378.

<sup>73</sup>Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1979. –Б. 289-290.



Абдусалом характеридаги тажангликлардан ёки уларнинг олтин васвасасига тушиб қолганлари устидан очиқ – ошкора кулмайдими, аксинча, ҳаётда қандай бўлса шундайлигича ишонарли акс эттиришга эришганлигини кўришимиз мумкин.

“**Нодир** – Бўлди, дада, бакираверманг, жинни билан соғнинг фарқига ҳаммамиз борамиз. Ахир тилла билан тошнинг ҳам фарқига борамиз.

Тошга айланган тиллани эслаб Мўминнинг жазаваси тутди.

**Мўмин** – Тош, тош.

Мўмин жиннига хос ҳар хил қилиқлар қилади.

**Хуриниса** – Вой, ўлай.

**Мўмин** – (бирдан ўзига келиб) Манави чойнакми? Манави пиёлами? Шулар борми? Шуларнинг борлиги қандай рост бўлса, менинг тилла топганим ҳам худди шундай рост. Мен аҳмоқ бўлмасам, уни ҳар қаерга беркитаманми, сен аҳмоқларга кўрсатганимда... Вой-вой, миллион сўмлик тилла эди-я.

Мўмин яна “Тош, тош” деб жазавага тушади ва ҳушидан кетади. Уни кўтариб ётқизишади.”<sup>74</sup>

Мўминнинг бу аҳволга тушиб қолишида Саидмалик каби ёлғончи, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан кўрқмайдиган ҳаромхўр инсонларнинг ҳам ҳиссаси борлигини муаллиф ўзига хос тасвир услубида кўрсатиб ўтади. Абдусалом ҳам берган ваъдасини бузади. Саидмаликнинг ёлғонларига учиб, энг яқин дўсти, қўшнисини Мўминга хиёнат қилади. Асар сўнгида эса, ниҳоят, ҳақ ва адолат қарор топади. Ҳамма ўз қилмишига яраша жазосини олади. Эркин Воҳидовнинг ушбу комедияси ўзининг бадиий жиҳатдан пишиқ-пухта ишланганлиги, ортиқча, бачкана тасвирларга ўрин берилмагани, инсон характеридаги бундай кулгили жиҳатлар ҳар доим унинг ўзига ташвиш келтириши мумкинлигини ёрқин образларда гавдалантириб берганлиги билан бугунги кунда ҳам ўз томошабинлари ва мухлисларига эга. Аммо

---

<sup>74</sup> Эркин Воҳидов. Ишқ савдоси. Сайланма. 1- жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. –Б. 400.

Эркин Воҳидовга хос нозиктаъб ва маҳорат билан санъаткорона яратилган ҳамда ўзбек драматургияси тарихини янги бир саҳифа билан бойитган бу комедия ҳам адабий танқидчиликнинг айрим ҳозиржавоб вакиллари томонидан холис баҳоланмади. Аксинча, асар етарли таҳлил – далилларсиз камситилди, боз устига машҳур шоиримизнинг нодир истеъдоди ва ижодига нисбатан ҳам беписандлик билан асоссиз мулоҳазалар билдирилди. Китобхон ва томошабинларни ҳам чалғитувчи бундай нохуш ҳолатлар профессионал танқидчиликнинг савияси пастлиги билан ҳам изоҳланиши тўғри бўлади.

Масалан, профессор Норбой Худойберганов каби йирик мунаққидлар Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” ва Саид Аҳмаднинг машҳур “Келинлар кўзғолони” асарларини умумий тарзда маъқуллаган бўлсалар-да, лекин бу комедияларда салмоқли ижтимоий-фалсафий маъно йўқ, деган хулоса чиқаради. Бу ҳам ўша эскича қарашлар, яъни асарни, айниқса, сатира ва юмор табиати ҳамда ўзига хосликларини чуқур англамасликдан келиб чиқади.

Масалан, мунаққиднинг “Тўқнашувлар олами” мақоласида мазкур комедия ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Очиғини айтганда, “Олтин девор” тилла топиб олсанг, қўлингга бойлик тушса, уни ўзингнинг эҳтиёжингга ишлатма, ҳукуматга ҳадя эт, дейиш учунгина ёзилгандай таассурот уйғотади, холос. Бироқ буни уқтириш учун бадиий асар битиш зарурмиди? Хуллас, Эркин Воҳидовнинг комедиясидан бадиий шаклда ифодаланган ҳаққоний фалсафий фикрни, томошабин юрагини жизиллатадиган ижтимоий мазмун касб этган бутун бир ғояни топиш қийин...” Йирик танқидчининг таҳлил ва далилларга асосланмаган бундай субъектив хулосасига қарамай, “Келинлар кўзғолони” нафақат юртимизда, балки қардош республикалар ва хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонганидек, “Олтин девор” комедияси ҳам миллий академик драма театримиз саҳнасидан бугунги кунгача ҳам тушмай келмоқда. Асар машҳур санъаткорларимиз томондан беш юз мартадан кўп қўйилгани ҳақида матбуотда ҳам расман эълон қилинган.

Ёки таниқли танқидчининг қуйидаги фикрини қандай изоҳлаш мумкин: “Эркин Воҳидов бир-икки бор қоқилиб кетгандир, лекин ҳали йиқилганича йўқ”. (Юқоридаги асар, 172-бет). Очиғини айтганда, ушбу сўзларнинг маъносини ҳам, танқидчининг нима демоқчи эканлигини ҳам тушуниш қийин. Етук ижодкорга нисбатан “қоқилиш”, “йиқилиш” деган ибораларни ишлатиш, адабиётшунослар ва сезгир китобхонлар тўғри таъкидлаганидек, адабиётга, ижодга меҳрдан эмас, меҳрсизликдан гувоҳлик беради. Танқидчилар тан оладими ёки йўқми, Эркин Воҳидов халқимизнинг фахрига айланган ижодкорларимиздан бири. Афсуски, баъзи танқидчилар, юқорида қайд этилганидек, истеъдодни ва бадий асар гўзаллигини “кашф этиш”ни бошқаларга юклаб, асосан, “фош этиш” йўлидан боради. Халқ севиб, ардоқлаб ўқийдиган, адабий жамоатчилик қувонч билан кутиб олган асарлардан ҳам нуқсон излайди. Адабиёт ва санъат намуналарига ҳамда кенг адабий жамоатчилик, бутун халқимиз эътироф этиб, ардоқлаган етук шоир ва ёзувчилар истеъдодига нисбатан бундай беписандлик ҳамда ноҳақликларга дуч келганда, беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг характерли фикри ёдимизга тушади: “Адабий ваҳимачиликдан ҳануз қутулмаган шубҳа бандалари, – деб ёзган эди у “Шижоат ҳақида” номли мақоласида, – тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, хидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан, албатта, нуқсон топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала – ярим гаплар айтиб, миш-мишларга озиқ беришни ўзининг касби ҳисоблайди. Бу хилдаги шубҳа бандалари учун ёзувчи уларнинг ҳукмини кутиб, қора курсида ўтирган бир гуноҳкор, китобхон, томошабин эса боғча ёшидаги болалар!”

Дарҳақиқат, профессор Н.Худойберганов каби таниқли танқидчилар томонидан Эркин Воҳидовдек талантли ижодкорларга нисбатан беписандлик билан айтилган хулосалари Абдулла Қаҳҳорнинг олтмиш йиллар илгари адабий танқид савияси ҳақида жиддий ташвиш билан билдирган фикрлари бугун ҳам асосли эканлигини кўрсатади. Оддий китобхон ё томошабин

хаёлига ҳам келтирмайдиган тумтароқ гапни таниқли мунаққид китобига киритса, буни масъулиятсизлик билан фикр юритишдан бошқа нарса деб баҳолаб бўлмайди. Адабий жараён ва танқидчиликдаги бундай номақбул ҳолатларни О.Шарафиддинов, А.Расулов, И.Ғафуров, О.Абдуллаев ва У.Қосимов каби олимларимиз ҳам мантиқий далиллар билан исботлашди.<sup>75</sup>

Афсуски, баъзи мунаққидларнинг сатира ва юмор санъати табиатини тушунмасликё назарга олмаслик туфайли билдирган айрим фикрлари ўқувчи – томошабинларни ҳам ранжитади. Йирик танқидчимиз “Схематизм – иллат” деган мақоласида ҳозирги ўзбек драматургияси хусусидаги мулоҳазаларини баён этиб келади-да, мақола сўнгида ҳеч қутилмаганда шундай ёзади: “истеъдод эгаси, у драматургми, режиссёрми, боши берк кўчага кириб кетиб, ўзини йўқотиб қўяди. Танқидчиларимиз эса уларнинг ҳар бир асарини, барча изланиш-интилишини ҳақиқат ҳамда адолат руҳи билан суғорилган таҳлилдан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб туришлари лозим” (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 8апрель).

Бу иддаодан шундай хулоса чиқариш мумкин: яъни драматург ёки прозаик – истеъдод эгаси, у – тирик инсон, шунинг учун қаттиқ адашуви, ҳатто боши берк кўчаларга кириб кетиб, ўзини йўқотиб қўйиши мумкин-у, лекин танқидчи бамисоли беайб парвардигордек ҳеч қачон янглишмас экан; демак, у тирик инсон ҳам, истеъдод эгаси ҳам эмас. У – фақат йўл кўрсатувчи бир “раҳнамо”, “ҳакам”. Адабий танқид талабларига бутунлай мувофиқ келмайдиган бундай тумтароқ ҳукм ҳамда хулосалар нафақат адиб ва адабиётшуносларда, балки кўп сонли китобхонларда ҳам норозилик туғдириши табиий.

Масалан, самарқандлик кимёгар М.Ражабова “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятига йўллаган хатида шундай ёзади: “Мен бир нарсага ҳайронман. Баъзи танқидчиларимиз, айниқса, Н.Худойбергенов магазинларда чанг босиб ётадиган, ўқувчининг энсасини қотирадиган китоблар ҳақида бир оғиз

---

<sup>75</sup> О.Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: 1979; У.Қосимов, О.Абдуллаев. Адабиётга қаҳр эмас, меҳр керак.//Шарқ Юлдузи журнали. №11. 1987.

гапирмайди-да, халқ севиб ўқийдиган асарлардан, албатта, бир иллат топади. Танқидчилар ўша беъмаъни асарларни тўғри анализ қилса, фойдалироқ бўлмайдими?” Албатта, ҳар қандай адабий асардан ҳам камчилик топиш мумкиндир. Бироқ танқидчи фикри холис ва ҳаққоний бўлиши ҳамда жамоатчиликнинг фикрини ҳам озми-кўпми ифодалаши лозим эмасми? Кўпчиликни ҳаяжонга солган “Келинлар кўзғолони” ва “Олтин девор” каби миллий руҳда битилган комедиялардан ёки Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри сингари етук асарлардан камчилик излаш ҳам, машҳур адиб Саид Аҳмад эслатганидек, ўзича ном қозонишга интилишнинг хунук бир кўриниши бўлса керак.

Комедиянинг ғоявий-бадий ва ижтимоий-эстетик аҳамиятини тўғри англаб олишимизда Эркин Воҳидовнинг бу асарни қандай эзгу мақсадда битганлиги ҳақидаги муҳим эътирофи ҳам ўзига хос бир очкич бўла олади. “Шоир ўз юртининг оғриқли муаммоларини, камчиликларини ҳар қанча қаламга олса ҳақли. Аммо таржимон бирор миллат муаммоси-ю нуқсонлари акс этган асарларни иложи борица таржима қилмагани маъқул. Йўқса, унинг бу холис хизмати сиёсий низоларгача олиб келиши ҳеч гап эмас. Оддий мисол: Бировнинг ота ё онасини сўрамай – нетмай танқид қилиб кўринг-чи? Бу фуқаролик бурчи, миллий ғурур билан боғлиқ қалтис вазият.

“Олтин девор” Ватанимиздаги деярли барча театр саҳналарида бир неча йиллар давомида қайта-қайта кўйилган. Марҳум санъаткорларимиз ўз ролларини қойилмақом қилиб ижро этганлар, айниқса, раҳматли Ғани Аъзамов... Москвадан Тошкентга бир машҳур режиссёр келди, “Олтин девор”ни ҳам синхрон таржима орқали мириқиб томоша қилди, ичаги узилар даражада қотиб-қотиб кулди, бир оз вақт ўтгач, менга таклиф киритди: Эркин, асарингиз жуда ҳам муваффақиятли комедия бўлибди, дарров бунини таржима қилдириб, “марказ” театрларида кўйиш керак...” Аммо Эркин Воҳидов Москвалик машҳур режиссёрнинг таклифига рози бўлмайди.

Негаки, “Олтин девор”да бошларига олтин талвасаси тушган иккита ўзбек чолининг қилмишлари ўткир ҳажв остига олинган бўлиб, бу фақат

бизнинг томошабинлар учун мўлжалланган асар эди. Яъни бундай миллий курсурлар устидан ўша миллатнинг ўзигина хандон отиб кулишга ҳақли, бошқа миллат эмас. Агар асарни таржима қилдириб, собиқ Иттифоқ театр сахналарида қўйиладиган бўлса, рус ва бошқа миллат вакиллари бизнинг халқимизнинг устидан кулган бўлмайдими?”<sup>76</sup>

Эркин Воҳидовга хос самимият, камтарлик ва теранлик акс этиб турган бу сўзлар муаллифнинг чинакам миллатпарвар ҳамда ватанпарвар ижодкор эканлигини яна бир қарра намоён этиши билан бирга, айтилиши вақтда, улар адабий танқидчиликнинг бурч – вазифаси, энг аввало, санъат асарини унинг ўзига хос талаб – мезонлари асосида холисона таҳлил этиш эканлигини эслатиб тургандек бўлади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Эркин Воҳидовнинг серқирра ижоди нафақат ўзбек адабиётшунослигида, балки хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилиб, салмоқли монографик тадқиқотлар яратилмоқда. Жумладан, таниқли Туркия олими Вали Савашнинг Эркин Воҳидов шеърляти тилига бағишланган докторлик диссертацияси (2016) ҳам бу соҳадаги жиддий ютуқлардан бири сифатида эътиборга лойиқ.<sup>77</sup> Худди шунингдек, Эркин Воҳидовнинг ёрқин шахси ва ижодига бағишланган “То қуёш сочгайки нур” (2018) номли йирик тўплам адабий ва маънавий ҳаётимизда қувончли бир воқеа сифатида эътироф этилишига шубҳа йўқ. Аммо ҳар тўқисда бир айб деганларидек, нозик кузатишлар ва таҳлилларга бой кўплаб мақолалар, чуқур самимият ҳамда миннатдорлик билан йўғрилган нурли хотираларни ўз ичига олган ушбу мажмуадан бир жиҳатдан адабиёт мухлисларининг кўнгли тўлмаса керак. Яъни 80 дан ортиқ таниқли шоир ҳамда ёзувчилар, олиму таржимонлар ва хорижлик олимлар томонидан ажойиб бир гулдаста янглиғ яратилган 500 саҳифалик катта тўпламда шоирнинг миллионлаб томошабинлар меҳр-эътиборига тушган

---

<sup>76</sup> То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 501-б.

<sup>77</sup> Вали Саваш. Эркин Воҳидов шеърляти тили ва услуби. Фил.ф.д.дисс. –Тошкент: 2016.

“Олтин девор” комедияси ҳақида лоақал қисқа бўлса-да, бирон мақола ёки хотира киритилмаган. Фақат таниқли адабиётшунос Н.Шукуровнинг анча йил аввал ёзилган мақоласидаги қисқа бир маълумот келтирилган холос: “Эркин Воҳидов “Олтин девор” номли комедиянинг ҳам муаллифи. Бу асар билан кулгили драматик ҳолатлар, драматик вазиятлар тўқишда ҳам ўзига хос талантга эга эканлигини кўрсатди” (То қуёш соғайки нур, 460-б.).

Қолаверса, Эркин Воҳидовнинг машҳур “Ўзбегим” қасидаси билан боғлиқ тўғри, аммо кўпчиликка маълум фикр-мулоҳазаларнинг ҳаддан ортиқ такрорланганлиги ҳам тўпламнинг адабий-эстетик савиясини оширишга хизмат қилмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Зеро, буюк Навоийнинг

“Бир деганни икки демак хуб эмас,

Сўз чу такрор топди дилкаш эмас”

каби пурҳикмат сўзлари танқид – адабиётшунослик соҳасида ва адабий асар таҳлилида ҳам қимматли бир ижодий дастур бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Юқоридаги мисоллардан ҳам аён бўладики, Эркин Воҳидовдек нодир истеъдод томонидан яратилган дурдона асарлар, жумладан, унинг драматик асарлари ҳам санъатнинг юксак мезонлари асосида кенг тадқиқ этилиши танқид – адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммоларидан саналади.

## **2.2. Ахлоқий, маиший ва ижтимоий-сиёсий комедиялар**

Воқеавий асосига кўра навбатдаги типдаги комедиялар – ахлоқлар комедиясидир. (Албатта, комедияларга бундай ёндашув шартли бўлиб, уларни кенгроқ ўрганиш учун қулайлик туғдиради. Масалан, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи тарихий роман сифатида ўрганилиши билан бирга уни “тарихий – революцион мавзуда ёзилган роман” деб ҳам таснифланади. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг 30 йиллар воқелигини акс эттирган “Сароб” романи танқид ва адабиётшунослигимизда “психологик роман” деб ҳам таърифланади. Холбуки, улуғ мутафаккир В.Г.Белинский ўзининг “Поэзиянинг адабий тур ва жанрларга бўлиниши” номли тадқиқотида роман жанри икки хил бўлади. Яъни “тарихий роман ва замонавий мавзудаги

роман” деб ажратган. Лекин муайян романларда у ёки бу жиҳат устувор бўлса, шунга кўра романларни “тарихий-инқилобий” ёки “тарихий-биографик” роман деб ҳам таърифланиши хато эмас ва бу ҳол адабий жараёнда кенг тус олган).

Маълумки, ахлоқ – инсонларнинг бир-бирларига, оилага, атроф-муҳитга ҳамда жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-харакатлари, феъл-атворлари ва хулқ-одоблари мажмуаси ҳисобланади. Ахлоқ муайян жамият ва ҳар бир даврда маълум бир ўзгаришларга учраши, ривожланиши, сусайиши мумкин. Ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос миллий ахлоқий мезонлари билан бир қаторда, умумбашарий ахлоқий меъёрлари ҳам мавжуд. Албатта, бундай ахлоқий меъёр ва мезонлар жамиятнинг умумий ҳамда маънавий тараққиётига самарали таъсир кўрсатади.

“Ахлоқ билан ахлоқсизлик тўқнашган жойда, меъёр билан меъёрдан чиқиш юз берган жойда, бутун халқ ва давлатнинг иродасини акс эттирган қонун билан қонунсизлик тўқнашган жойда кулгига сабаб бўладиган бир руҳий ҳолат юзага келадики, бу руҳий ҳолатнинг катта-кичиклигига, салмоғига қараб, гоҳ майин, латиф бир кулги, гоҳ эркаловчи жилмайиш, гоҳ заҳархандали қаҳқаҳа содир бўлиши мумкин.”<sup>78</sup>

Ахлоқий мавзудаги комедияларда ҳақиқий инсонга хос фазилатлар: ҳалоллик, камтарлик ҳамда олийжанобликни шарафлаш ва инсонга ишончсизлик, ёлғончилик, ичқоралик, молпарастлик, ўз хузур-ҳаловати устидагина қайғуриш каби иллатларни қоралаш асарнинг воқеавий асосини ташкил этади. Ахлоқ ҳамда ахлоқий масалалар ҳар доим жамият маънавий ҳаётининг асосий негизини ташкил қилади. Шу жиҳатдан ҳам ҳамма даврларда ахлоқ ва ахлоқий муаммолар қалам аҳлининг диққат марказида туриши табиий ҳолдир. Айниқса, бу жиҳатдан адабиётнинг, хусусан,

---

<sup>78</sup>Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. –Б. 351.



сатирава ҳажвиётнинг алоҳида ўрни борлиги ижодкорлар ва адабиётшунослар томонидан яқдиллик билан эътироф этилган.

Маълумки, сатира ва юморнинг ўзига хос қонун-қоидлари бор. Бадиий ижоднинг асрлар давомида шаклланган бу муҳим талаб – мезонларини 20-30 йиллардаёқ атоқли адибларимиз Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорлар ўзларининг “Муштум” журналида нашр этилган қатор мақолалари ва тақризларида ҳаётий ҳамда адабий мисоллар таҳлили билан кўрсатиб ўтишган. Масалан, Абдулла Қодирий сатира – ҳажвнинг жамиятдаги муҳим ролини таъкидлаб, “Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва уни ҳис этган, аммо уни ифода қила олмаган масалаларга таржимондир... у эскича турмуш, ўғрилиқ, жаҳолат, залолат ва ғайрилар билан курашни давом эттирадир”<sup>79</sup>, – деб сатирик асарларнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятига жиддий эътибор бергани бежиз эмас. Бундай асарларда тасвирланган воқеаларни айнан ҳаётдагидек тушуниш ва уларга баҳо бериш ёхуд бу асарларни таҳлил қилишда ўша талаб асосида хулоса чиқариш ҳам ўзини оқламайди. Ҳажв ҳамда сатирада воқелик кўзгудагидек эмас, балки микроскопда кўрингандек “ошириб” тасвирланади.

Инсон ахлоқининг шаклланиши у олган таълим-тарбия ва унга таъсир этувчи муҳит ва жамият қонун-қоидалари билан боғлиқ. Қадимдан халқимизнинг урф-одатлари, ўзига хос анъаналари ўзбекона ибодат-ҳаё, андиша, ҳалоллик ҳамда меҳмондўстлик каби ахлоқий фазилатлари жамиятимизнинг ахлоқий қиёфасини ҳам муқим сақлаб туришда катта аҳамият касб этади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” асарида инсоний ахлоқ муаммолари турмуш воқеа-ҳодисалари мисолида ҳаққоний тасвир этилади, бадиий ижодиётнинг турфа услубларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳаётдаги ахлоқий нуқсонларни бутун мураккаблиги ва уларнинг илғор ҳаётий меъёр – тушунчалар ва маънавий – эстетик идеалларга ёт эканлиги яққол акс эттирилади.

---

<sup>79</sup> Муштум журнали.- Т.: 1926, №24.

“Дастлаб асар, “Иблис” деб аталган. Бу сарлавҳада ёзувчи пьеса қаҳрамонининг салбий моҳиятини рўйи-рост ифодалаб бермоқчи бўлган. Лекин иш жараёнида бу сарлавҳа унга яланғочроқ кўринган бўлса керак, Абдулла Қаҳҳор асарга янги ном излай бошлаган. Ва охири “Тобутдан товуш” деган номда тўхтаган.”<sup>80</sup>

Абдулла Қаҳҳор мазкур комедиясида порахўрликни, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишни умумжамият ҳаётига раҳна солувчи жиддий иллат, ўта юқумли касаллик тарзида талқин этиш билан биргаликда, бу чиркин иллатлар туфайли юзага келадиган яна бошқа бир ифлослик – маиший бузуқлик, ахлоқсизликни ҳам Нетайхон ва Қори персонажлари сиймоси орқали яққол очиб берган. Ахлоқсизлик ҳар қандай жамиятнинг маънавий мувозанатини издан чиқарувчи энг тубан иллат эканлигини муаллиф ёрқин образларнинг бадиий талқинлари орқали гавдалантириб бера олган.

Бадиий ижод жараёни инсонларнинг ўзини ўзига фақатгина ижобий қаҳрамонлар сиймоси орқалигина эмас, шунингдек, салбий персонажлар характери билан ҳам акс эттириши лозим. Шундай ҳолатларда ҳам ҳақиқий шоир – ёзувчи, драматургнинг бадиий ижод жараёнининг бетакрор имкониятларидан самарали фойдалана олганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўзининг кўплаб асарларида қатор ижобий образлар характерини яратган Абдулла Қаҳҳор “Тобутдан товуш” комедиясида асосий эътиборини салбий қаҳрамонлар қиёфасига, уларнинг турли хил кирдикорларини аёвсиз очиб ташлаш, фош этишга қаратади. Муаллиф ўзига хос ижодий услуби орқали бадиий ижод орқали инсоннинг ўзини ўзига кўрсатиш тамойилига амал қилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Драматургнинг бу ўзига хос ижодий услуби комедия дунё юзини кўрган йилларда айрим адабиётшунос ва танқидчиларнинг эътирозига ҳам сабаб бўлган эди. Аммо комедиянинг ғоявий, бадиий томондан жуда пухталиги, олиб чиқилган муаммонинг давр ва жамият учун ўта муҳим ҳамда долзарблиги асарнинг умрбоқийлигини таъминлади, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам йиллар

---

<sup>80</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ёш гвардия. 1988. –Б. 224.

ўтса-да ушбу комедия китобхон ва томошабинларнинг энг севимли асарларидан бири сифатида ҳамон республикамиз театрлари сахнасидан тушмай келмоқда.

“Тобутдан товуш” комедиясида муаллифнинг ижодий услуги олдинги яратилган сахна асарларидан бирмунча ўзгача тарзда намоён бўлади. Ушбу асарда Абдулла Қаҳҳор “Шоҳи сўзана”дагидек комедияни яхлит қилиб турувчи, унинг бир бутунлигини таъмин этадиган бадиий ғояни юзага келтирмайди. Ёхуд “Оғриқ тишлар”даги каби ҳаётий воқеликни шунчаки қайд қилиб ўтмайди. Муаллиф “Тобутдан товуш”да ёрқин ва ишонарли ҳаётий бадиий сюжет яратади ҳамда шу сюжет ривожига ўзи яратган салбий қаҳрамонларининг жирканч башараларини аёвсиз очиб ташлайди.

Комедия ижод қилинган даврда жамият ҳаётида ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, бировларнинг пешона териси билан топилган мол-дунё ҳисобига яшайдиган, ҳаром-харишдан кўркмайдиган, кўпгина ҳолларда порахўрлик, коррупция орқали дунё топишга уринадиган Нусрат Сухсуров типига инсонлар авлоди шакллана бошлаган эди. Жамиятни таназзулга бошлайдиган бундай иллатлар “халқнинг дилидаги ва тилининг учидидаги” гапни, яъни аччиқ ҳақиқатни топиб айтишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган Абдулла Қаҳҳордек реалист санъаткорни лоқайд қолдириши мумкин эмас эди. Драматург ўз асарининг воқеавий асосига ахлоқий муаммоларни кўяр экан, кесатиш, заҳарханда, бўрттириш каби воситалардан маҳорат билан фойдаланиб, уларни Сухсуров, Нетайхон, Қори образлари мисолида сатирик асарларга хос заҳарханда кулги орқали фош этишга муваффақ бўлади.

Назаримизда, воқеавий асосига кўра “Тобутдан товуш” комедиясида ахлоқ муаммоси етакчи ўринда туради, бироқ, айтилиши вақтда, унда чуқур ижтимоий дард ва муаммолар ҳам ўз ифодасини топган. Бу масалалар ахлоқ ракурси орқали илгари сурилади. Академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек: “Комедия яхлит олиб қаралганда, даврнинг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини бадиий тил орқали ёритишга, жамият,

тузум маънавий-ахлоқий жиҳатдан таназзулга учраётганини кўрсатишга, бундан огоҳ этишга бағишланган.”<sup>81</sup>

Ҳақиқатан ҳам, мазкур асар сатирик тиғининг ўткирлиги, умумий ахлоқ мезонларига зид кишилар қиёфасининг узил-кесил фош этилиши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Бу комедиянинг воқеавий асоси ва фош этувчанлик пафоси, ҳалоллик ва ахлоқий гўзаллик учун курашга чорлашнинг ҳам ўзига хос бир намунаси бўлиб ҳисобланади.

Асарнинг бош образи порахўр Сухсуров орқали муаллиф жамиятимиздаги порахўрларга хос номарғуб хусусиятларни умумлаштириб, уни ниҳоятда ўзига хос, типик образ даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлган. У пора ундириш бобида ниҳоятда пихини ёрганлардан. Буни бевосита асардан олинган ушбу парча мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

“Юсуф – Йўк, мен.... менинг гапимга тушунмадингиз. Мен нима демоқчиман, шу Шожалилнинг иши босди-босди бўлгунча мени чеккароқ ишга ўтказиб қўйсангиз...

Сухсуров – Ҳай кўрқиб кетдингизми? Мен юрагида ёли бор одамлар билан ишлаб ўрганганман. Сендақа кўрқоқ одам менга керакмас. Ҳозирдан бошлаб сени ишдан бўшатдим!

Юсуф – (Чўнтагидан пул чиқариб). Ювош-ювош.... (Елкасини силайди). Тавба қилдим...

Сухсуров – (пулдан кўзини олмай). Бу нима қилганинг! (Бақариб). Қонун чиқиб турган пайтда бу нима қилганинг!.... Йўқол!

Юсуф – Кам бўлса яна қўшиб бераман.

Сухсуров – (бақариб). Қачон?.... Йўқол!....”<sup>82</sup>

Гувоҳи бўлганимиздек, Сухсуров каби нусхаларга пора олиш учун баҳона топиш қийин эмас. Зеро, ҳозирги ривожланган жамиятимизда ҳам бу каби салбий ҳодисаларни кўплаб учратиш мумкин. Албатта, ҳеч шубҳа йўқки, порахўрлик жамият маънавий муҳитининг бузилишига, ахлоқий

<sup>81</sup> Назаров Б. Абдулла Қаҳҳор бадий ҳақиқати. //Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. № 4. – Б. 7.

<sup>82</sup> Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – Б. 11-12.

тубанликнинг бошланишига олиб боровчи иллатлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, бундайин нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, жамият ахлоқининг софлигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг биринчи галдаги бурчи бўлмоғи лозим. Бу – комедиядан чиқариладиган муҳим ғоявий бир хулоса.

“Тобутдан товуш” комедиясида Сухсуровдан бошқа образлар ҳам ишонарли ва жонли тарзда гавдалантириб берилган. Мисол учун муаллиф Сухсуровнинг хотини Нетайхоннинг нопок ички дунёсини ва мунофиқона характерини очиб беришда унинг бойликка ўчлигини, ахлоқий томондан бузуқлигини кўрсатишда жуда ҳам ўринли ҳамда ишонарли бадий деталлардан сўз ва иборалардан фойдаланган. Муаллиф қаҳрамоннинг салбий хусусиятларини ҳаққоний ёритишда ўзига хос услуб қўллайдигани, натижада ўқувчи – томошабиннинг ўша образга нисбатан нафрати янада кучайиб бораверади.

Комедиянинг биринчи сахнасидаёқ Нетайхоннинг нопок йўллар билан топилган мол-дунёси ҳамда данғиллама ҳовлисидан хавотирга тушганлигига ва бу ташвишдан эри Сухсуровга арзу-дод қилаётганлигига гувоҳ бўламиз:

“Нетайхон. Курортга кетишимда сизга айтмадим-у, бу сафар курорт курорт бўлгани йўқ. Кейинги вақтларга кўчамизга бегона одам кўп кирадиган бўлиб қолди; кўшнимизнинг уйига ўт тушганда пожарний ўзи ўтга сув сепаяптию, икки кўзи бизнинг участкада. Кўчамизга дўхтир кирса ҳам шу, старивешчи кирса ҳам шу!.... Керосинчи ҳам карнайини бизнинг участкамизга тўғирлаб “керосин” дейди.<sup>83</sup>

Яна асар воқеаларига қайтадиган бўлсак, шу зайлда бошқа образлар билан биргаликда Сухсуровнинг ҳам турли кирдикорлари, характер хусусиятлари янада кенгроқ очила боради. У конкрет шароити одамларнинг аҳволига, кишиларнинг мартабаси ва мавқеига қараб муносабатда бўлувчи ўта эҳтиёткор бир кимса. Вақти келганда, ўзининг тор доирасида у ўта кетган кўпол, айна пайтда, оғир вазиятда қолганда қутулиш учун ўзини беозор ва хокисор қилиб кўрсатишга устамон ҳамда кўз ёши тўкишга ҳам тайёр

---

<sup>83</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –Б. 8-9.

турувчи айёр – фирибгар бир нусха. Унинг бундай характер хусусияти хавф остида қолган участкасининг бирини қайнағаси Обиджон номига ўтказиш орқали асраб қолиш учун мунофиқона ҳаракатларида янада яққолроқ намоён бўлади:

“Сухсуров – ўтиринг.... бир маслаҳатли гап бор эди, кеча мавриди бўлмади. Шу участкамиз тишга тегиб турибди. Билган одам ундоқ дейди, билмаган одам бундоқ дейди. Янги қонун чиқиб бунақа нарсалар нозиклашиб қолди. Шожалилга ҳам кўпда ишониб бўлмайди. Шунга бир чора топсак....

Қори – (дарҳол). Сотмоқ керак!

Сухсуров – Ўхў, зап одамга маслаҳат солган эканман-да! Кимга сотамиз? Ким олади? Оладиган серпул одамнинг сизчалик ақли бордир! (калака қилиб) Иллолодан бошқасига йўқ эканлар-ку!

Узоқ пауза.

Нетайхон – Нима қилиш керак-а?

Сухсуров – (бирдан). Топдим!

Нетайхон – Нима экан?

Сухсуров – Сен уканг билан ярашасан!

Нетайхон – Қанақа укам? Обид биланми? Ҳу дийдори курсин! Шунча йилдан бери ярашмай, энди ярашаманми!

Сухсуров – “Томоққа қилтириқ тикилса мушукнинг тирноғи дори”- деган гап бор.

Нетайхон – Нима қилмоқчисиз?

Сухсуров – Обиджонга битта чиройли хат ёзасан, ўтганларга салавот, деган жойини келтирганингдан кейин “жон бор жойда қазо бор, жигарчилик.... сени кўролмай ўлсам кўзим очиқ кетади” – дейсан. Обиджоннинг кўнгилчан одам чопиб келади. Маҳкам ушлаймиз. Ҳожарни ювиб-тараб қўйнига соламизу участкани икковининг номига ўтказамиз-қўямиз. Тамом-эшик тамба.”<sup>84</sup>

---

<sup>84</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –Б. 12-13.

Сухсуровнинг характери янада кенгрок ёритишда, ярамас ниятларини амалга оширишда Нетайхон ҳамда Қори образлари алоҳида аҳамиятга эга. Сухсуровнинг характериға хос яна бир жиҳат бу ундаги фаҳм-фаросат, ақл ва идрокнинг пастлигидир. У ўзидаги худди шу заифликни яшириш учун, қўшни масжид имоми, ахлоқан бузуқ шахс Қорини ўзига ҳамтовоқ қилиб олади ва ундан ақли етмаган пайтларда маслаҳатчи сифатида фойдаланади.

Сухсуровнинг бу каби камчиликлари дин пешвоси ниқобидаги муттаҳам Қорига жуда қўл келади. У Сухсуровнинг хотини Нетайхонни ўйнаш қилиб олиш билан кифояланиб қолмай, уларнинг асранди кизи Хожарга уйланиб участкали бўлиб олиш пайига тушади ва мақсади йўлида иғво тарқатиб Сухсуровни Обиджонга, Обиджонни эса Сухсуровга ёмонлайди ҳамда ўртада низо чиқаришга ҳаракат қилади. Бу воқеаларга сиртдан қаралганда, шунчаки кундалик ҳаётимизда учровчи оддий ҳолатдек кўринса-да, лекин аслида масалага теранроқ ёндашилса, бу каби ҳодисалар жамият ҳаётидаги хавфли иллат ва ахлоқий бир фожиа эканлигига амин бўламиз.

Асарнинг умумий сюжет чизиғида Нетайхон образи ҳам ўзига хос ўринга эга. Нетайхоннинг характери, ўзига хос хусусиятлари Сухсуров характериға мос йўналишдан келиб чиқади. Эрининг унга ишониши, фаросатсизлиги ва беҳисоб мол-дунё Нетайхоннинг феъл-атвориға ўзгача таъсир этади. Оқибат ўз нафсининг қулиға айланиб, ор-номус ва ахлоқни унутиб, муттаҳам ва ялтоқи Қори билан хуфёна айшу ишрат қилиб юради:

“Нетайхон (қаттиқ шивирлаб). Қори ака! Қори ака дейман!...

Қори (уйқусираб). Иллолло!...

Нетайхон. Туринг.

Қори (кучоқламоқчи бўлади). Худоё еткурған неъматингга шукур!...

Нетайхон. Эндими!... Келасиз деб кечаси билан кўз юмганим йўқ! Бир ойдан бери шуми соғинганингиз!

Қори. Қазосини ўқиймиз! (Кучоқлайди, ичкариға тортади.)

Азон товуши эшитилади.

Нетайхон – (тарвузи қўлтиғидан тушиб). Вой ўлсин! (Эрига ишора қилиб.) Уйғониб қолади! Шарманда бўламиз! Азонда сувсаб уйғонадиган одати бор!... Қўйворинг!...”<sup>85</sup>

Нетайхон номуссизлигини ҳамда эрига хиёнатини яшириш мақсадида Сухсуровдан асранди кизи Хожарни ўзича рашк қилган бўлади ва жанжал чиқаришга ҳаракат қилади. Драматург умумжамият ахлоқий ҳаётига салбий таъсир этувчи номуссиз, ахлоқан бузуқ нусхаларни умумлаштириб, Нетайхон ва Қори образлари мисолида бадий гавдалантиради. Комедияда кўрсатилганидек, Сухсуров, Қори, Нетайхон кабилар ўзларининг порахўрлиги, муттаҳамлиги ҳамда ахлоқан бузуқлиги билан халқимизнинг нафратига, миллионлаб томошабинларнинг қаҳрли кулгисига лойиқ нусхалардир.

Абдулла Қаҳҳорнинг митти ҳикояларидаги каби кичкина бир саҳнага катта ижтимоий маъно сиғдира олиши ва диалоглар орқали ҳам кенг ҳамда чуқур ҳаётий мазмунни ифодалай олиш маҳорати адибнинг драматик асарлари мисолида ҳам яққол кўриниб туради.

Бу ўринда Абдулла Қаҳҳор истеъдодининг туғма, ёрқин бир қирраси, яъни сатирик йўналиши ва ноёб иқтидори ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Ҳажвчи учун инсон характерини гавдалантириб, ҳаёт зиддиятларини бадий тадқиқ этишнинг ўзи етарли бўлмайди. Ҳажвчи ҳаётий ҳодисалар замиридаги кулгини топа билиши, айти чоғда, кулги замиридаги инсонларга ибрат бўладиган салмоқли тағмаънони (коса тагидаги нимкоса маъни) чиқара билиши керак. Ҳажвчининг асарини ўқиган китобхон муайян иллатлар ҳақида таассурот олиш билан бирга, айнивақтда, уларга қарши оташин нафрат туйғусини ҳис қилиши, улар устидан қаҳ-қаҳ уриб кулиши лозим. Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” комедияси ҳам чинакам халқ ёзувчисининг сатирик қалам кучи билан ва

---

<sup>85</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –Б. 7-8.



эртанги ҳаётимизнинг соғлом ва адолатли бўлишини орзу қилиб, эзгу ният билан яратилган.

Ижодий тақдири қийин кечган бу сатирик комедиянинг ёзилиш сабабига жамоатчиликка таъсири ҳақида ёзувчи, жумладан, шундай гувоҳлик берган: “Назаримда, бу йил менинг учун энг муҳим ҳодиса шу бўлди: жамиятимизни қуртдай кемираётган порахўрликнинг чипқон азобидан вужудим қақшаб келаётган эди. “Тобутдан товуш” кўзғатган қаққаҳани, “думи босилган” кимсаларнинг ғингшиётганини эшитиб, кўзим бир оз очилгандай бўлди.” Бу сўзлар замирида ҳам чуқур ҳаётий маъно бор. Адиб таъкидлаганидек, ҳаётимиздаги айрим иллатлар ҳақида минг мулоҳаза билан айтилган баъзи бир камчиликлар ҳам “типик эмас”, “сиёсий хато”, “душман тегирмонига сув қуйиш”, “туҳмат” ва ҳоказо ҳисобланар эди. Бу ҳол ўтмиш сарқитларининг яшашига, ҳатто урчишига қулай шароит туғдириб берган эди. Ҳозирги даврда ҳаётимизга қора доғ соладиган ўтмиш сарқитлари-худбинлик, ҳаромхўрлик, мансабпарастлик, порахўрлик ва бошқа иллатларга қарши курашни давримиз ва халқимиз талаб қиляпти. Мана шундай долзарб муаммони ва аччиқ ҳаётий ҳақиқатни халқҳамда жамият манфаатлари нуқтаи назаридан ҳаққоний акс эттирган етук бадий асар қадрланиши ўрнига, аксинча, социалистик жамиятга бир туҳматдек қабул қилинади.

Кибриё Қаҳҳорова ва ўша йиллар “Ўзбекистон маданияти” газетасида масъул ходим бўлган Оқназар Қурбонов каби замондошларнинг гувоҳлик беришларича, Абдулла Қаҳҳор “Мабодо, асарларимнинг кўргазмаси ташкил этиладиган бўлса, энг тўрига шу комедияни қўйган бўлар эдим”, – деган экан. Адибнинг ушбу фикридан ҳам бу сатирик асарнинг нечоғлик катта меҳнат ва маҳорат билан ёзилгани ва унинг ижтимоий-эстетик аҳамияти ҳам муҳимлигини тасаввур этиш мумкин. Бу ҳаётий ҳақиқатни ушбу комедияни биринчилардан бўлиб ўқиган ва унинг яратилиш жараёни ҳақида ҳам ибратли мулоҳазалар билдирган атоқли адабиётшунос О.Шарафиддинов хотиралари ҳам тасдиқлайди: “1962 йили пьесани тугатгач, Абдулла ака бетоб бўлиб қолди. Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров – учовимиз у кишини

кўргани бордик. Гаплашиб ўтириб, бетобликнинг сабабини чарчашга йўйдик. Шунда Абдулла ака: “Чарчайдиган нима иш қилибман. Ёзган бўлсам, мингбет нарса ёздим-да,” – деди. Буни эшитиб ҳайрон қолдим. Ахир ўртача пьеса 50-60 бет атрофида бўлади. Демак, “Сўнгги нусхалар”ни яратиш учун Абдулла Қаҳҳор шунақа пьесадан ўн бештасини ёзиб чиқибди-да. Ростини айтсам, ўша пайтда бу менга лофдай кўринди. Анча вақтдан кейин Абдулла ака пьесасининг хомаки вариантларини менга берди. Уларни варақлаб чиқсангиз, ҳар қайси сахна қайта-қайта кўчириб ёзилганини, ҳар бир кўринишнинг ўнлаб вариантлари борлигини кўрасиз. Шунда мен “ёзувчининг меҳнати” дегани қанчалик сермашаққат эканини чуқур ҳис қилган ва Абдулла Қаҳҳор асарларининг ғоят пухта, ғоят рангдор ва ҳаётий чиқишига сабаб бўлган омиллардан бирини билиб олган эдим”.<sup>86</sup>

Афсуски, ҳукмрон мафкура санъат асарини, хусусан, сатирик комедиянинг ўзига хос қатъий қоидалари ва талаб-мезонларини унутиб, асардаги ҳар бир сахна кўринишидан ғоявий-сиёсий хато топишга зўр беради. Комедияда маҳорат билан тасвирланган ҳаётий лавҳа ҳамда сўз – иборалар бутунлай нотўғри талқин қилинади. Машъум шўро тузумининг ғаддор сиёсати туфайли асар ҳақида бирёқлама ҳукм ва хулоса чиқарилганини Абдулла Қаҳҳор ўкинч билан комедиядаги бир-икки таъсирчан сахна кўринишлари орқали шундай изоҳлаган эди: “Сахнада порахўр пора бераётган одамни алдаш учун: “Мен порадан ҳазар қиламан, поранинг юзи курсин”, – дейди. Мунофиқона мафкуранинг “хушёр” вакиллари бу сўзларни ҳам сиёсатга қарши, деб билади: “Сўз пул тўғрисида кетаяпти, пулда бизнинг гербимиз бор-ку, “юзи курсин” деган гапни совет томошабинлари қандоқ тушунади!”

Ёки сахнада мачитнинг имоми, бадкирдор кимса Қори маст бўлиб учиб ётипти, унинг ўйнаши киради. Шу пайт мачитдан азон товуши эшитилади-ю, фиск-фужур кейинга қолади. Адабиётга мафкуравий қолиплардан ёндашувчи танқидчилар бу лавҳадан ҳам сиёсий хато излайди: “Динга қарши

---

<sup>86</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. Биринчи мўъжиза. – Тошкент: 1979. –Б. 288.

курашаётган ҳозирги совет давримизда сахнадан азон айтилиши қандок бўлади?”

Сўз пул ҳақида эмас, пора ҳақида кетаётгани, одамларни бутхонанинг жоми христиан, азон мусулмон қилмагани билан буларнинг иши йўқ!”<sup>87</sup>

Бу комедия сиёсий-мафкуравий танқид зарбасига учрагани адабий ва маънавий ҳаётимиздаги маломатли ҳодисалардан бири бўлганидан бугунги китобхон ҳамда томошабинлар беҳабар. Шу муносабат билан Ҳамза театрида масъул лавозимда хизмат қилган санъатшунослардан бирининг хотираларини келтириш мақсадга мувофиқ кўринади. “1963 йили кузларида Ҳамза театри сахнасида Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” пьесаси муваффақият билан намоиш қилинаётган эди. Мен театрда иш бошлаганимдан икки-уч ой ўтар-ўтмай “Совет Ўзбекистони” газетасида “Тобутдан товуш” спектакли ҳақида жиддий танқидий мақола эълон қилинди. Мақолани театр бадиий кенгаши муҳокама қилиб, баъзи фикрларига қўшилган ҳолда, аслида, мақола тенденциоз тарзда ёзилгани ҳамда бундай мақолалар на адабиёт ва на театр санъатига ёрдам бермаслигини қайд қилиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилишни лозим кўрди. Театр бадиий кенгашининг мурожаати натижа бермади. Натижада “Тобутдан товуш” спектаклини намоиш қилиш тўхтатилди.

1960-1970 йилларда республикамиз ҳаётида порахўрлик балоси нақадар илдиз отиб кетгани Ўзкомпартия Марказий Комитети 1984 йил июнь пленуми рўйирост танқид қилди. 60-йиллар бошида, баъзи бир нопок шахслар ҳаётида эндигина “чумак” ураётган иллат – порахўрлик ҳақида Абдулла Қаҳҳор бонг уриб, пьеса ёзганлиги ҳақиқий ёзувчига хос хислат эди. 1965 йили Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мурожаат қилиб, театрда “Тобутдан товуш” спектаклини қайтадан тиклаш масаласини кўтардим. Афсуски, бундай уринишларимиз бесамар кетди ва машҳур ёзувчимиз юксак маҳорат билан яратган ва ғоят катта ижтимоий-эстетик таъсир кучига эга

---

<sup>87</sup> Абдулла Қаҳҳор. Шижоат ҳақида. Ёшлар билан суҳбат. –Тошкент: Академнашр, 2017. –Б. 80.

бўлган нодир сатирик комедия узок йиллар ўзининг ҳақиқий баҳосини олмади.”<sup>88</sup>

Бундай холис ва одилона эътирофларни кўплаб келтириш мумкин.<sup>89</sup>

Шу тариқа комедияда ижобий қаҳрамон йўқ ва ҳоказо деб, реал воқеликни санъаткорона акс эттирган “Тобутдан товуш” асари ҳам кораланди. Яъни, Абдулла Қаҳҳор ижоди ва архив материалларини пухта ўрганган адабиётшунос Марҳабо Қўчқорова таъкидлаганидек, “шўро даври қаҳҳоршунослари адиб ижодини кенг ўрганишлари баробарида уларда баъзан вульгар социологик қарашлар билан бир қаторда баъзан қўпол, сунъий равишда асарларга атеистик қараш, бадният ва санъат унсурларини ҳам зўрлаб компартия сиёсатига боғлаб бирёқлама таҳлил этиш ҳолатлари ҳам учрайди.”<sup>90</sup>

Абдулла Қаҳҳорнинг сатирик комедияси ўз мавзуси ва ғоявий мазмуни билан қанчалик долзарб аҳамиятга эга эканлигини ўтган 60 йиллар давомида нафақат юртимизда, балки собиқ Иттифоқда ҳамда ҳатто дунё миқёсида ҳам коррупция илдиз отиб, инсоният тараққиётига энг хавфли глобал тўсиқ бўлаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Адибнинг “Ёзувчи келажакнинг махсус муҳбири бўлиши керак” деган юксак ижодий принципига изчил амал қилганлигига ушбу комедияси мисолида яна бир қарра амин бўламиз.

Воқеавий асосига кўра Ҳамза Ҳакимзоданинг “Майсаранинг иши” комедияси ҳам ахлоқ мавзусидаги комедия ҳисобланади. Асарда ўша давр дин пешволарининг ўз мансабларидан фойдаланиб, ҳали балоғатга етмаган ҳамда бошқа бировларнинг жуфти ҳалоли бўлган қиз – жувонларга кўз олайтириши, ўзлари “адолат посбони”, “шариат пешволари” бўла туриб, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилишлари ва бошқа ифлос қилмиш – кирдикорлари моҳирона акс эттирилган ҳамда худди шундай феъл-атворга

<sup>88</sup> Абдуллаев А. Абдулла Қаҳҳор ва Ҳамза театри. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: 1987. –Б. 51-54.

<sup>89</sup> Камолиддинов С. “Сўнги нусхалар”.//Шарқ Юлдузи. №8. 1966; Алиев С. “Тобутдан. товуш” ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 1966; Имамов Б. Абдулла Қаҳҳор драматург. Абдулла Қаҳҳор и его художественный мир. – Тошкент: 1989. –С.125.

<sup>90</sup> Қўчқорова М. Абдулла Қаҳҳор истиқлол адабиётшунослиги кўзгусида. – Тошкент: Академнашр, 2018. –Б. 27.

эга кимсалар Мулла Рўзи, Ҳидоятхон ва Қози образларида умумлаштирилган. Мулла Рўзи, Қози ва Ҳидоятхон булар барчаси ҳамтовок бўлсалар-да, лекин ўз нафсларини қондириш йўлида, Майсаранинг алдовларига ишониб бир-бирларига ҳам хиёнат қилишади. Уларнинг бундай жирканч қилмишларини ушбу асардан олинган қуйидаги парча мисолида ҳам кўришимиз мумкин: “Мулла Рўзи – Ҳар нарсанинг бир ўғити бўлади. Ҳозир жуда ҳам мавриди келди. Қози домла – Йўқ, буни қўлга олиш керак. Чунки сандиқнинг калити шунда, гап ҳаммаси шунинг калит беришига маътал бўлгандан кейин нима бўлса ҳам рози қилиб, шу васиятномани олиб қолсанг, Ойхоннинг бир кечалик висоли ноёбларида комёб бўлурмиз.”<sup>91</sup>

Дарҳақиқат, бу кимсалар ўз нафсларини қондириш йўлида ҳар қандай ишдан тап тортишмайди. Ўзлари бошқаларга ўртак бўлиш ўрнига ён-атрофдагиларни ҳам жиноятга бошлашади. Бефаросат, ақлсизликлари туфайли Майсараларнинг алдов, ваъдаларига лаққа ишониб турли қулгили аҳволларга тушиб қолишади. Комедияда муаллифнинг асосий ижобий идеали Майсара образида мужассам. Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхон каби нафс қулига айланган, ахлоқан бузуқ кимсаларнинг кирдикорлари Майсара образи воситасида фош этилади. Драматургнинг катта ютуғи ва бадиий маҳорати ҳам ана шу тасвирларда намоён бўлади. Ҳамза шеърларида ҳам асосий ўрин тутган сохта ва риёкор диндорларнинг асл башаралари ҳамда бадбиниятлари ушбу комедияда ўзининг ҳаққоний бадиий ифодасини топганига гувоҳ бўламиз.

Воқеавий асосига кўра комедияларнинг учинчи тип – кўриниши бу – маиший комедиялар ҳисобланади. Ушбу типдаги комедияларнинг воқеавий асосини кундалик турмуш воқеалари, ҳар кунги одатдаги маиший ҳаёт ва ундаги турфа хил ижобий ҳамда салбий воқеа-ҳодисаларни комик тарзда акс эттириш ташкил этади. Кундалик, бир маромдаги турмуш шароитимиз гарчи бизга ҳеч қандай фавқулодда аҳамиятлидек кўринмаса-да, лекин у ижодкорнинг теран нигоҳини жалб қилади. Ва ижодкор ўз асарининг комик

---

<sup>91</sup> Ниёзий Ҳ.Ҳ. Тўла асарлар тўплами. Беш жилдлик. 4- жилд.– Тошкент: Фан, 1989. – Б. 31.

объекти сифатида шу кундалик маиший ҳаётимизни танлайди ҳамда унда биз эътибор бермаган воқеалардан ўзига хос аҳамиятли нарсаларни бадиий жиҳатдан инкишоф қилади. Машҳур мутафаккир Шопенгауэрнинг таъкидлашича, “Ҳаёт бутунлигича фожиа бўлса, унинг ҳар кунги деталлари кулгили, комизмдан иборатдир.” Дарҳақиқат, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлганидек, инсон ҳаёти ҳам худди шундай мазмун ва моҳиятга эга. Аммо ўша икки нуқта оралиғидаги вақт инсон умрининг асосий мазмунини ташкил қилади. Инсон умрининг қай даражада мазмундорлиги унинг кундалик маиший ҳаётига чамбарчас боғлиқ эканлиги аён бўлади.

Зеро, ҳар бир халқнинг кундалик турмуш тарзида миллий ўзига хослиги, урф-одат ва анъаналари яққол акс этиб туриши табиий ҳолдир. Ўзбек ва бошқа халқларнинг кундалик маиший ҳаётини бир-бирига таққослаганда, уларда айрим муштарак жиҳатлар билан биргаликда кўплаб урф-одат ва анъаналарда тафовут ҳамда ўзига хосликларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, ўзбек адабиётидаги маиший комедиялар бошқа халқлар адабиётидаги шу типдаги комедияларга нисбатан ғоявий ҳамда мазмун жиҳатдан бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ҳам муайян даражада ажралиб туриши аён ҳақиқат.

Бу типнинг ўзбек адабиётимиздаги ёрқин бир намунаси сифатида Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” комедиясини келтириш мумкин. Маълумки, “Келинлар кўзғолони” комедиясида ўзбек оилаларига хос бўлган турмуш тарзи, болажонлик, андиша, миллий ғурур каби фазилатлар билан бирга кундалик ҳаётда учраб турадиган айрим салбий ва ижобий воқеа-ҳодисалар ҳамда инсоний хислатлар Саид Аҳмад ҳажвиётига хос самимий ва маънодор кулги воситасида типик образларда акс эттирилган.

Асарнинг бош қаҳрамони Фармонбиби комедияда муаллифнинг асосий бадиий ниятини юзага чиқарувчи ҳамда воқеалар ривожига етакчи бир куч бўлиб ҳисобланади. Комедиянавис ушбу образ орқали соф ўзбекона миллий турмуш тарзи ва ўзбек оналарига хос бўлган типик хусусиятларни кўрсатиб

бера олган. Ҳаётимизда айнан Фармонбибига ўхшаган қайнона бўлмас, лекин унга хос бўлган сифатларни умумлаштириб, аниқ шахс тимсолида талқин қилингани асарнинг реал воқелик билан ҳамнафаслигини ҳам таъминлаган.

Дарҳақиқат, Фармонбиби ўзбек адабиётида яратилган типик қайнона образларининг энг ёрқин намуналаридан бири, десак хато бўлмайди, чунки унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, сўзлашида оила аҳлигини таъминлаш, фарзандларини ҳалолликка, тўғрисўзликка даъват этиш, болажонлик, ориятни ҳамма нарсадан устун қўйиш каби соф ўзбекона қадрият ва анъаналар яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Фармонбибининг келинларига ҳамда ўғилларига бўлган муносабатини ифодалашда драматург унинг характер хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда йўл тутди.

Комедияда илгари сурилган асосий бадиий ният маиший ҳаётда, яъни оилавий муносабатларимизда сақланиб келаётган баъзи нуқсонларни қоралаш ҳамда миллий турмуш тарзимизнинг ўзига хос жиҳатларини маъқуллаш сингари ижобий ғояларда ўз аксини топади. Комедиянавис асарнинг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда, бу ғояларнинг ифодачиси сифатида ижобий образларни танлаган, уларнинг асар сюжетидаги фаол ҳаракатлари мисолида маиший ҳаётимизда учровчи ижобий ҳамда салбий воқеларга ўз муносабатини билдиради. Асардаги кулги асосан қайнона билан келинлар ўртасидаги комик конфликт воситасида ишонарли тарзда келтириб чиқарилади.

Муаллиф Фармонбибининг замонавий ёшларни тушунмаслигини енгил юмористик руҳда ифода этади ва бу орқали маълум маънода ўша замонавий ёшларни ҳам миллий қадрият ва анъаналарни ҳурмат қилишга даъват қилади. Адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов асар ҳақида сўз юритиб, баҳсли мулоҳазаларни ҳам баён этади: “Инқирозга қараб йўл олган эски одатлар, болалар ва келинларни барча соҳаларда онага тобе қилиб тарбиялаш, уларнинг эркин яшаш, ўзларича ҳаракат қилиш ҳолларига чек қўйиш

кабиларни муаллиф масхара қилади, улар устидан баралла кулади, сарқитларга қарши ўт очади...”<sup>92</sup>

Комедияни ўқиб чиққан китобхон шу нарсага амин бўладики, асар муаллифи ҳеч бир ўринда миллий урф-одатларимиз “устидан баралла” кулмайди, уларга қарши ўт очмайди, қолаверса, уларни “эски сарқитлар” сифатида талқин этмаган. Агарда асарга объект бўлиб хизмат қилган ўша урф-одат ва анъаналар сарқит ёки эски одат бўлганида, улар аллақачон инқирозга юз тутган бўлар эди. Ваҳоланки, бу каби қарашлар нотўғри эканлигини ҳозирги давр маиший ҳаётимиз ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Бизнингча, асар муаллифи ўзбекона миллий кадриятларимиз устидан кулмоқчи эмас, аксинча, давр воқелигини ва ундаги инсонлар феъл – характери қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиб уларни холис тасвирлаган ва ёшларимизни ҳам шундай руҳда камол топишига ҳамда миллий анъаналаримизнинг асл моҳиятини теранроқ англаб етишга чорламоқда.

Бу жиҳатдан таниқли мунаққид Умарали Норматов фикри ҳам эътиборга лойиқ. Олим “Келинлар кўзғолони” комедиясидаги халқона юморнинг хусусияти ва мақсади ҳақида фикр юритиб, “асардаги етакчи ҳол – асосий кулги ҳалол, покиза одамларни улуғловчи кулги; одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик туйғусини жунбушга келтирадиган гуманистик кулги,”<sup>93</sup> – деб таърифлаган эди. Бу фикрларга қўшилиш лозим.

Маиший типдаги комедияларга яна бир ўзига хос намуна сифатида Саид Аҳмаднинг “Куёв” комедиясини олиш мумкин. Бу асарида ҳам кундалик турмуш шароитимизда учрайдиган, оилавий масалалардан бири юмористик планда талқин этилган. Асарнинг тугуни ҳаётини воқеа, яъни Ғанивойнинг ўн бир йилдан бери сўққабош, ёлғизлиги, энди уйланишга аҳд қилганлиги билан бошланади.

---

<sup>92</sup> Абдусаматов Ҳ. Диалог. // Ўзбекистон маданияти. 1977 й. 16-сентябрь.

<sup>93</sup> Норматов У. Кулги сеҳри. Саид Аҳмад. Сайланма. 3-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 87.



“**Ғани.** Жонинг ачимай кўяқолсин. Жони ачийдиган ўн бир йил бўлди, кора ернинг тагида ётипти. Тирикчилигим ит ётиш, мирза туриш бўлиб қолганига ўн бир йил бўлган. Обидагинам бўлганида, менга бу кунлар қаёқда эди.

**Раҳима.** Биздан нима ёмонлик кўрдингиз, ахир? Овқатингиз тайин, ўрнингиз солиғлик, кирингиз ювуқлик, яктагингиз бу ёқда турсин, пайтавангизги ҳам дазмол босамиз, ўнгигаям, тескарисиягаям босамиз. Дурустроқ кийиниб юринг, деймиз. Кимсан бутун мамлакатга таниқли лимончи селекционер бўлсангиз. Ҳафтада бир телевизорга чиқиб лимондан гапирсангиз, газета-ю журналларда тинмай светной суратингиз чиқиб турган бўлса. Ҳали Туркменистон, ҳали Тожикистон, ҳали Қирғизистондан телефон устига телефон қилиб, лимонни қанақа экади, кўчатидан биттагина олишни иложи борми, деб сўраб туришган бўлса. Сал мундоқ ўз обрўингизга яраша иш тутинг-да, жон дадажон.

**Ғани.** Кечкурун бўлди дегунча ҳамманг уй-уйингга кириб кетасан, магазин қоровулининг итидек битта ўзим қоламан.”<sup>94</sup>

Комедиянинг бош қаҳрамони Ғанивой бутун республикага, балки кўшни республикаларга ҳам маълум-у машҳур лимон бўйича селекционер олим саналади. Унинг ҳозирги кундаги ҳурмат ва обрўси, қолаверса, ёши етмишга яқинлашиб қолганлиги учун энди иккинчи марта уйланса, бутун маҳалла турсин, республикага ҳам гап-сўз бўлишлари мумкинлигидан фарзандлари хавотирга тушишади. Барча оила аъзолари йиғилишиб, ўзаро маслаҳат қилишади. Лекин уларнинг фикрлари ҳеч бир жойдан чиқмайди ва ниҳоят, келишиб олишади. Ғанивойнинг невараси Эркин бутун маҳалладаги, қолаверса, кўшни маҳаллалардаги бева кампирларни суратга олиб келади. Шундан сўнг улар мазкур бевалар ичидан энг муносибларини танлашга ҳаракат қилишади. Таъкидлаш лозимки, Саид Аҳмад ушбу комедиясида ҳаётда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлари, отанинг фарзандга, фарзандларнинг ота-онага бўлган меҳр – оқибатларини,

<sup>94</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). Саид Аҳмад. Куёв. (Уч парда, уч кўринишли комедия) –Б. 2.

шунингдек, баъзи сохтакорликларни ҳам ёркин акс эттиришга муваффақ бўлади.

**“Назми.** Вой дод! Вой дод! Онагинамдан айрилиб қолдим. Меҳрибонимдан айрилиб қолдим. Сандиқ тўла сариқ гул, тақсам адо бўлмайди, онагинамнинг дардини айтсам адо бўлмайди. Шу ҳовлиларда селкиллаб юрсангиз бўлмасмиди? Савлатим онам, давлатим онам. Бизни одам қилгунча сочи супурги, қўли косов бўлган онам. Вой дод! Вой дод! Кимларга айтай юрак дардимни!

**Қудрат.** Бўлди-ей, онангни ўлганига ўн бир йил бўлди-ю, эндийиғлайсанми? Ўлганда қаёқда эдинг, курортда эдинг. Телеграмма берсам ҳам келмагансан. Йигирмасига зўрға етиб келгансан.

**Назми.** Вой, менга нега зуғум қиласиз, акажон? Ахир сердсам ўлгурни мазаси йўқ эди. Путёвкамдан ҳали ўн етти кун бор эди.”<sup>95</sup>

Бу тасвир орқали бемехр фарзанднинг онасига бўлган муносабати яққол очиб берилган. Онаси вафотида таъзиясига келмаган бемехр қизнинг энди ўн бир йил ўтгандан сўнг аюҳаннос солиши туғишган акасига ҳам ёқмайди, натижада, шунча йиллар ўтса-да, ака синглисининг юзига ўтган воқеаларни айтади. Бироқ андишасиз сингил Назми ўзини оқлашга баҳона қидиради. Асарда кундалик маиший ҳаётимизда учраб турувчи воқеалар ўзига хос образлар муносабати орқали очиб берилган.

Истиқлол йилларида комедия жанрида бир қанча асарлар яратилдики, улар ҳам, ўз навбатида, мазкур жанрнинг бетакрор табиатини, жанрий хусусият ва имкониятларини ўзида намоён эта олди, дейишимиз мумкин. Чунончи, Мустақиллик даври ўзбек драматургияси ва комедиянавислигида Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳамда Эркин Хушвақтов ижоди муносиб ўринга эга. Масалан, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Аппа”, “Зўлдир”, Эркин Хушвақтовнинг “Чимилдик”, “Қаллиқ ўйин” ҳамда “Қирмизи олма” пьесалари танқидчи – адабиётшунослар ҳамда театршунослар томонидан

<sup>95</sup>[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). Саид Аҳмад Куёв (Уч парда, уч кўринишли комедия) 3-б. .

турлича баҳоланди ва бир-бирига зид қарашларга ҳам сабаб бўлди. Биз бу ўринда Эркин Хушвақтов комедияларига мавзу доирасида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Даматургия соҳасида йирик олим Ҳ.Абдусаматов Эркин Хушвақтовнинг “Қаллиқ ўйин” комедияси ҳақида ёзади: “Масхарабозлик, сунъий усулда кулдиришга уриниш Эркин Хушвақтовнинг “Қаллиқ ўйин”ида яққол намоён бўлади. Бу ерда кулдириш учун кулдириш асосий ўринни эгаллайди. Кулги асар мазмунини бойитишга, томошабинларга қувонч бахшида этишга хизмат қилиши керак. Минг афсуски, “Қаллиқ ўйин” бундай фазилатлардан маҳрум. Оқибатда айрим муаллифлар осон йўлдан бориб, бир хил қолипдаги, енгил-елпи асарларни кўпайтириб юбормоқдалар.”

“Қаллиқ ўйин” комедиясининг бош қаҳрамонлари – Холбика ва Чоннамалар, бўлғуси келин билан куёв. Асарда худди шу келин ва куёвнинг тақдири, турмуш муаммоларининг акс эттирилиши асосий ўрин эгаллаган. Аслида, иккала турмуш қурувчи – Холбика ва Чоннама бир-бирига муносиб, иккисининг ҳам ёши ўтинқираб қолган, оила қуришга муносиб инсонлар, тўй осонгина ўтиши мумкин эди, лекин миллий урф-одатларимиз тўйнинг бошидан охиригача ўз таъсирини ўтказади. Ушбу “Қаллиқ ўйин” комедиясида ҳам худди шу миллий урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда уларнинг келин ва куёв ҳаётига таъсири масаласини очиб бериш асосий мақсад қилиб белгиланган.

“Момо. Чойни тўйингда ичаман.... Қуш қуллуқ бўлсин!

Холбика. Қўйинг ўша “баймоқ” қушингизни.

.....

Холбика. Оқсоқ куёвингизни кўргани кўзим йўқ.

Момо. Унаштирилган йигитингни оқсоқлигини кўрдингми?

Холбика. Йўқ, одамлардан эшитдим.

Момо. Оғзи билан юрадиган одамларни гапига ишонма!

Холбика. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

Момо. Бемаза одамларни оғзидан чиққан шамол қимирлатавермайди.

Холбика. Энг яқин дугонамдан эшитдим.

Момо. Ким экан ўша отин дугонанг, оғзини калиш қилиб кияман!

Холбика. Айтмайман! Тегмайман, тегмайман! Тўйни бузаман.”<sup>96</sup>

Азал-азалдан қариндош-уруғ, қўни-қўшни, улар орасидаги миш-миш ва ғийбатлар инсонлар ҳаётига қанчалар ташвиш келтиргани маълум. Бугунги кун турмуш тарзимизда ҳам бу жиҳат ўз кучини йўқотгани йўқ. Ҳаёт давом этар экан, ҳақиқат билан миш-миш ва ғийбатлар ёнма-ён бораверади. Ҳақиқат ва ғийбатнинг фарқига бориш учун инсон озгина мулоҳаза қилиши лозим. Комедия мазмунини талқин қилишда яхши актёрларнинг танланиши, режиссёрнинг маҳорати бадиий жиҳатдан у қадар пухта бўлмаган сахна асарларига ҳам жон бағишлаши мумкин. “Қаллиқ ўйин” ҳам ўз даврида шундай асарлар қаторида эди. Афсуски, бугунги кунда комедия умброқийлигини йўқотди, чунки ўша актёр ва режиссёрлар жамоаси мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби комедиянинг бадиий жиҳатдан савияси юқори эмаслигида. Бунга қуйидаги бир қисқа парча мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин:

“Чоннама. Э, чиққанингизни сезмай қолибман! Оҳ қадди-қоматни қаранг, қўллари гурзидай, оёқлари чинордай келади-я. Ойдек юзлари Хоразмнинг зоғора нонидай келади-я, қўзлари ним пиёладек, қошлари бургутнинг қанотидай ўзим орзу қилган қиз. Насиб қилса, қаллиқ ўйиндан кейин Рустамдек паҳлавон ўғиллар туғиб беради. Отингиз нима? (Холбика индамайди) Тунов куни отангиз бозорга кучук етаклаб кетаётган экан. Отангиз кучукфурушми?

Холбика (жаҳли чиқиб). Отам кучукфурушмас!

Чоннама. Пешонамдан айланай, соқов эмас экансиз. Отингиз нима?

Холбика. Холбика!

Чоннама. Юзингизда холингиз йўғу, холингиз қаерда?

---

<sup>96</sup>Хушвақтов Э. Чимилдик. Қаллиқ ўйин. –Тошкент: Ғ.Ғулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 38-39.

Холбика (энсаси қотиб). Кўринмайдиган жойимда!”<sup>97</sup>

Ушбу диалог уларнинг биринчи учрашувидан олинган. Одатда, биринчи учрашган 30-35 ёшли инсонларга бундай муомалада бўлиш унчалик ярашмайди. Чоннама биринчи учрашган кунидек Холбикага “Оҳ қадди-коматни қаранг, қўллари гурзидай, оёқлари чинордай келади-я. Ойдек юзлари Хоразмнинг зоғора нонидай келади-я” – деган сўзларни айтиши ҳам, умуман, ҳаёт ҳақиқатига мос келмаса керак. Шунингдек, асардаги диалоглар ҳам бадиий жиҳатдан пишиқ ва образли характерга эга, деб бўлмайди. Комедия қахрамонлари баъмаъни одамлардек эмас, кўпроқ кўчанинг гапида сўзлашишади. Кулгини юзага келтиришда ҳам сунъийликка йўл қўйилган.

Истеъдодли комедиянавис Эркин Хушвақтовга ўз даврида анча шуҳрат келтирган асари “Чимилдиқ” комедияси саналади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, драматург яратган қахрамонлар қисмати, тақдири шунчаки, осонгина ҳал бўладиган кечмишлардан эмаслиги, мазкур асар енгил кулги объекти эмас, балки жиддий мулоҳазалар юритишга ҳам чорлайдиган эътиборга молик бир асар эканлигидан далолат бериб туради.

“Чимилдиқ” китобига сўзбошисида Тоир Исломов қуйидагиларни баён этган: “...комедия деб аталувчи спектаклларга муносабатда кўникма бўлиб қолган, стереотип қарашларга “Чимилдиқ”, “Қаллиқ ўйин”, “Қирмизи олма”, “Андишали келинчак” ва “Эски муҳаббат” спектакллари кўп жиҳатдан ғайриоддий туюлади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, нафақат реал воқеликка, балки умуман бадиий ижод жараёнларига нисбатан шўро замонига хос муносабатлардан қутула олмаган айрим танқидчилар бу асарларни ҳар жиҳатдан саёз, тутуриқсиз, бачкана деб топишади. Учинчидан, ўзбекларда “гадони душмани гадо” деган қадимги бир мақол кўпинча ўзини кўрсатиб кўяди. Драматургия соҳаси намояндалари орасида ёш ҳамкасбининг ижодий ютуқларини тан олгилари келмайди, деган гаплар ҳам йўқ эмас. Айниқса, Э.Хушвақтов пьесаларининг “кассабоп”лиги айрим ҳамкасбларининг ғашини

---

<sup>97</sup>Хушвақтов Э. Чимилдиқ.Қаллиқ ўйин. – Тошкент: Фафур Фулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 45.

келтиради. Беайб парвардигор. Бундай ҳолат ҳаётда учраб туради. Аммо театр танқидчилигида масалага чуқурроқ, кенгроқ ёндошадиган мутахассислар ҳам борлиги драматург ижодига холис ва одил баҳо чиқариш имконини беради.”

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Тўлаҳўжаева “Чимилдиқ” спектакли халқ анъаналарига, урф-одат маданиятига хайрихоҳ ва меҳрли муносабати билан диққатни жалб қилади. Спектакл жиддий ва ихчам. Режиссёрлар эътибори инсоний характерларни очишга қаратилган. Йигит ва қиз бир-бирини тушуниб етадилар, сўнг бир-бирларига меҳр кўядилар. Қиз йигит қиёфасида ҳаёт йўлида қийинчиликларни енголган муносиб эркакни севиб қолади. Йигит эса ўзининг кўрган-кечирганларини тушуна олган ва қадрига етолган инсон топилгани учун севади”, деб ёзади. Мана сизга Чимилдиқ.”<sup>98</sup> Бу фикрлар ҳам комедия моҳиятини ёритишга қаратилган.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари Қурбон момо, Куёв, Келин, Ўланчи, Амма, Қайнона, Овсин, Хола, Бува, Қайнота, Тоға, Амаки, Янга ва Қизлар ҳисобланади. Комедия бошида, яъни тўй тасвирида кўпчилик образлар иштирок этишган бўлишса, ундан кейин асар кўпроқ Момо ҳамда Келин билан Куёвнинг диалогларидан ташкил топган. Асар қуйидагича бошланади:

“Радиодан “Чимилдиқ” ашуласи эшитилади.

Чимилдиқда кўз очиб кўрган ёрим, ёр-ёр,

Тақдир чархи пешонамга ёзган ёрим, ёр-ёр.

Чимилдиқда бошимга қўнган қушим, ёр-ёр,

Тангрим менга буюрган ҳалол жуфтим, ёр-ёр.”<sup>99</sup>

Ҳақиқатан ҳам, “Чимилдиқ”да урф-одатларга амал қилиб ота ихтиёри билан турмушга узатилган қиз, ўз тақдирдан қочиб, чимилдиқдан кетиб қолишга ҳам тайёр турган келинчак изтироблари акс эттирилади. Тўйдан

<sup>98</sup> М.Тўлаҳўжаева Халқчил комедиялар устаси. Хушвақтов Э. Чимилдиқ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 4-5.

<sup>99</sup>Хушвақтов Э. Чимилдиқ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 3.

кейин биринчи марта чимилдикда бир-бирини кўриб турган келин ва куёвнинг ўзаро жонли мулоқотлари чуқур драматизм билан йўғрилган.

Комедияда келин билан куёвнинг гаплашиш услуби, хатти-ҳаракатлари юморга бой, комик тарзда акс эттирилганлиги ўқувчи-томошабинни бефарк қолдирмайди. Асарга киритилган куёвнинг ривояти ҳам комедиянинг бадиий жиҳатларини бойитиш учун хизмат қилган. Умуман олганда, “Чимилдик” комедияси ўз даври учун энг томошабоп асарлардан бири саналади. Унда мустақиллик даври комедияларига хос бўлган типик жиҳат, ўзига хос тасвир услуби ҳамда кўтарилган мавзу тўлиқ ўз аксини топган. Бу каби асарлар ҳам ўзбек адабиётида комедия жанри ўзига хос тарзда тадрижий ривож топиб, мазмунан ва воқеий асоси ҳамда образлар талқинига кўра ранг-баранг бўлиб бораётганлигидан гувоҳлик бериб туради.

Воқеавий асосига кўра тўртинчи тип – бу ижтимоий-сиёсий комедиялар ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий муҳит, давлат ва жамият ҳаётидаги айрим салбий иллатлар, амалдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари, ҳукумат бошлиқларининг давлат ва халқ тақдирига бефарқлиги кабилар ушбу типдаги комедияларнинг воқеавий асоси бўлиб хизмат қилади.

Агарда давлат ва жамият тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шу нарсанинг гувоҳи бўламизки, ҳар бир даврда ҳам оддий халқ ҳукмрон гуруҳ, давлат тепасидаги амалдорлар ва жамият тузумини ҳар доим ҳам қўллаб-қувватлайвермаган. Сабаби у ёки бу жамиятда ҳукмрон мафкура кўпинча оддий халқ фойдасига эмас, аксинча, давлат учун, унинг амалдорлари фойдасига хизмат қилиши анъанавий тарзда давом этиб келган. Бундайин ноҳақликларни оддий халқ вакиллари очиқчасига айта олишмаган, айтганлар эса муқаррар жазога тортилган. Зукко халқ ҳамда айрим ижодкорлар давлат ва ҳукмрон гуруҳларнинг ноҳақликлари ҳамда уларга хос камчилик ва иллатларни юқорида таъкидланганидек, очиқ – ошкора эмас, балки кулгили, ҳазил тарзда бадиий акс эттиришга мажбур бўлишган.

Дарҳақиқат, таниқли адабиётшунос олим Қурдош Қаҳрамонов таъкидлаганларидек, “Ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охири — саксонинчи йиллар шеъриятида ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик талқинлар бирдек, уйғунлашган тарзда намоён бўла бошлаган, халқнинг илғор зиёли қатлами онгу шуурида ўзликни англашга кучли иштиёқ бўй кўрсатган эди.”<sup>100</sup>

Истеъдодли ижодкор Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясида XX асрнинг 60-70-йилларидаги собиқ шўролар тузумининг номақбул ва машъум сиёсати натижасида аянчли ҳолга келиб қолган ўзбек халқи ҳаёти ва ўзбек аёлларининг ачинарли қисмати комик тарзда ёрқин аксини топган.

Тарихдан аёнки, мустабидликка асосланган ҳар қандай салтанатда назорат ва назоратчилик ишларига ҳаддан зиёд кўп куч сарфланган. Шахсияти эркинликка, хурликка мойил ҳар бир одамнинг қадами кузатилган, фикр ва сўзлари ҳар доим тафтиш қилинган. Ҳукмрон мафкура хоҳлаган нарсасини кўриб, истаганини эшитиб, ҳамма жойда ҳозир у нозирлигини билдириб турган. Зеро, қуллик ва қарамлик муҳитида амалдорларнинг руҳсати ва аралашувисиз бир қадам ҳам юриб бўлмаган. Ниҳоят, шундай бир кўрқув, таҳлика жараёни ва муҳити барпо қилинганки, ҳатто кўчадаги гадо ҳам тиланчилик қилиб юргани учун, албатта, давлат амалдорларини дуо қилган. Драматург шу каби ноҳақликларнинг сабабларини асар давомида ахтаради. Ҳеч шубҳасиз, комедиядаги Кўчқор образи — ўзбек адабиётида ўзига хос бир бадиий кашфиётдир. Кўчқор совет даври адабиётида завқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародия тариқасида яратилган. У — “қизил” империя, тоталитар тузум тарбиялаб етиштирган “янги давр фарзанди”, мустабид ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони.

Шароф Бошбеков ушбу асарида ҳажвий ибораларни халқ тилидан олиб, ўз персонажлари тилидан моҳирона қўллаш олган. Комедияда муаллиф

---

<sup>100</sup> Қаҳрамонов Қ. Шоир қалби туғёнлари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020 йил 30 октябрь.



айниқса, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш жараёнида ҳар бир сўз ва иборанинг мазмундор, кўп қиррали, хусусан, комик моҳиятли бўлишига эришган. Персонажлар нутқининг индивидуаллиги уларни жонли шахс тимсолида гавдалантиради. Мисол учун, асар қаҳрамонларидан бири Олимжоннинг “прогресс”, “микросхема”, “комплекс” каби сўзларни ишлатиши унинг зиёли шахс эканлигидан далолат беради ва бу ўз навбатида персонажнинг ўзига хослигини таъминлашга ёрдам берган. Комедиянинг бош қаҳрамонларидан бири Қўчқор асар воқеаларини ҳаракатга келтиришда ғоявий бир марказ, етакчи куч вазифасини ўтаган. Асар воқеалари бевосита Қўчқор билан боғлиқ тарзда кечади ҳамда ўша давр воқелиги унинг ҳаёти билан чамбарчас боғланган ҳолда гавдалантириб берилади.

Айниқса, Қўчқорнинг ўша давр қишлоқ меҳнаткашлари феъл – атворида учрайдиган хусусиятларни ўзида умумлаштириб, аниқ шахс тимсолида тасвир этилганлиги ва жанр талабига мувофиқ муайян даражада бўрттириб талқин қилингани асарнинг комиклиги ва таъсирчанлигини янада оширган.

Комедия воқеаларидан маълум бўладикки, асар қаҳрамони Қўчқор оддий қишлоқ тракторчиси, эртадан то қора кечгача тинмай ишласа-да, ҳеч бири икки бўлмайди. Ўзи азамат пахтакор бўлса ҳам, на кийиниши, на кўрпа-ёстиғининг тайини бор, ночор ҳовли – жойини, турмуш тарзини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Лекин Қўчқорнинг ўзи бундай ҳаёт тарзидан ҳеч ҳам нолимайди, аксинча, унинг ўзи Аломатхонга “Насибангиз мендай одам билан кўшилган эканми, омаднинг келгани шу-да. Қўчқор ака, десангиз, қишлоқнинг етти ёшидан етмиш ёшигача “ҳў-ў ана ҳовлиси”, дейди. Колхозда обрў ёмонмас. Суратимиз неча йилдан бери “Ҳурмат тахтаси”дан тушмайди. Анави куни қарасам, сарғайиб ҳам кетибди. Келаётганингизда кўзингиз тушгандир, шундоқ идоранинг олдида... Эсимни танибманки, трактор ҳайдайман. Ёмон бўлганимиз йўқ, бировдан олдин, бировдан кейин дегандай... (ҳижолат бўлиб). Бир марта, денг, райондаги байрам намойишида минбардаям турганман, катталар билан. Ғалати бўлар экан... Хўш

деганингиздан билсак, икки марта Тошкентгайм борганман. Шахармисан – шаҳарда лекин! Э, кўраман деган одамга дунё кенг экан, Аломатхон! битта колхозчига бундан ортиқ яна нима керак?...”<sup>101</sup> деб мақтаниб ҳам қўяди. У бундан бошқача яшашни орзуқилмайди, ҳатто тасаввурига ҳам келтира олмайди. Чунки Қўчқор худди шундай руҳда тарбия топган, дунёқараши ҳам шундай маҳдуд ва чекланган, шу тарзда яшашга уни ўша тузум, ўша давр мафқураси мажбур қилар эди.

Комедиядаги диққатга сазовор характерли образлардан яна бири – бу, шубҳасиз, Аломатхондир. Исми ҳам рамзий маъно англатувчи Аломатхон жонли инсонга хос тўлиқ характер хусусиятларга эга эмас, чунки у темирдан ясалган, Олимжоннинг бир неча йиллик меҳнатининг маҳсули, замонавий бир ихтироси. Айнан ана шу Аломатхон Қўчқорнинг асл турмуш тарзи қай даражада забун эканлигини унинг юзига айтади. Ва бу билан муаллиф ўзбек халқининг нафақат иқтисодий жиҳатдан қашшоқлигини, балки унинг маънавий-руҳий дунёси ва онг – тафаккури ҳам заифлашиб ва кундан-кунга нураб бораётганини санъаткорона тарзда кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, ўша собиқ шўроларнинг энг гуллаган 60-70-йилларида халқ ҳаёти жуда юқори даражада, деб оммавий ахборот воситаларида, турли минбарларда баралла жар солинса-да, лекин, аслида, ҳақиқий аҳвол ва маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи нуфузли сиёсий минбарларда ва “қизил матбуот”да мақталадиган даражада эмас эди. Асл ҳақиқатни айтиш учун эса бир азамат топилмас, топилса-да унга сиёсий тузум, мафкура яловбардорлари ҳеч қачон йўл беришмас эди. Юқорида “Тобутдан товуш”дек реалистик комедияси учун Абдулла Қаҳҳор ноҳақ танқид қилингани ва руҳий азоб тортганига гувоҳ бўлдик. Бундай зўравон ва жоҳил мафқуранинг темир қолипларини ёриб чиқиш учун эса инсон танаси камида Аломатхонники каби темирдан, балки ундан ҳам мустаҳкамроқ ва чидамлироқ бўлиши лозим эди.

Мустамлака ўлкага айланиб қолган юртимизда пахта якка ҳокимлиги шу даражада эдики, етти яшардан то етмиш яшаргача, эрта баҳордан кеч

---

<sup>101</sup>Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди? Пьесалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 179.

кузгача пахта далаларида эл-юрт фаровонлиги учун меҳнат қилишар, лекин бунинг натижасида юрт фаровонлиги ошиши ўрнига бадтар қашшоқлашиб борарди. Юқори ҳосил учун пахта далаларига меъеридан ортиқ сепилган турли кимёвий воситалар, айниқса, аёлларнинг саломатлигига жуда катта салбий таъсир қилар, оқибатда туғилажак болалар ногирон ёки аёлларнинг бепушт бўлиб қолиши миллатимиз фожеасига сабаб бўлар эди.

Муаллиф пахта сиёсатининг худди шу жиҳатларини ҳам ғоявий нияти билан чамбарчас боғлаган ҳолда давр воқелигини ҳаққоний тасвирлашга эриша олган. Шунга мувофиқ тарзда асар воқеаларини ривожлантириб боради ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги турли ноҳақликлар ва иллатларнинг илдиз ҳамда сабабларини ҳам бадиий-эстетик танқид остига олади.

Комедияда муаллифнинг ғоявий-бадиий мақсадини рўёбга чиқаришда Аломатхон образи асосий ўрин тутди. Биринчидан, Аломатхон ўша тузум фуқаролари айта олмаган давр ноҳақликларини баралла айта олади. Иккинчидан, муаллиф бундай сиёсий тузумга оддий одам у ёқда турсин, ҳатто темир ҳам дош бера олмаслигини унинг тақдири орқали кўрсатиб берган.

Тузумнинг адолатсизлиги, мафкура яловбардорларининг бешафқат сиёсати оқибатида эзилган маҳаллий халқ давр ноҳақликларини кўриб дод солиш у ёқда турсин, астагина – енг ичида айтишга ҳам қурби етмас, қурби етадиган инсонларга эса яна ўша сиёсий тузум йўл бермаган. Комедиянавис ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва мустабид совет тузуми ҳукмронлигидаги мунофиқликлар ҳамда комик ҳодисаларни қуйидагича тасвир этади:

“**Аломат**– Байрам кунлари райондаги намоёишдан байроқча кўтариб ўтганингизга хурсанд бўлиб юраверасиз! Мажлисларда қўл кўтариш-у, чапак чалишни биласиз, бошқа ҳеч балони ҳал қилмайсиз! Кўпинча ўша мажлисда нима ҳал бўлаётганини ҳам тушунмайсиз!

**Кўчқор**– (таъсирланиб). Гапингиз нотўғри, Аломатхон.... “Ҳурмат тахтаси”да суратимиз турибди.... ..

**Аломат**– Ҳамма гап шунда-да, нолимайсиз! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириш-ку, кўлингиздан келмас, ҳеч курса инграб қўйишга ҳам қодир эмассиз, Қўчқор ака?! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган аллақайси бурчакларида милтиллаётган ушоққина норозиликдан қўрқасиз, уни сезмасликка оласиз! Тўғри, кадр-кимматингиз ошқора ҳақоратланганида ўша милтиллаётган чўғ аланга олгандай бўлади ва сиз уни ароқ билан ўчиришга уринасиз. Дунёга ширакайф кўзлар билан қараб, таскин топасиз, лекин эртаси куни кайфингиз тарқаб, дунё яна асл ҳолига қайтади!”<sup>102</sup>

Ўзбек халқи ўз келажагини ўзи қура олмаганини, бу масалалар “тепа”дан келган буйруқлар орқали бажарилишини, кўпинча йиғилиш-у мажлислар номигагина ўтказилганлиги, аслида, ўша мажлисда кўрилган масала анча олдин ҳал этиб қўйилганлигини маҳаллий халқ вакиллари ҳар доим ҳам англаб етавермаган. Чунки шўролар жамияти ва унинг авторитар ҳокимияти худди шундай айёррона сиёсат асосида қурилган эди. Собик шўролар тузуми туғдирган сиёсий тўралик, сафсатабозлик, халқни ҳам маънан, ҳам иқтисодий томондан қашшоқликда ушлаб туриш, маъмурий буйруқбозлик каби иллатлар ҳақли равишда мазкур комедиянинг объекти вазифасини ўтаганлиги адабий жараён учун ҳам жиддий янгилик эди. Шу жиҳатдан қаралганда, “Темир хотин” комедияси халқ ҳаётини чуқур ўрганган ва унинг руҳиятидаги маънавий қашшоқлик, тоталитар тузум сиёсатига кулларча итоаткорлик сингари мутелик психологиясини теран англаган ва уни маълум даражада бўлса-да, ҳаққоний акс эттира олган Шароф Бошбековнинг ўзига хос новаторлиги ва айни вақтда, унинг ижодкор сифатидаги бир жасорати ҳам эди.

Комедиянинг бадий-эстетик аҳамияти яна шундаки, у томошабинни шунчаки кулдирибгина қолмасдан, ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ноҳақликларни, жамиятдаги турли иллатларни англаб етишга ва бу каби адолатсизликларга қарши бош кўтаришга ундайди. Асарда давр фожиаси

---

<sup>102</sup>Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди? Пьесалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 200-201.

кулгили йўсинда ўз аксини топган ва шунга мувофиқ тарзда комедиянинг сюжети шакллантирилган. Муаллиф ҳаётий воқеликдан келиб чиққан ҳолда ҳамда ғоявий мақсадига мос характерлар танлайди. Асар гарчи комедия жанрида яратилган бўлса-да, лекин сюжет ечими фожиа билан якун топган. Чунки комедиянавис ўзининг бадиий ниятини янада тўлароқ рўёбга чиқариш учун ҳам шундай йўл тутган. Асар таҳлили муҳим бир хулосага асос бўлади: ўзбек адабиётида комедиянинг драматик жанр сифатида воқеликнинг турли жабҳаларини тасвирлашида шакл ва мазмун жиҳатдан яна бир янги сифат билан бойиганлигини “Темир хотин” комедияси мисолида яққол кўриш мумкин.

Комедияда характер хусусиятига кўра салбий бўлган қаҳрамонлар, умуман, иштирок этмаса ҳам, ёзувчининг қаламга олган воқеликка нисбатан муносабати тўлиғича ижобий эмаслигини англаш қийин эмас. Бу ўринда кулгининг зиммасига юклатилган вазифани алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, комедияда ижобий образлар устидан қўзғатилган кулги салбийликнинг ўзига хос ифодаланишига кўмаклашган. Бунинг ҳаётий бир исботини Аломатхоннинг Қўчқорга қарата айтган аламли сўзларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, комедияда томошабинни ўзига жалб қиладиган жиҳатлар кўп. Комик характер ва ҳолатларни чизишда сохталикка, масхарабозликлар орқали сунъий кулги чиқаришга йўл қўймаслик, персонажларнинг ўзига хос сўзлаш услубларига эътибор бериш, ҳаракат ва нутқ воситаларида комикликни янада кучайтириш орқали ўша давр сиёсий тузумининг салбий оқибатларини кўрсатиш ана шундай хусусиятлар жумласига киради. Муаллиф комик вазиятларни маҳорат билан яратганлиги, асар қаҳрамонларининг характеридаги ҳаётий ўзгаришлар, ўзига хос монолог ва диалоглар, ўзбекона тагдор ҳазил – сўз ва иборалар – барчаси умумлашиб, ўқувчи – томошабиннинг мазкур комедияга бўлган қизиқишини янада орттиради. Бизнингча, айнан шу жиҳатлар асарнинг ўзига хослигини таъминлаб, унга шуҳрат келтирган. Бу фикримизни “Темир хотин”

комедиясининг қатор театрлар сахналарида муваффақият билан қўйилгани ва бугунги кунда ҳам намоёиш этилаётгани ҳамда ушбу асар асосида “Ўзбекфильм” ижодкорлари томонидан қизиқарли кинокомедия суратга олингани ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Комедия, бизнинг назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, Қумри ва Олимжон образларининг характер хусусиятлари, ички дунёси етарли даражада тўлиқ очиб берилган, деб бўлмайди. Агарда ушбу образларнинг ҳам ички олами, характерлари маромига етказиб, кенгроқ тасвирланганида, комедиянинг бадиий қиммати янада ошган ва асарнинг сахнавийлиги, эмоционал – таъсирчанлиги янада юқори даражага кўтарилган бўлар эди.

Ижтимоий-сиёсий мавзуда комедия ёзиш ижодкорлар учун ҳар доим ҳам осон иш бўлавермаган, чунки жамиятнинг, сиёсий тузумнинг сатирик ёки юмористик аспектда танқид остига олиниши ҳукмрон табақа вакилларига ва айниқса, шўро давридаги ҳукмрон комфирқанинг раҳнамоларига хуш келавермаган. Бунга машҳур рус адиби ва сатирик драматурги Гоголнинг “Ревизор” спектаклининг юқори табақадаги чиновник – амалдорларга қанчалик кучли таъсир кўрсатгани ва натижада улар ёзувчига нисбатан аёвсиз нафрат билан қарагани, ҳатто уни шаҳардан бадарға қилишгани ҳақидаги қуйидаги сўзлари ҳам далил бўлиши мумкин: “Комик ёзувчи бўлишлик нима эканлигини кўриб турибман. Ҳақиқат жиндек кўриниб қолса борми, бўлди, бир одам эмас, бутун-бутун табақалар сенга қарши оёққа туради”.<sup>103</sup> Аслида, бу мумтоз адабиётнинг, ҳақ сўзнинг ва айниқса, сатирик сахна асарининг бошқа жанрдаги асарларга нисбатан жонли таъсир кучи туфайли эди.

Гоголь ижоди ва барҳаёт анъаналари бир ярим асрки, ёш ёзувчи ва драматурглар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ва бошқа адиблар ижоди мисолида ҳам бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гоголь асарларининг ўзбек

---

<sup>103</sup> Н.В.Гоголь о литературе. –Москва: Госполитиздат, 1952. –С. 96.

тилига таржима қилиниши миллий комедиянавислигимиз ривожига ижобий таъсир ўтказганлиги ва комедиянавислар ушбу асарнинг қайсидир жиҳатидан ижодий таъсирлангани адабий алоқалар ривожига билан ҳам боғлиқ. Хулоса ўрнида бир муқояса келтириш мумкин. Гоголнинг “Ревизор” комедиясида жамиятдаги иллатлар ўша давр амалдорлари, яъни асосий айбдорлар тилидан фош этилса, Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясида жамиятдаги ижтимоий муаммолар асар қаҳрамони Аломатхон тилидан айтилган ва бу ҳолат ҳам ёзувчининг индивидуаллиги ва бадиий маҳорати самарасидир.

Адабиётнинг асосий вазифаси ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдан иборат. Шундагина у жамият учун фойдали ва муайян эстетик қимматга эга бўлади.

“Майсаранинг иши”, “Шоҳи сўзана” ва “Тобутдан товуш”, “Келинлар кўзғолони”, “Олтин девор” ва “Темир хотин” комедиялари таҳлили муҳим ва муштарак бир ҳақиқатни тасдиқлайди. Яъни буюк сатирик Гоголь сингари Ҳамза ва Абдулла Қаҳҳор ҳам ҳамда ҳақгўйликда уларга издош бўлган Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов ва Шароф Бошбековлар ҳам ўзларининг ижодий фаолияти давомида, хусусан, чинакам миллий руҳда яратилган бетакрор ҳажвий асарлари ҳамда комедияларида ҳам ана шу юксак ижодий ақида ва принципларга изчил амал қилишган. Уларнинг ижоди ва халқчил комедияларининг умрбоқийлиги сири ҳам, аввало, мана шунда бўлса керак.

### **Иккинчи боб бўйича хулоса:**

1. Ўзбек адабиётида комедия жанрининг юзага келиш манбалари ҳаёт талаби, миллий-маданий удумларимиз ва анъаналаримизга ҳамда европа ва жаҳон адабиёти тажрибалари билан боғлиқ.
2. Ўзбек адабиётидаги комедиялар воқеавий асосига кўра тўрт типга ажратилади: характерлар комедияси; ахлоқ комедияси; маиший комедиялар; ижтимоий-сиёсий комедиялар.
3. Комедия марказида комик характер туради. Характердан бадиий феномен яратиш жараёни бошланади. Бадиий конфликт – бу, энг аввало, характерлар тўқнашувидир.

4. Комедия ҳам, трагедия ҳам реал ҳаётни акс эттирар экан, комедияда трагизм, трагедияда комизм бўлиши реал воқеликдаги каби табиийбир ҳолдир. Лекин уларнинг ҳаётни тасвирлаш ва талқин этиш усуллари турлича.

5. Комедиянинг илк намуналарида бадийликдан кўра баёнчилик, характерларнинг тўлақонли шаклланмагани, сюжет тузилиши ва комик вазиятларнинг схематик йўсиндалиги таҳлиллар жараёнида кўзга ташланади.



## III БОБ. КОМЕДИЯ ЖАНРИ ТАДРИЖИ: ИЗЛАНИШ ВА ТАКОМИЛ

### 3.1. Ўзбек адабиётида комедия жанри тадрижий ривож

“Бадиий адабиёт ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият тараққиёти, инсоният эстетика тафаккури билан боғлиқликда ривожланиб, ўзгариб боради. Бу ривожланиш ва ўзгаришлар эса, энг аввало, адабий турлар таркиби, бадиий асарнинг мазмуний ҳамда шаклий хоссаларида ўзини намоён этади.”<sup>104</sup> Дарҳақиқат, адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг ушбу фикрлари тасдиғини комедия жанрининг тараққиёт босқичлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўп асрлик жаҳон адабиёти тарихида комедиянинг жанр сифатидаги тарихий тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, унда ўзига хос юксалиш, пасайиш ва ривожланиш босқиларини кузатамиз. Даставвал, “Вино худоси Дионис шарафига айтилган ашула ва ўйин билан қўшилган байрам томошалари асосида комедия келиб чиққан.”<sup>105</sup>

Мустақилликдан олдин яратилган кўплаб илмий-адабий манбаларда, жумладан, “Адабиёт тарихи” ва “Адабиёт назарияси” каби дарслик ва қўлланмаларда ҳам “ўзбек совет адабиёти, шу жумладан, сатира Улуғ Октябрдан нур олиб, шаклланди ва ривожланди”<sup>106</sup> тарзида айтилган бирёқлама қараш ва хулосалар устуворлик қиларва бу тарихий ҳақиқатга зид эди. Комедия жанрининг ривожланиши ҳам, гарчи сатирик драма ва трагедиянинг ривожланиши билан бир вақтда бўлса-да, асосан, мустақил бўлган. Комедия ўйиндан ва ибодат ҳаракатларидан то тўлақонли мустақил драматик жанр даражасига тадрижий равишда ўсиб етилгунича анчагина вақт ўтган.

Бу жиҳатдан академик Наим Каримовнинг фикрлари асосли деб ўйлаймиз: “Рус, инглиз, француз, немис ва бошқа халқларнинг мумтоз ва замонавий адабиётларидаги эрк ва хуррият ғоялари ўзбек адабиётига икки хил йўл билан кириб келди. Биринчи йўл – бошқа халқлар адабиёти намуналарининг ўзбек тилига

<sup>104</sup>Саримсоқов Б. Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар.//Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1993. № 6. –Б. 3.

<sup>105</sup>Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. –Б. 179.

<sup>106</sup>Абдусаматов Ҳ. Ўзбек совет сатираси масалалари. – Тошкент: 1968. –Б. 14.; Шу муаллиф. Сатира.- Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-Т. – Тошкент: Фан, 1979. –Б. 309-326.

таржима қилиниши бўлса, иккинчи йўл – адабий алоқаларнинг ўрнатилиши ва барқарор тус олишидир. Шунини унутмаслик керакки, шўро даврида жаҳон халқлари адабиётининг энг яхши намуналари рус тилига таржима қилинди. Бу ҳол ўзбек ёзувчиларининг бу асарларнинг бадиий гўзаллиги ва жозибасидан баҳраманд бўлишлари, уларда олға сурилган илғор ғоялардан озиқланишларига катта имкон берди. Хуллас, XX аср ўзбек адабиётининг юксак миллий адабиёт даражасига кўтарилишида адабий таржима ва адабий алоқаларнинг аҳамияти ғоят катта бўлди..<sup>107</sup>

Бу фикрларга яна шунини ҳам қўшимча қилиш лозимки, собиқ шўро давридаги бадиий таржима асарлари кўпинча ҳукмрон коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб танланганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Чунончи, асосан, революцион ғоялар билан йўғрилган ва синфийлик, партиявийлик принциплари ҳамда социалистик реализм методи байроқ қилиб олинган Горькийнинг “Она” романи, “Бўрон қуши ҳақида қўшиқ”, Маяковскийнинг “Владимир Ильич Ленин” ва “Яхши” поэмалари узоқ йиллар совет адабиётининг энг юксак намуналари, деб тақдим этиб келинган. Шу муносабат билан адабиётшунослигимиздаги мавзумизга бевосита алоқадор бўлган бир муаммога тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

Бизнингча, ўзбек драматургияси ва комедиянавислигининг шаклланиши ҳамда ривожланишидаги ҳаётий ва адабий-эстетик омилларни белгилашда ҳам баҳсли қарашлар кўзга ташланади. Масалан, И.Султон, Ҳ.Абдусаматов ва Т.Ҳамидова кабиадабиётшуносларимизнинг айрим тадқиқотларида ўзбек драматургияси, асосан, рус адабиёти таъсирида ривожланди, айниқса, Маяковский драматургиясининг таъсири катта бўлган, деган мулоҳазаларбаён этилган. Жумладан, И.Султон шундай ёзади: “Совет даврида ўзбек адабиёти ва драматургияси тажрибаси, биринчи навбатда Гоголь, Горький, Маяковский ижодий сабоқларини ўрганиш асосида шаклланади ва ривож топади.”<sup>108</sup> Шундай ҳулоса вабўрттиришлар рус ва ўзбек адабий алоқаларини анча кенг ўрганган Т.Ҳамидова асарларида ҳам учрайди. Масалан, у “Творческое содружество русского ва

<sup>107</sup>Каримов Н. Адабий алоқа ва бадиий таржиманинг янги уфқлари. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. .2011. №2. –Б. 4.

<sup>108</sup>И.Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. –Б. 497.

узбекского народов” номли мақоласида куйидаги фикрларни баён этади: “Известно, какое огромное значение имело творчество Маяковского в формировании узбекской литературы... узбекские поэты и писатели изучали, осваивали мастерство великого русского поэта Маяковского. Драматург Иззат Султанов пишет: “Как драматург я учился и учусь не только у русских классиков дореволюционного прошлого, но и у современных русских писателей. Горький, Маяковский... – мои каждодневные советчики...”<sup>109</sup>

Ҳақиқатан ҳам, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа кўплаб адибларнинг етук ёзувчи ва драматург бўлиб шаклланиши ва истеъдодининг камол топишига таъсир кўрсатган асосий омиллар ҳақида сўз юритганда, рус ва жаҳон адабиётининг ижодий таъсирини эътибордан соқит қилиш адолатдан бўлмайдиган, албатта. Бинобарин, адабиёт ва санъатнинг асосий манбаи ҳаёт эканлиги ҳамда санъаткор истеъдодининг камол топиши кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Яъни ёш адибларнинг табиий истеъдодига бамисоли бир қанот бағишлаб, уни юзага чиқаришга имкон берган муҳим бир омил – бу, шубҳасиз, адабий таъсир, рус ва жаҳон адабиётининг илғор тажрибаси, барҳаёт анъаналаридир. Бироқ ўзбек комедияларидаги асосий воқеалар ва таъсирчан ҳаётнинг деталларни Ҳамза ва Қаҳҳор ёхуд Эркин Воҳидов ҳамда Шароф Бошбековлар рус адиблари асарларидан эмас, балки, энг аввало, халқ ҳаётидан ва миллий руҳиятидан олиб тасвирлаганлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳамза ё Абдулла Қаҳҳор ва ёки Саид Аҳмад, Эркин Воҳидовнинг бирор асари ҳамда бирор образ ёхуд сюжетида Маяковский ижодининг таъсири мутлақо сезилмайдиган ва бу ҳақда адибларимиз томонидан айтилган бирон-бир фикр, эътироф ёки ишорани ҳам учратмаймиз.

Дарҳақиқат, комедия жанри динамикаси ва тараққиёт босқичларини тўғри белгилашда, бизнингча, қиёсий типологик йўналишдан бориш ижобий

---

<sup>109</sup>Хамидова Т. Творческое содружество русского и узбекского народов. Ученые записки. Серия филологическая. – Наманган: 1964. –С. 183-184.

натижа беради. Негаки ҳар бир комедиянавис услубида турлича комик талқин ва бадиий тасвир қўлланилади. Ҳар бир етук комедияда жанрнинг янги имкониятлари кашф этилади. Албатта, ҳар бир комедия жанрига мансуб асарнинг муваффақияти ундаги комик характер ҳамда комик конфликтга боғлиқ. Комик характер комедиянинг комиклик даражасини оширувчи етакчи воситалардан бири ҳисобланади. Жаҳон адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам аксарият комедияларнинг мухлислар ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинишига, энг аввало, улардаги комик характерларнинг бадиий жиҳатдан ҳаққоний ва ҳаётий тарзда яратилганлиги асосий сабабдир.

Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлар” ва “Тобутдан товуш” комедияларини эсга олган ҳар қандай ўқувчи-томошабиннинг хаёлида биринчи навбатда Ҳузуржонов, Заргаров, Сухсуров, Қори, Нетайхонлар гавдаланиши табиий. Негаки, ушбу асарларнинг муваффақияти худди шу образлар билан чамбарчас боғлиқ. Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедияси ҳам ўзининг ҳаётийлиги ҳамда бадиий пишиқлиги ва персонажларининг хилма-хиллиги билан адабиётимизда ўзига хос аҳамиятга эга.

Тўғри, бу асарлар яратилган давр нуқтаи-назаридан бир-биридан фарқланади. Лекин асосийси, бу икки асарда ўзбек комедиясининг жанр табиатидаги энг муҳим бадиий-эстетик мезон ҳамда тамойилларнинг жонли характерларда мужассам бўлганлиги яққол кўзга ташланиб турганлигидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир давр ва муҳит ўзининг сиёсий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳамда мафкуравий тартиб – қоидалари билан маълум маънода бадиий тафаккур ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказиши табиий. Бу ўзаро таъсир муайян даражада яратилажак бадиий асарларнинг ғоявий мазмуни ҳамда шаклий хусусиятларида ҳам ўзини намоён этади. Шу маънода ўзбек комедияларининг жанр хусусиятларида ҳам йиллар ўтиши билан ўзига хос жиҳатлар юзага келадики, бу масалани ушбу жанрнинг энг сара намуналари мисолида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, “Тобутдан товуш” ҳамда “Темир хотин” комедиялари яратилган давридан бугунги кунгача ўзининг бадиий-эстетик қимматини йўқотгани йўқ. Мазкур икки асар ижодкорнинг ғоявий-бадиий нияти, жанрий-услубий ҳамда тасвир объекти жиҳатларидан бир қанча тафовутларга эга. Жумладан, “Тобутдан товуш” сатирик комедия, “Темир хотин” эса юмористик руҳдаги асар. Лекин бу икки комедия ҳам ўзбек комедиянавислигининг энг сара намуналари сифатида адабиётимиз ва маънавиятимиз учун қадрли. Комедиялардаги Сухсуров ҳам, Қўчқор ҳам ўзига хос комик характердаги қаҳрамонлар ҳисобланади. Улар асар воқеаларини ҳаракатга келтиришда етакчи куч бўлишлари баробарида, комик вазиятларни юзага келтиришда ҳам асосий вазифасини ўтайди. Сухсуров ўзининг ўта пасткашлиги, аҳмоқлиги ҳамда воқеликка тўғри баҳо бера олмаслиги билан ўқувчи-томошабинда кулги уйғотса, Қўчқор эса ҳаддан ташқари соддалиги ва ўта ишонувчанлиги билан бизни ўзига жалб этади. Абдулла Қаҳҳор Сухсуров характеридаги юлғичлик, пасткашлик ҳамда тубанлик каби иллатларни фош этиш мақсадида асарга Қори, Нетайхон сингари образларни киритиб, бош қаҳрамоннинг асл башарасини ҳамда у яшаётган муҳитнинг нобоплигини кўрсатиб беради. Муаллиф бу жараёнда аччиқ, кинояли кулгидан унумли фойдаланади. Драматург Сухсуров каби нусхалар жамиятимиз учун зарарли эканлигини таъкидлаш билан бирга булардан томошабин керакли хулоса чиаришини кўзда тутаяди, албатта. Комедиянинг асосий ғоявий бир мақсади ҳам – шу.

Шароф Бошбеков эса “Темир хотин” комедиясида Қўчқор характерини очишда ўзгача йўлдан боради. Муаллиф Қўчқордаги айрим қусурлар учун уни кескин қораламайди, балки беозоргина чимдиб ўтади. Қаҳрамондаги бу камчиликларнинг асосий сабабчиси, энг аввало, у яшаётган сиёсий тузум ва инсон эркини буғувчи машъум мафкуравий муҳит эканлигига ишора қилади. Комедияда муаллифнинг асосий ғоявий-бадиий нияти Қўчқорга, унинг хатти-ҳаракатларига бўлган муносабатида яққол ифодаланади. Комедиянавис Қўчқорнинг янги-янги ҳаётий хислатларини тасвирлар экан, бу орқали ўша

жамиятнинг инсон эркини буғувчи ва кўп жиҳатдан сохта бўлган ижтимоий-сиёсий тизимини ҳам очиб беришга интилади ҳамда Аломатхон тилидан турмушнинг ижтимоий-сиёсий зиддиятларини очиқ-ойдин очиб ташлайди.

Кўчқорнинг хатти-ҳаракатлари кулгили, яшаш тарзи эса ачинарли. У хар бир воқеа-ҳодисани қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Таҳлил қилиш, ўйлаб кўриш унинг табиатига хос бўлмаган хусусиятлардир. Худди шу соддалик унинг характеридаги комикликни келтириб чиқаради. Лекин у ўз характерини англаб етмайди, шунинг учун ҳам Кўчқорнинг хатти-ҳаракатлари бизга кулгили кўринади. Кўчқор характерини, у яшаётган давр зиддиятларини кўрсатишда Аломатхон образи етакчи восита саналади.

Кўчқор Сухсуров каби порахўр, пасткаш инсон эмас. У бировларнинг ҳаққига хиёнат қилиш, ўзгаларнинг яхши яшашига ҳасад билан қараш нима эканлигини билмайди. Сухсуров тимсолида биз инсон табиатининг мураккаблигини, инсон характерини қайта тарбиялаш нақадар мушкуллигини яна бир бор чуқур ҳис этсак, Кўчқор табиатидаги ишонувчанлик ҳамда ўта соддаликни кўрганда эса, ҳайратга тушишимиз табиий.

Сухсуров худбин, у ҳамиша ўзим бўлай дейди, доимо шуҳратга интилади. Кўчқор характеридаги эволюцияни очишда эса муаллиф Шароф Бошбеков, асосан, унинг онгига муҳит кўрсатган таъсирини таъкидлаш, сиёсий тузум таъсирида унинг дунёқарашида юз берган ички жараёнларни кўрсатиш йўлидан боради. Сухсуровга эса ижобий муҳит таъсир қилмайди. У ўзига ўзи порахўрлар муҳитини яратишга ҳаракат қилади. Сухсуров табиатидаги бу каби иллатлар бошқаларнинг қаршилигига ҳам учрайди. У ижобий қаҳрамонлар билан тўқнашувларга дуч келади. Ана шундай зиддиятларнинг бирида Обиджон Сухсуровнинг асл башарасини жуда ўринли очиб ташлайди: “Сухсуров – (ёзувга тез-тез кўз ташлаб). Қадаҳлар тўлами? Ўртоқлар, биз Улуғ Ватан уруши натижасида улуғ ғалабага эга бўлдик ёки эришдик. Лекин, мен шахсан, бу ғалабадан илҳомланиб.... (адашади) ватанпарварлик бурчимдан илҳомланган бўлсам ҳам бу улуғ

ғалабага ўз қиссамни.... йўқ, ҳиссамни қўшолган эмасман! Мени бутун Ватан уруши даврида ўқитувчиликка тиқиб қўйишди.... Обиджон (кулиб). Тиқиб қўйишдим, ё маориф соҳасидан кавак топиб кириб кетдингизми?”<sup>110</sup>

Сухсуровдан фарқли равишда Қўчқор характеридаги камчиликлар шундайки, улар ғоявий тўқнашувлар даражасига бориб етмайди. Бу қусурлар бошқалар манфаатига зид келмайди. Қўчқор характеридаги ожизликларни у яшаган муҳит вояга етказган ва худди шу ожизликлар яна ўша муҳит, яъни сиёсий тузум таъсирида қолиб кетаверади ҳамда ўсиб, улғайиб боради.

Ҳар доим бадиий ижодда ёзувчи тасаввури муайян ғояга асосланиб, ҳаётдаги айрим нарсаларни саралайди, йиғади ва янгидан жонли, табиий ва гўзал нарсаларни вужудга келтиради. Бу жараён характер ва эпизодларни яратишда ҳам, воқеликнинг айрим хусусиятларини кўрсатишда ҳам содир бўлади. Шу маънода, Сухсуров ҳам, Қўчқор образи ҳам ижодкорларнинг шунчаки бадиий фантазияси, ижодий мушоҳадаси маҳсули бўлмай, аввало, улар аниқ бир тарихий муҳит ва шу муҳитда юз берган маълум маънодаги ҳаётий, ижтимоий-руҳий жараёнлар самарасидир, десак хато бўлмайди.

Тўғри, бу икки комик қаҳрамон ҳам ўз замонаси учун ўзига хос комик тип ҳисобланади ҳамда ўша муҳитга хос бўлган жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган. Абдулла Қаҳҳор ҳам, Шароф Бошбеков ҳам уларни яратишда ўз услубларига хос йўналишдан бориб, қаҳрамонларнинг бетакрор бўлишига алоҳида эътибор қаратишган. Энг муҳими шундаки, мазкур икки комик характер ҳам ўзбек комедиянавислигининг етук комик типлари қаторидан ўрин олди ва бу типлар орқали миллий комедиямизнинг жанр табиатида яна бир ўзига хослик юзага келишига сабаб – омил бўлди.

Юқорида ўзбек адабиётидаги етук комедиялар мисолида бадиий конфликт комедияда комикликни юзага чиқарувчи етакчи воситалардан бири эканлиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам комедия жанридаги конфликт комик характер касб этади. Яъни комик конфликт қанчалик

---

<sup>110</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –Б. 24.

ишонarli ҳамда мукаммал чиқиши ўша комедиянинг муваффақиятидан илк нишонadir, десак муболаға бўлмайди. Конфликт комедия сюжети негизда ўзига хос тарзда кечади ва воқеалар ривожда комик характерларнинг индивидуал хусусиятларини очиб беради. Конфликтнинг бу кўриниши жанр талабидан келиб чиққан ҳолда шаклланади ва комедиядаги комикликни комик конфликт юзага келтиради.

Ўзбек комедиясининг илк қалдирғочи ҳисобланмиш “Майсаранинг иши” асари ўзига хос комик конфликт ҳамда бетакрор образлари билан миллий комедиянавислигимизда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу асар ўзбек адабиётида комедия жанрининг том маънода биринчи намунаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятли. Мазкур комедияда муаллиф конфликт яратишда жаҳон мумтоз комедиянавислиги анъаналарига эргашади ва ўзбек халқ оғзаки ижоди тажрибаларига таянган ҳолда иш кўради. Комедиянавис ижобий қаҳрамонларни яхшилик, салбий қаҳрамонларни ёмонлик тимсоли, улар ўртасидаги зиддиятни эса яхшилик билан ёмонлик орасидаги кураш тарзида талқин этади. Сюжетни кўпроқ фавқулудда содир бўлиши лозим бўлган ҳодисалар асосида қуришга, воқеалар ривожда кескин бурилишлар яшашга ҳаракат қилади. Лекин бу борада муаллифда тажриба ва маҳорат етишмагандек кўринади. Сабаби, кўпгина ҳолларда фавқулудда содир бўладиган ҳодисалар ўқувчи – томошабинга олдиндан ошкор бўлиб боради ва бу нарса сир тутилган нарсанинг сирлигини йўқотади ҳамда келгуси сахналарда содир бўлувчи воқеаларга ўқувчи – томошабиннинг қизиқиши сусайиб кетади. Ва охир натижада асарнинг сахнавийлигига ҳамда бадиий қимматига путур этади. Гарчи комедия сюжети ва конфликтда муаллиф шартли усулларга хайрихоҳлик кўрсатса-да, шартлиликка ортиқча берилиб кетиб, баъзан ҳаёт ва характер мантиғига путур етказиб қўйса ҳам, аммо ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш комедиянависнинг бош муддаоси бўлиб қолаверади.

Ҳамза комедиясининг бош қаҳрамони Майсара характерига кўра комик хусусиятларга эга эмас. У ўзини кулгили тарзда намоён этмайди. Муаллиф Майсара воситасида комик вазиятларни юзага келтиради. У комик



конфликтни ҳосил қилишда ҳамда ҳаракатга келтиришда асосий куч ҳисобланади. Комедия конфликтни Майсара, Чўпон, Ойхон бошчилигидаги ижобий кучлар ва Қози, Хидоятхон каби салбий характердаги комик персонажлар иштирокида ривожлантирилади. Асосий кулгили вазиятлар комедиянинг охириги сахналарида содир бўлади. Ҳамза ўз асарларида конфликтни янада кескинлаштириш мақсадида бадиий деталлардан ҳам унумли фойдаланади. Жумладан, комедияга бир ҳамён олтин воқеасининг киритилиши воқеалар ривожини тезлаштириб, конфликт ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилган. Бу жиҳатдан “Тобутдан товуш” комедияси, “Майсаранинг иши” асари билан ўзаро ҳамоҳанглик касб этади. Негаки “Тобутдан товуш”да ҳам асосий конфликт ва коллизиянинг юзага келишида Сухсуровнинг участкаси бадиий детал вазифасини ўтайди ҳамда воқеалар ривожининг кескинлашувида ва салбий типларнинг фош бўлишида алоҳида аҳамият касб этади.

Асар қаҳрамони Сухсуров Майсара каби ижобий характердаги персонажлар тоифасига кирмайди. У ўзини ҳаммадан ақлли санаса-да, лекин кўп ўринларда “қовун тушуриб кўйиб” атрофдагиларнинг ҳақли кулгисига сабаб бўлади. “Тобутдан товуш”да ҳам “Майсаранинг иши”даги каби конфликт ижобий ва салбий кутблар ўртасида ривожланиб боради. “Майсаранинг иши”да бадиий деталнинг аҳамияти конфликт ривожидан унчалик сезилмайди. “Тобутдан товуш”да эса Сухсуровнинг участкаси билан боғлиқ зиддият – режалар комедия сюжетининг ўқ томирини ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқадики, бадиий деталдан фойдаланиш борасида Абдулла Қаҳҳор Ҳамза бошлаган анъаналарни муваффақият билан давом эттирган ҳамда ўзига хос ютуқларга эришган. “Тобутдан товуш”да кўпроқ салбий комик персонажларнинг характер хусусиятлари, ички дунёси тасвирига кенг эътибор берилгандек кўринади. Чунки муаллиф ушбу салбий комик типларнинг сахнада фаол ҳаракат қилишларига имкон беради ва уларнинг ҳар бир ҳолатини изчиллик ва катта маҳорат билан тасвир этади. Назаримизда, “Тобутдан товуш”да ижобий персонажларнинг ички дунёси,

уларнинг характериға хос бўлган муҳим жиҳатлар маромиға етказилмагандек. Мисол учун, Сухсуровнинг асранди қизи Ҳожар Обиджонга турмушга чиқиш ёки чиқмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Гўёки у Обиджонни ёшлигидан биладигандек, Нетайхоннинг биргина гапи билан рози бўлади. Обиджон ҳам шундай йўл тутади. У ҳам Ҳожарнинг қанақа қизлигини билмасдан унга ўйланишга рози бўлади. Бу икки персонаж ҳам фақатгина муаллиф хоҳиши билан ҳаракат қилишган ва бундай бадиий талқин ҳаёт ҳақиқатига унчалик мос бўлмай қолган, деб ўйлаймиз. Бизнингча, комедияда Ҳожарнинг Обиджонга, Обиджоннинг Ҳожарга бўлган ички муносабатлари ҳам ўрни билан тасвир этиб ўтилганида мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Тобутдан товуш” комедиясидан фарқли равишда “Майсаранинг иши” комедиясида салбий комик персонажларга нисбатан ижобий қаҳрамонларнинг сиймоси ёрқин бўёқларда чизилганлигига гувоҳ бўламиз. Асар қаҳрамони Майсаранинг Қози бошлиқ “адолат пешволари”дан – бадният кимсалардан ўч олишга киришиши асносида унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам яққол бўй кўрсатиб боради. Бу жараёнда муаллифнинг Майсарага ҳаддан зиёд хайрихоҳлиги унинг сахнада яққа пешқадамлигини келтириб чиқаради. Натижада, бу ҳолат асардаги бошқа персонажларнинг сахнадаги эркин ҳаракатига бир қадар соя солиб қўяди. Атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек: “Агар ёзувчи ижобий образ яратаман деб, уни мактаб кўкларга кўтарса, фақат ажойиб фазилатлар-у, нодир сифатларнинг эгаси қилиб тасвирласа, образ эмас, чучмал сиропдай меъдага тегадиган фаришта мижоз схема туғилади холос.... Ижобий қаҳрамон ҳам, салбий қаҳрамон ҳам муштарак бадиият қонунлари асосида яратилмоғи керак.”<sup>111</sup>

Дарҳақиқат, комедияни батафсил ўқиб чиққан китобхон унда айрим комик персонажлар меъёрига етказилиб тасвир этилмаганлигига гувоҳ бўлади. Асар давомида характерлар комиклигига унчалик эътибор

---

<sup>111</sup>Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ёш гвардия. 1988. –Б. 63.

берилмайди, аксинча, комик вазиятлар аксарият ҳолларда персонажларнинг ташқи хатти-ҳаракати, ҳолатлари воситасида юзага келтирилади. Муаллиф кўпроқ салбий комик персонажларни фош этиш йўлидан боради. Мазкур жараёнда Майсара тимсолида барча ижобий идеаллар мужассамлашади. Бу эса ўз навбатида комедиядаги айрим сунъийликларни келтириб чиқарган. Жумладан, муаллиф бош қаҳрамондаги ижобий сифатларни таъкидлаш ва униисботлашда муболағага берилиб кетади. Майсарадаги қатъият, уддабуронлик ҳамда жасурлик хислатлари ҳар бир ўринда таъкидланаверади, ваҳоланки, ўша давр хотин-қизларига унчалик хос бўлмаган бу сифатлар ўқувчи – томошабинга сунъийроқ бўлиб кўриниши табиий. Тасвирдаги бош қаҳрамонга бўлган ўта хайрихоҳлик бошқа персонажларнинг характер хусусиятлари хиралашиб кетишига сабаб бўлган. Жумладан, Ҳидоятхон, Қози каби комик персонажларнинг ички дунёси, уларга хос бўлган муҳим жиҳатлар кенгроқ тасвир этилмаган. Уларнинг комик хусусиятлари асар давомида изчиллик билан кўрсатилмайди. Ваҳоланки, худди шу образлар комедиянинг комиклик даражасини тайин этишда асосий ўрин тутаяди. Комедияда уларнинг ҳаракати анчайин суст давом эттирилади. Мазкур комик образларнинг фаол ҳаракати комедиянинг охириги сахналаридагина кўзга ташланади.

“Тобутдан товуш” эса комик конфликт ва характерлар тасвири жиҳатидан “Майсаранинг иши”га нисбатан бирмунча устун эканлиги намоён бўлади. Абдулла Қаҳҳор комик персонажларнинг нутқини типиклаштиришга ҳам катта эътибор қаратади. Асарда Нетайхон ахлоқан бузук, молк-мулкка ўч кимса тарзида гавдалантирилса, Сухсуров эса димоғдор, ўта манман шахс, ҳар бир гапини пичинг, киноя билан сўзловчи порахўр амалдор сифатида тасвирланади: “Энди, ука бир охурдан ем еган бўлсак ҳам ҳар ким ўзининг тиши билан чайнаб, ўзининг кекирдаги билан ютган! Ҳар кимнинг гўри бошқа, Мункар-Накири бошқа деган гап бор.”<sup>112</sup>

---

<sup>112</sup>Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. –Б.16.

Сухсуровнинг ўта худбин характери асардан олинган ушбу парчада ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай бўлса-да, муаллиф Сухсуров характери тасвирида кетма-кет қора бўёқларни ишга солмайди. Асар давомида айрим ўринларда ўқувчи – томошабиннинг Сухсуровга ичи ачийди, хаттоки раҳми келиши ҳам мумкин. Чунки у ўзини шундай тутишга ҳаракат қилади. Бу ҳол унинг характери моҳиятига ҳам мос бўлиб тушади.

“Майсаранинг иши”да муаллиф шу қадар кўп комик вазиятлар ўйлаб топганки, лекин уларни қўллашда бироз маҳорат етишмагандек туюлади. Ўша комик ҳолатларни асарга татбиқ этиш, асосий воқеалар тизимига ишонарли тарзда мослаштириш ва уларнинг бадиий ифодаси орасида номутаносиблик юзага келган, кўпгина комик вазиятлар сунъий бўлиб, бадиий картина даражасига етиб бормаган, муаллиф уларни шунчаки баён этиш, эслатиш билан чекланган. Мисол учун, комедия давомида Қози ва унинг ҳамтовоқларининг Майсара воситасида бешикка беланиши, ҳўкизга ўхшатиб боғлаб қўйилиши ўқувчи – томошабинга ишончсиз бўлиб кўриниши мумкин.

Гарчи шундай бўлса-да, “Майсаранинг иши” комедияси ҳозирги кунда ҳам ўз ўқувчи ва томошабинлари аудиториясига эга. Тўғри, асар юқорида таъкидлангани каби айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Лекин “Майсаранинг иши” ўзбек адабиётида комедиянинг илк қалдирғочларидан бири эканлигини ҳисобга олганда, унинг қусурларидан кўра муваффақиятли жиҳатлари кўпроқлиги кўзга ташланади. Бу асар замонавий ўқувчи – томошабинлар нигоҳи билан қаралганда ҳам, бугунги кунда сахнада бир қўйилиб, ундан сўнг изсиз йўқолиб кетаётган айрим бўш, саёз комедиялардан ўзининг кўп жиҳатдан устунлигини сақлаб келмоқда.

Бизнингча, комедиянинг муваффақиятини таъминлаган омиллар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: Биринчидан, муаллиф “Майсаранинг иши”ни яратгунга қадар бир неча драматик асарларни ижод қилган ҳамда тажриба тўплаган ва маҳорат эгаси бўлса, иккинчидан, унинг ўзи ҳам актёр сифатида сахнада турли ролларни ижро этган ҳамда ўша томошаларни сахналаштиришда бевосита бош бўлган. Натижада, Ҳамза

сахна маданияти ва имкониятларини пухта ўзлаштирган, бу малака ва тажрибаларини “Майсаранинг иши” комедиясига тўлиғича татбиқ этган, дейиш мумкин.

Афсуски, бугунги кунда кўплаб комедиянависларимизга худди шу нарса, яъни сахна маданияти ва бадий талқини етишмаётгандек туюлади. Шунинг учун ҳам, сўнгги йилларда ўзбек комедиянавислигида каттагина бўшлиқ ҳосил бўлди. Жамоатчилик бирдек эътироф этадиган, адабиётшунос ва санъатшунослар ҳамда мухлислар олқишига сазовор бўлган ҳажвий сахна асарлари тобора сийраклашиб кетаётгандек. Негаки бадий жиҳатдан юқори савияли комедия яратиш учун муаллифдан жуда юксак маҳорат ва катта истеъдод талаб қилинади. Комедиянавис, аввало, ижодий салоҳият ва кулгининг ҳаётдаги ва бадий асардаги аҳамиятини нозик илғай олиши, сахна имкониятларини тўғри баҳолай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Албатта, бу жиҳатдан Ҳамза ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам ўзига хос ютуқларни қўлга киритишди ва уларнинг “Майсаранинг иши” ҳамда “Шоҳи сўзана” ва “Тобутдан товуш” комедиялари ҳақли равишда XX аср ўзбек комедиянавислигининг шоҳ асарлари қаторидан ўрин олди. Ўзбек комедияси жанри табиатидаги барқарор ва айрим беқарор мезонларнинг энг муҳим жиҳатлари уларда тўлиғича ўз аксини топди. “Майсаранинг иши”да бошланган ва айрим маромига етмаган анъаналар “Тобутдан товуш” комедиясида тўлдирилди ҳамда сайқал берилиб янгича тамойиллар билан бойитилди.

Кўриб ўтганимиздек, ўзбек адабиётида комедия нисбатан кечроқ ва секинлик билан ривожланиб борди. У жанр сифатида XX асрнинг маҳсули бўлиб майдонга келди. Шунини айтиш жоизки, ўзбек адабиётида драматик асарлар, хусусан, комедиялар яратиш, унга хос бўлган хусусиятлар, уларнинг куртаклари анча илгари пайдо бўлган. Халқчиллик, жонли ва образли тилдан фойдаланиш, қувноқлик, ҳазил – мутойиба, ҳозиржавоблик каби комедияларимизга хос бўлган хусусиятлар дастлаб масхарабозлик, кизиқчилик ва кўғирчоқ театри замирида шаклланган эди. Адабиётшунос

Муҳсин Қодиров Ҳамза Ҳакимзоданинг комедиялар яратиш мақсадида халқ орасида бўлиб, қизиқчилик санъатига хос кўпгина сифатларни синчиклаб ўрганганини тўғри таъкидлаб ўтади: “Халқ ҳаёти, урф-одати, маданияти ва санъатини пухта билган, санъатнинг бир қатор турларида юксак маҳоратга эришган Юсуфжон қизиқ Ҳамза учун хазинанинг ўзгинаси эди, ундан меҳнаткашларга яқин ва тушунарли шакл, услуб ва тасвирий воситаларни топиб ишга соларди.”<sup>113</sup>

Демак, комедияга хос бўлган кўпгина хусусиятлар дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган, сўнгра аста-секинлик билан ёзма адабиётга ўтган. Хусусан, комедияни характерлайдиган, уни бошқа адабий жанрлардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этадиган белги – ҳажвийлик ҳамда кулгини олиб қарайдиган бўлсак, у халқимизнинг қадимги адабий ёдгорликларидан тортиб, Навоий, Машраб, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа адибларимизнинг ижод намуналарида ҳам мавжуд бўлган.

Ўзбек адабиётимизда комедия жанрига ўтган аср бошларида асос солинган бўлиб, Ҳамза ўзининг: “Тухматчилар жазоси”, “Майсаранинг иши”, “Мухторият ёки автономия” каби асарлари билан нафақат комедия жанрини бошлаб берди, балки унинг мустаҳкам пойдеворини ҳам яратди. Бу соҳада Абдулла Қаҳҳор тўртта сахна асари билан, Баҳром Раҳмонов ўзининг “Юрак сирлари”, Уйғун “Парвона”, “Қалтис ҳазил”, кейинчалик Ҳамид Ғулом “Тошболта ошиқ”, Эркин Воҳидов “Олтин девор”, Рамз Бобожон “Тоға жиянлар”, Саид Аҳмад “Келинлар қўзғолони”, “Куёв”, Шуҳрат “Беш кунлик куёв”, Ўткир Ҳошимов “Тўйлар муборак”, Абдуқаҳҳор Иброҳимов сатирик асарлари билан комедия жанрини мустаҳкамладилар ва уни ривожлантирдилар. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўзбек миллий комедиямиз қисқа тарихга эга бўлса ҳам, у жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражага кўтарила олди. Хусусан, “Майсаранинг иши”, “Шоҳи сўзана”, “Келинлар қўзғолони” жаҳонга машҳур бўлиб, кўплаб

---

<sup>113</sup>Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – Б. 254.

кардош республикалар ва хорижий мамлакатларда театр сахналарида кўйилиб, муваффақият қозонганлиги бунга ёрқин далилдир.”<sup>114</sup>

Эътироф этиш керакки, комедия жанрининг таракқиёти доимо бир маромда кечмаган. Унда кўтарилган адолат, тўғрисиўзлик, ахлоқий муаммолар, эстетик танқид ҳаммага ҳам ёқавермаган, бунинг оқибатида кўпгина ижодкорлар ноҳақ жабр кўрганлар, моддий ва маънавий томондан азобланишган. Шунга қарамасдан улар халққа хурсандчилик улашувчи, уларга эстетик таъсир ўтказувчи асарлар ёзишдан ўзларини тиймаганлар. Юқорида айтилганидек, ўзбек комедиянавислиги Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Яшин, Баҳром Раҳмонов, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Шароф Бошбеков, Абдуқаҳҳор Ибрагимов, Эркин Хушвақтов ижодлари билан бевосита боғлиқ бўлган босқичларда айрим ютуқларни қўлга киритди. Бирок бу ютуқлар осонликча, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ҳамза комедияларида бошланган аёвсиз бадиий-эстетик танқид нопок кимсаларни фош этди. Шу билан бирга адабиётимизда қатор комедиялар яратилишига ҳам туртки бўлди. Комедия жанрининг ўзига хос тарбиявий-эстетик аҳамиятини тўғри англаган Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Шароф Бошбеков сингари ижодкорларимиз давр руҳидан келиб чиқиб ҳамда умуминсоний идеалларни улуғлаган ҳолда, Ҳамза бошлаган анъаналарни давом эттириб, ҳаётий кулгига бой комедиялар яратганлар. Зеро, бундай кулгига сероб асарлар янгиланаётган жамият ҳаёти ва халқимиз талабларига, унинг юксак диди, завқи ва нозик табиатига ҳам тўла мос келар эди.

Комедия драматик жанр сифатида воқеликнинг, турмушнинг турли томонларини тасвирлашда шакл ва мазмун жиҳатидан бойиди, янгича сифатларга эга бўлди. Бу сифатлар, албатта, ўз-ўзидан тайёр ҳолда эмас, балки реал шарт-шароит, муҳим омиллар тақозосига кўра вужудга келди. Халқ оғзаки ижоди, жаҳон ва Европа адабиёти тажрибаларининг самарали таъсири – ўзбек комедиянавислиги ривожига ёрдам берган муҳим омиллар ҳисобланади. Ўзбек драматурглари маданий меросдан ижодий фойдаланишга

---

<sup>114</sup> Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. –Б. 181.

алоҳида эътибор бериб, халқ оғзаки ижоди, жаҳон ва Европа адабиётларининг ибратли томонлари, илғор анъаналарини изчиллик билан давом эттирдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги йилларида яратилган “Қалтис ҳазил” (Уйғун), “Муҳаббат” (Туйғун) комедиялари гарчанд катта шуҳрат қозонмаган бўлса-да, ўша давр комедияларига хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассам этган эди. Зеро, ўша даврда ҳукм сурган конфликтсизлик назарияси бошқа адабий жанрлар қаторида комедия жанрига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди. Ғоявий-бадий жихатдан юксак комедиялар яратилишига қарши жиддий тўсиқ бўлди. Зотан, шахсга сиғиниш даври йилларида танқид, хусусан, ўз-ўзини танқид қилиш чеклаб қўйилган, нуқсон ва иллатларни хаспўшлаш ҳамда воқеликни бўяб – безаб кўрсатиш авж олган эди. Бу ҳол сатира ва юморнинг ривожига, жумладан, комедиянависликнинг тараққий этишига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бадий асарда сунъий конфликт мавжуд бўлса, характер ҳаётийликдан маҳрум бўлиб қолади. Мисол учун, Туйғуннинг “Муҳаббат” комедиясида худди шу ҳолни кўриш мумкин. Комедия қаҳрамонлари Равшан, Етов, Жўраҳон, Сергей Иванович, Ўта ҳамда Рустам оталар урушдан кейин жонбозлик билан меҳнат қиладилар. Энг зарур иншоотлар – гидростанция, янги уй, клуб, ҳаммомлар куришади. Ишда учраган қийинчиликларни тезлик ва осонгина бартараф этадилар. Драматург “Муҳаббат” комедиясида урушдан кейинги халқ хўжалиklarини қайтадан тиклашдаги қатор қийинчиликларни Етов каби меҳнат қилмай яшашни истовчи шахслар билан бўлган кескин курашни акс эттириб бериши керак эди. Муаллиф бунинг ўрнига қаҳрамонларнинг енгил-елпилик билан эришган ютуқларини санаш билан кифояланади. Комедиядаги воқеалар шундай енгил-елпи, юзаки яратилганки, натижада персонажлар жонли образлар – характерлар даражасига кўтарила олмасдан, воқеларни баён қилувчи схематик образларга ўхшаб қолган.



XX аср 40-йиллари охирида Абдулла Қаҳҳорнинг “Янги ер” (1949) комедияси яратилиши ўзбек комедиянавислигининг юксалаётганидан дарак берди. Унда ҳаётда учровчи турли иллатларнинг кулги остига олиниши, ҳаётий, айни пайтда, кулгили ҳолат ва эсда қоларли характерларнинг жонли акс этирилиши, уларнинг типик вазиятларда очиб берилиши асар муваффақиятини таъминлади. Абдулла Қаҳҳор бу асарни яратишда дастлабки ютуқ билан чекланиб қолмади, балки асарнинг ғоявий мазмунини, хусусан, комедия конфликтини янги-янги ҳаётий деталлар ҳисобига бойитди. Ҳаётдаги ҳар хил нуқсонларни ёрқин акс этириб, уларнинг ҳалокатга маҳкумлигини очиб берди. Шундан сўнг, яна “Янги ер” комедиясини мукаммаллаштириб, ҳар жиҳатдан сайқал бериб “Шоҳи сўзана” (1951) номи билан эълон қилди. Дарҳақиқат, адабиётшунос олим Усмонжон Қосимов таъкидлаганидек; “Абдулла Қаҳҳор ўзининг “Шоҳи сўзана” (Янги ер), “Оғриқ тишлар”, “Тобутдан товуш” (Сўнгги нусхалар) ва “Аяжонларим” каби комедиялари билан ўзбек санъатида улкан драматург бўлиб қолади.”<sup>115</sup>

Юқорида эътироф этилганидек, Абдулла Қаҳҳор “Шоҳи сўзана” келтирган шуҳратдан руҳланиб, янги комедиялар яратишга киришди. “Оғриқ тишлар” (1954), “Тобутдан товуш” (1962) асарлари ана шу илҳомланиш меваси сифатида майдонга келди. “Оғриқ тишлар”да драматург эзгу ахлоқ-одоб доирасига номуносиб хатти-ҳаракатлар билан кулгимизга сабаб бўлаётган баъзи кимсаларни фош қилади. Асарда қаҳҳорона ўткир сатирик руҳ етакчи вазифасини ўтаганлиги ҳам унинг таъсирчанлигини оширган. Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳор яратган Мавлон, Холнисо, Ҳамробибби (“Шоҳи сўзана”), Сухсуров, Нетайхон, Қори (“Тобутдан товуш”), Марасул, Фотима, Заргаров, Хуморхон (“Оғриқ тишлар”) сингари персонажлар бутун моҳияти билан, турмуш тарзимизга зидлиги билан, қолаверса, ижобий кучлар қаршисида ўз ички олами қашшоқлигини яширишга уриниши билан томошабинлар кулгисига сабаб бўлади.

---

<sup>115</sup>Қосимов У. Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. –Б. 60.

XX аср адабиётшунослиги ва танқидчилигига назар ташлайдиган бўлсак, унда комедия жанри ва унинг моҳияти, жанр хусусиятларига доир турфа хил қарашларни кузатишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбек тили ва адабиёти журналининг 1965-1966 йилги сонларида драматургия масалаларига бағишланган баҳс-мунозараларда комедиянинг жанр хусусиятлари хусусида ҳам баҳс бўлиб ўтади. Шуниси характерлики, мунозара қатнашувчилари (Б.Ғуломов, Ҳ.Ҳакимова, А.Ҳамраева) яқдиллик билан адабиётшунос Т.Собировнинг Р.Бобожон қаламига мансуб “Тоғажиянлар” комедия эмас деган фикрига, умуман, бу жанр спецификасига бирёқлама ёндашувига жавоб бериб, танқидчининг бу мулоҳазалари илмий асосга эга эмаслигини рад этиб бўлмайдиган далиллар орқали исботлаб кўрсатишди.

Таниқли адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов ўзининг “Ўзбек совет сатирасининг баъзи масалалари” (1960) номли монографиясида сатирик комедияда ижобий қаҳрамон бўлиши шарт, деган фикрни ҳимоя қилади ва ижобий образлар асосий ўринда турмаган ёки бутунлай ижобий образи бўлмаган асарларни танқид остига олади. Бизнингча, бу масаланинг моҳияти сатирик комедияда ижобий қаҳрамоннинг бўлиши шарт қилиб қўйишда эмас, аксинча, сатирикнинг ижобий ғоясида, ғоявий-бадиий ниятида, умумжамият манфаатига зид иллатлар қандай ғоя манфаати нуқтаи назаридан фош этилганида, ҳуллас, эстетик танқиднинг характери ва моҳиятидадир. Ҳар қандай истеъдодли ижодкор масалага ўз тажрибасидан, ўз услубидан келиб чиққан ҳолда ёндашади, уни ечишда ўзига хос йўл тутади, ҳаёт ҳақиқатига амал қилади. Ҳаётни баъзан ижобий қаҳрамон орқали акс эттиради, баъзида эса, салбий персонаж орқали ижтимоий типик муҳит назарда тутилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, сатирик асарлардагина эмас, ҳатто, сатирик бўлмаган асарларда ҳам бирорта ижобий образ бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда муаллифнинг ижобий идеали салбий персонажларнинг умумий моҳияти орқали намоён бўлади.

Комедиянинг, айниқса, сатирик комедиянинг кадр-қиммати, ундаги ижобий қахрамоннинг бўлиш ёки бўлмаслиги белгиламайди. Комедияда ғоявий-бадий ният ўқувчи – томошабинга қай тарзда етказилиши ҳам муаллифнинг иқтидорига ва услубига боғлиқ бўлган масала ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда айрим танқидчилар ҳажвий асарларнинг ривожини сустиги ҳақида анча кескин фикрлар ҳам бидиришди. Абдулла Қаҳҳор даврида ҳажвийёт жуда зўр эди, ҳозир унга тенг келадиган сатирик ёзувчи йўқ, бу жанр етим бўлиб қолди, ҳозирги ҳажвий асарлар бутунлай талабга жавоб беролмайди, деган фикр ҳам илгари сурилди. Умуман, адабий жараённи, “Ҳозир фалон шоир ё ёзувчига тенг келадиган ёзувчи борми-йўқми?” – деган мезон билан таҳлил қилиб, баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Агар адабий жараёнга бу хилда ёндашиб, адабийёт ривожини ҳақида ҳукм чиқарадиган бўлсак, у ҳолда Навоий ёки Бобурларни ёхуд Қодирий ва Чўлпонларнинг бетакрор истеъдодига тенг келадиган ёрқин талантлар ҳам йўқлигини исбот талаб қилмас керак. Лекин адабийёт ҳам, унинг ранг-баранг жанрлари ҳам, жумладан, комедиянавислик ҳам бутунлай тўхтаб қолгани йўқ, балки ўз даврига муносиб равишда ривожланаётганини инкор этиб бўлмайди. Юқорида тилга олинган қатор етук комедияларимиз бунга далил бўла олади.

### **3.2. Комедиянавислик ривожини анъана ва новаторлик**

Бадийий ижод аҳли қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ва ундан кейинги замонларда ҳам ўз салафларининг анъаналаридан нималарни давом эттириш кераклигини, янгилик учун кураш қандай изланишлар йўлидан бормоғини лозимлигини устида баҳс олиб боришган. Яшашга, давом эттиришга лойиқ ёрқин анъаналарнинг илдизлари жуда қадим замонлардан ўтиб келади. Улар ҳамма вақт ялт этиб кўзга ташланадиган яхлит ҳолда эмас, балки узилмайдиган адабий бир занжирнинг баъзан сезилар-сезилмас, баъзан яққол кўриниб турадиган халқалари тарзида авлоддан-авлодга ўтиб боради.

“Жаҳон адабиётшунослигида анъанавийлик ва новаторлик бадиий ижод ва эстетик тафаккур ривожининг объектив қонунияти сифатида ўрганилади.”<sup>116</sup>

Ўзбек адабиётида комедия жанр сифатида XX асрнинг бошларида юзага келган бўлса-да, лекин шу даврга қадар бир қанча гўзал намуналари яратилдики, улар нафақат ўзбек комедиянавислари учун маҳорат мактаби бўлди, балки жаҳон ва қардош халқлар адабиёти комедиянавислари учун ҳам маҳорат ва ижод мактаби вазифасини ўтаётганлигини биргина мисол билан кўриб ўтишимиз мумкин. Собиқ шўро даврида ҳам, Мустақилликдан сўнг ҳам қардош халқлар адабиёти ҳамда санъати кунлари ўтказилиши адабий-маданий анъана тусини олган ва бу ибратли анъана халқлар, миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, биродарлик туйғуларини кучайтириши билан бирга уларнинг адабиёти ҳамда маънавиятини бойитишга ҳам хизмат қилиши айни ҳақиқатдир. Юртимизда ўтказилган “Андижон баҳори-99” театр санъати фестивалининг ўзбек ва бошқа қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг ёрқин бир тантанаси сифатида улкан бир воқеа бўлганлиги маданиятимиз тарихида унутилмас таассурот қолдирган эди.

“Андижон баҳори-99” театр санъати фестивалининг эътиборли томонларидан бири шуки, қардош Қирғизистон ва Бошқирдистон театрлари ҳам ўз спектакллари билан қатнашиб, мутахассислар ва томошабинларнинг олқишини қозонди. Ўша кунлари юртимиз театрлари сахналарида бошқирд драма театри таниқли драматурги Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси намойиш этилади.”<sup>117</sup>

Асар сюжет тузилиши жиҳатидан Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясига ҳамоҳанг эканлигини кузатишимиз мумкин.

Комедияда ёш оила – ўқитувчи Сария ва милиционер Апушларнинг қишлоққа кўчиб келиши ҳамда қишлоқдаги баъзи шилқим эркакларнинг гўзал

---

<sup>116</sup>Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаххор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Фил.ф.д.дисс.авторереферати. – Тошкент: 2020. –Б. 6.

<sup>117</sup>Эсон Ўринов “Учар ошиқлар”. //Театр журналы. 1999 .№ 3. –Б. 19.

Сарияга ошиқ бўлиб қолиши билан боғлиқ воқеалар кулгили тарзда акс эттирилади. Асар давомида қишлоқнинг энг сара йигитларидан сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожигали, клуб мудирини Мунирлар қишлоқ аёлларидан кўра гўзал, хушмуомала бўлган Сарияга ёқиш учун хушомадлар, ҳар хил ҳаракатлар қиладилар. Шилқим ошиқларнинг таъзирини бериб қўйиш учун Сария худди донишманд аёл Майсара каби оқилона бир йўл топади ва бу бадният, бадхулқ кимсаларни ҳар хил вақтда уйига таклиф этади.

Эрларининг ўзгариб қолганликлари аёлларни безовта қилади. Хания, Таиба ва Шарифалар дарё бўйида йиғилишиб суҳбатлашиб ҳасратлашади.

Ошиқлар таклиф қилинган вақтда оғзи қулоғида, совға-салом билан кириб келишади. Сарияхоним уларни ноз-карашмалар билан кутиб олади, илтифот кўрсатади, совғаларини қабул қилиб олади. Сохта ошиқлар ниятимга етдим деганда, ҳар сафар эшик тақиллаб қолади ва уларни бирини шкафга, бирини сандиққа, бирини эса сўри тагига яширади. Эри Апуш воқеадан хабардор бўлса-да, милиция кийимида милтиқ билан кириб келиб, уйда кимдир бор, шекилли, деб хотинига ўшқириб кетади. Сария кўрққандай бўлиб, ошиқларни жойларидан чиқаради. Апуш уларни қўлига кишан солиб, сўри атрофига боғлаб қўяди.

Эр-хотин бориб, ошиқларнинг хотинларини олиб келади ва уларни тавбаларига таянтиради. Сария олган совғаларини хотинларига қайтариб беради ва шу йўсинда асар яхшилик билан, тўғрилиқ ва эзгуликнинг устун келиши билан муваффақиятли яқун топади. “Қувноқ, юмористик руҳ билан суғорилган ушбу асар, театршунос, адабиётшунослар эътироф этганларидек, юксак ижро маҳорати, мусиқийлиги, ёрқин сахна безаклари билан томошабинни ўзига тортади. Аммо спектаклнинг эътирозга молик жойлари ҳам йўқ эмас. Масалан, аёлларнинг дарё бўйидаги зиёфати, эркаларнинг Сария уйидаги ҳолатлари ихчамлаштирилса, асар яна ҳам томошабоп бўлар эди.

И.Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси ҳаётини мазмуни ва воқеаларнинг мантиқий ривожини ҳамда салбий қаҳрамонларнинг мағлуб

бўлиши каби жиҳатлари билан маълум даражада Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” асарини эслатади, бироқ воқеа ва конфликтнинг ўзгача замонавий ечимга эгаллиги билан ажралиб туради.”<sup>118</sup>

Маълумки, анъана ва новаторлик бадиий ижоддаги маҳорат ҳамда замонавийлик тушунчаларини ҳам ўз ичига оладиган кўпқиррали муҳим назарий категория саналади. Ҳар доим бирор давр адабиёти ҳамда санъати ҳақида жиддий мунозара бошланганда, анъанавийлик ва новаторлик масаласи, албатта, асосий муаммолардан бирига айланади. Шу маънода “Майсаранинг иши” ҳамда “Учар ошиқлар” комедияларини анъанавийлик ва новаторликнинг ўзига хос ижодий намунаси дейиш мумкин. Мазкур икки асарда ҳам ахлоқсизлик, яъни ўзганинг жуфти ҳалолига ёмон кўз билан қараш, ўзининг тубан мақсадлари йўлида ҳар қандай пасткашлик ва ифлосликни қилишга мойил бўлган салбий маъно ва характердаги сохта ошиқлар кулги остига олинган.

Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясида Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхон каби нафс қулига айланган, ахлоқан бузуқ кимсалар Чўпоннинг жуфти ҳалоли бўлган Ойхонга ошиқу беқарор бўлиб қолишган бўлса, Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедиясида эса милиционер Апушнинг хотини Сарияга қишлоқнинг олди йигитлари саналган бойвачча сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожигали, клуб мудирини Мунирлар ошиқ бўлишади.

“Майсаранинг иши” комедиясида Ойхон билан Қози, Мулла Рўзи, Ҳидоятхонларнинг “висол онлари”ни оқила ва зийрак Майсара ташкил қилишга эришган бўлса, “Учар ошиқлар” комедиясида эса бу вазифани Сариянинг ўзи Шамай, Ҳожигали, Мунирларнинг турмуш ўртоқлари билан келишган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилади. “Учар ошиқлар” асарида “ошиқ йигитлар” Шамай, Ҳожигали ҳамда Мунир ниятимга етдим деганда ҳар сафар эшик тақиллаб қолади ва Сария уларни бирини шкафга, бирини сандиққа, бирини эса сўри тагига яширган бўлса, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясида ҳам ҳар сафар бирор ошиқнинг энди кириб келган чоғида

---

<sup>118</sup>Эсон Ўринов “Учар ошиқлар”. // Театр журналы. 1999. № 3. –Б. 19.

эшик тақиллаб қолаверади ва шундан сўнг Майсара бошчилигида “учала ошиқ” ҳам бири эшакка, бири хўкизга ўхшатиб боғланган бўлса, яна бири эса бешикка беланганлигига, уларнинг шармандали аҳволига гувоҳ бўламиз.

Иккала комедияда ҳам нафс қулига айланган ошиқларни фош этиш сахнаси олдиндан ўқувчи – томошабинга ошкор қилинади. Мисол учун, “Майсаранинг иши”да Майсара ўз режаларини Ойхон ва Нодирага олдиндан айтган бўлса, “Учар ошиқлар”да эса Сария сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудирини Мунирларнинг турмуш ўртоқлари билан дарё бўйидаги зиёфатда ошиқ йигитларнинг кирдикорлари, яъни жуфти ҳалолларига бўлган хиёнатларини фош этишни олдиндан келишиб олишганлиги томошабинга ошкор этилади.

“Майсаранинг иши” ҳамда “Учар ошиқлар”даги яна бир муштарак жиҳат уч ошиқ ва бир маъшуқа образларининг гавдалантирилганлигидир. Чунончи, “Майсаранинг иши”да Ойхоннинг висолига етишиш йўлида Қози, Мулла Рўзи ва Ҳидоятхонларнинг бадниятлари кўрсатилса, “Учар ошиқлар”да эса сотувчи Шамай, бизнесмен Ҳожиғали, клуб мудирини Мунирлар Сариянинг ишқида ҳар қандай пасткашликка тайёрлиги фош этилади.

“Майсаранинг иши” комедиясида дин пешволарининг ахлоқан бузуқликлари кулги орқали фош этилгани драматургнинг юксак бадиий маҳоратини кўрсатади. “Учар ошиқлар”да эса “тўқликка шўхлик” қилмоқчи бўлган инсонлар – бири сотувчи, бири бизнесмен, бири клуб мудирининг қишлоққа янги кўчиб келган, бировнинг турмуш ўртоғи бўлган Сарияга ошиқ бўлиш ҳолатлари ва бу йўлдаги қинғирликлари комик планда маҳорат билан тасвир этиладики, бу ҳам муаллифнинг моҳир комедиянавислигидан далолатдир.

Ҳамза Ҳакимзода “Майсаранинг иши” комедияси XX аср биринчи чорагида, бошқирд драматурги Илшат Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси эса XX асрнинг охириги чорагида яратилган, ушбу асарларнинг яратилган даврларига эътибор қаратсак, шу нарса аён бўладики, бошқирд

адиби Илшат Юмағулов ўзи билиб-билмай ўзбек драматурги Ҳамзадан ижодий таъсирланган ёки сюжет линияларини шакллантиришда айнан Ҳамзанинг сюжетида фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Албатта, бу каби ижодий алоқаларни дунё адабиётидан яна келтириш мумкин. Лекин муҳим жиҳати шундаки, ўзбек адабиёти жумладан, комедиялари ҳам бошқа миллат адиблари учун ижодий маҳорат мактаби вазифасини ўтаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Санъат асарининг, айниқса, ундаги персонажларнинг сўзларига, монолог ва диалогларга кўпроқ асосланадиган драматик асарларнинг етук бўлиши унинг тили ва услубига бевосита боғлиқ. Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ва Эркин Воҳидов комедияларининг ҳам муваффақият қозониши ва томошабинларга манзур бўлишининг асосий сабаб ва омилларидан бири, шубҳасиз, уларнинг бекиёс тилида ва адибларимизнинг юксак сўз санъаткорлигидадир. Бу жиҳатдан Абдулла Қаҳҳорнинг Ҳамза асарлари ва драмаларининг элга манзур бўлганлиги сабаблари ҳақидаги мулоҳазалари бадий тилнинг адабиётдаги ўрни ва аҳамиятини англашда ҳам қимматли бир хулоса бўлаолади. “Ҳамза Ҳакимзода асарларининг халққа бу қадар яқин ва суюмли бўлишига асосий сабаб унинг замон билан ҳамнафас ва халқ дилининг таржимони бўлганлигидир. Шу сабаб унинг тилини халққа ниҳоятда яқин қилди. Ҳамзагача ва Ҳамза даврида ҳам ҳеч бир ёзувчининг тили Ҳамза тилидек жонли ва ранг-баранг халқ тилига яқин бўлган эмас”<sup>119</sup>, – деб ёзганда, сўз зарғари Абдулла Қаҳҳор, ҳеч шубҳасиз, ҳақ эди.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Ҳамза Ҳакимзоданинг “Майсаранинг иши” комедиясидан кўплаб мисол келтириш мумкин. Чунончи, Майсара бадният шарият пешволарига қарши ўзининг пухта ўйланган тадбири ҳақида Чўпонга шундай дейди: “Қочсак номардликдир, киши ўлдирсак жиноятдир. Турсак икки бошдан тилагимиз, номусимиз барбод бўлур. Бир иш қилиш керакки, душманларни ўз-ўзларича ўлимга маҳкум этайлик, Ойхонни соғлом қўлда қолдириб, юрт-элга номусимиз билан саломат кетайлик. Ўғлим, шер

---

<sup>119</sup> Ҳамза . Асарлар. Тўртинчи том. –Тошкент: 1989. –Б. 28.



йигитни одам ўлдирмас, номус ўлдирур. Биз бир иш қилайликки, шармандаларни ер юзига дoston қилиб кетайлик!” Шу тариқа оқила ва доно Майсара бу тадбири билан ёмонларнинг сирларини эл олдида ошкора қилишни уларга энг ўткир жазоларидан, деб билади ва уни зийраклик билан амалга ошради. Унинг сўзлари маънодорлиги ва чуқур миллийлиги билан чиндан ҳам халқ ҳикматларига ўхшаб кетади ва томошабинларнинг эътиборини жалб этади.

Комедиядаги етакчи образлардан бири Мулладўстнинг сўзлари ҳам унинг характери ва ижтимоий ҳаётдаги бир камбағалнинг мавқеига ҳар жиҳатдан мос келиши ва халқона руҳи билан томошабинда катта қизиқиш уйғотади. Бир қарашда Мулладўст гўё ўзининг ночор аҳволидан ва омадсизлигидан ҳасрат қилаётгандек туюлса ҳам, аслида эса, у ўзининг ўткир кинояли ҳамда чуқур мантикий сўзлари билан бадният дин ва шарият пешволаридан шикоят қилади, уларнинг сир-асрори, кирдикорларини фош этиб ташлайди. Унинг индивидуаллашган, ўзига хос тили ва сўзлаш манераси ҳамда оҳанги қанчалик халқчил бўлганидек, шунчалик тагдор ва маънодорлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Унинг ислом маърифатидан йироқ бўлган сохта ва мунофиқ руҳоний – уламоларга нисбатан оддий меҳнаткаш халқнинг нафратини ифодаловчи “Уламоларда ёлғон гап йўқ-ку, ҳийлайи шаръий жуда кўп-да” деган истехзоли пичингларида ҳам уларнинг иккиюзламачи ва ҳийлакорликларига яққол ишора акс этиб туради.

Комедиянавислик маҳорати ҳақида фикр юритганда, албатта, сўз санъаткорлиги ва бадиий тил маҳорати хусусида ҳам тўхталишимиз зарур. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидов ўзбек тилимизнинг миллийлиги, халқчиллиги ва софлигини асраш ҳамда уни ардоқлаш йўлида беқиёс фаоллик кўрсатди. Тил улар учун ҳамиша адабиёт ривожининг асосий шарти, омили бўлган. Бу ҳақда адиб шундай дейди: “Адабиёт–бу тил! Мен шу вақтга қадар бирор ёзувчи тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ. Агар ҳозир мендан “Сиз учун тил бадиий

ижоднинг бошқа муаммолари орасида қандай ўрин тутади?” – деб сўрашса, мен жавоб беришга қийналаман. “Асосий ўринни”, – дейишдан бошқа сўзим йўқ.”<sup>120</sup> Чунки бадиий адабиёт ва унинг асосий қуроли бўлган тил ҳамиша инсониятга хизмат қилади ва у билан ҳамнафас, ардоқли бўлиб яшайди.

Санъат асари учун бадиий тилнинг нечоғлик катта аҳамият касб этишини ҳассос шоиримиз Эркин Воҳидов асарлари ва эстетик қарашлари мисолида ҳам тасаввур этиш мумкин. “Биз бадиий адабиётни сўз санъати деймиз. Улуғ ёзувчиларимизнинг, шоирларимизнинг сатрларидан санъат намунаси сифатида баҳра оламиз. Лекин ҳозирги замон асарларини шу жиҳатдан кам ўрганамиз. Танқидчиларимиз машҳур лупаларини йўқотиб қўйганга ўхшайди. Бадиий асарни сўзма-сўз, жумлама-жумла таҳлил қилиш, шоир ёки ёзувчининг заргарлик хислатини ўрганиш ва назорат қилиш етшмаяпти.”<sup>121</sup>

Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов ва бошқа классикларимизнинг буюк бир хизматлари ҳам шундаки, улар ўзларининг етук бадиий асарлари, ёрқин комедиялари билан ўзбек адабиётимизни янги бир поғонага кўтариш баробарида миллий тилимизнинг бойиши ва ривожига ҳам беқиёс ҳисса қўшдилар. Уларнинг асарлари ўзбек тилимизнинг бутун нафосати ва бойлигини ўзида мужассамлаштиргани билан алоҳида ажралиб туради. Бу адибларимизнинг тилимиз жонкуяри сифатидаги серқирра фаолияти бугунги кунда янада ибратли. Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги Фармони муносабати билан миллий тилимиз равнақи учун жонбозлик қилиш ҳар бир зиёли ва ижодкорнинг ватанпарварлик бурчига айланаётган пайтда Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Воҳидовларнинг асарлари, бетакрор сўз санъаткорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Кўплаб адабиётшунос ва услубшунос олимларимиз тўғри таъкидлаганидек, уларнинг сўз танлаш ҳамда қўллаш санъати ўзига хос бир

<sup>120</sup> Қаҳҳор А. Асарлар. – Тошкент: 1988. –Б. 155.

<sup>121</sup> Воҳидов Э. Изтироб. – Тошкент: 1992. –Б. 192.

маҳорат мактабидир. Бундай мавзу – муаммоларни кенг ўрганиш, айниқса, бугунги кунда янада долзарб ва аҳамиятли эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Абдулла Қаҳҳор шундай истеъдодли драматурглардан бири эдики, у миллий тилимизнинг, яъни ўзбек тилининг бой имкониятларини чуқур билган, ҳар бир сўзнинг кадр-қимматини англаган ҳолда тилимизнинг бутун бойликларидан ва маъно ифодалашдаги барча фазилатларидан унумли фойдалана олган. Абдулла Қаҳҳор оғзидан чиққан ҳар бир ибора чуқур мантиқий, тагдор, образли бўлар эди. Ёш ёзувчилардан ҳам шуни талаб қилар эди: “Сўзни миҳ қилиб қоқиб, қалпоғини узиб ташла, биров суғуриб ололмасин”, – деган эди у суҳбатлардан бирида (Э.Воҳидов). Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Тобутдан товуш” комедиясидан биргина мисолни эслаш кифоя. Асарда Сухсуров билан Шобаратнинг укаси ўртасида кечган суҳбат – диалогда бу қаҳрамонларнинг инсоний қиёфаси, ички дунёси, ҳар бирининг индивидуал шахс эканлиги ҳамда Сухсуровнинг ўз хизматкори Шобаратнинг қийин қисматига бўлган муғомбирона муносабати ойнадек равшан акс этиб туради.

Ёхуд комедиядаги асосий образлардан бири ўзини тақводор, дин вакили қилиб кўрсатувчи, аслида, ишратпарсат, таъмагир Қорининг, Навоий қоралаган сода шайх каби мунофиқ, ҳийлакор бир кимса эканлиги ҳам унинг бир-икки монологи ва сўзларидан аён бўлиб туришини ҳам таъкидлаш лозим. Таассуфки, улуг адибларимизнинг бундай ижодий анъана ва ақидалари бугунги ижодкорларимиз, хусусан, комедиянависларимиз томонидан муваффақиятли давом эттириляпти, деб айтиш қийин. Ҳозирги комедияларнинг ғоявий-бадий савияси пастлиги яна шу ҳолат билан ҳам изоҳаланадики, уларда персонажлар жонли, ўзига хос характер сифатида гавдаланмайди, сўзлашувлари ҳам индивидуаллашмаган, кўп ўринларда эзмалик, чўзиқлик бор. Бу – нафақат комедиянавис ижодкорлар учун, балки бугунги адабий жараён ва танқидчилигимиз учун ҳам жиддий бир муаммо саналади.

Бевосита ўзбек адабиётида комедия жанрининг тарихий тараққиётига эътибор берадиган бўлсак, пайдо бўлган даврдан то бугунги кунгача, унинг жанр сифатида бир қанча ўзгариш ва янгиланишларга учраганлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, адабиётимизда комедия жанрининг илк қалдирғочи ҳисобланган “Майсаранинг иши” асари билан Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ҳамда Шароф Бошбековларнинг комедиялари ўртасида жанр спецификаси жиҳатидан олиб қаралганда, бир қанча тафовутлар борлигини сезиш қийин эмас. Бу нарса бевосита асарлар таҳлили мисолида янада яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, “Майсаранинг иши” комедиясида комизм, комик вазиятлар кўпроқ персонажларнинг ташқи турли ҳолати ва ҳаракати воситасида юзага келтирилади. Лекин бу комик ҳолатларнинг юзага келтирилиши томошабинга олдиндан маълум бўлади.

Мисол учун асардан олинган ушбу парчага эътибор берайлик: “Майсара: Бағрим Чўпон, отанг менга топширди. Мен олмадим. “Жон бор жойда қазо бор”, деб ҳарна бўлса шариат қўлида тургани яхшироқ, деган эдим. Энди сен олтин ҳасратини қилмағил, унинг ҳам чорасини топгандирман. (Рўмолча учидан уч олтин чиқариб бериб) Ма, сен мана шу олтинни ол, эртага йўлга чиқ, бир кунлик нари қишлоқдан икки от ол, кучлик чопқир зотлардан бўлсин, эгар-анжом ҳозир қилгин.... Бошқа томон билан сенинг ишинг бўлмасин.

Чўпон – Сиз бунда қолиб нима қилурсиз?

Майсара – Биз Қози, аълам, муфтиларни бу уйга келтириб, қўл оёқларини боғлаб, икки жаҳон шармандаси қилиб, қочиб сенга етурмиз.

.....

Майсара – Ҳар қайсисини ўз жой-жойига қўяйлик. Токи ёлғиз ўзим шошилмайин.

Нодира – (кулиб). Холажон, бунча ишни бир ўзингиз бажарурсиз? Булар нима ўзи?

Майсара – Тангрим сизларни бахтларингизга ёрдам берса, бажарурман.

Нодира – Мунча қийин ишларни кўпайтирмай, курук ўзларини боғласак бўлмасмиди?

Майсара – Қизим, иш қилсанг шундай қилки, бутун дунё кулсин, ё бутун дунё йиғласин! Буларни ҳозир сизларга тушунтиришга вақт йўқ. Келинг олиб киришлар! (Ойхонга). Бешик қани?

Ойхон – Ҳозир олиб кираман, эшик олдида турибди.

Нодира – Бешик нимага керак?

Майсара – Нодирахон ишингиз бўлмасин. Кўтаринглар, кеч бўлди. Бешикда куёвингиз ётурлар.

Ҳамма. Ё пирим!

Нодира – (кулиб юбориб). Бешикка менинг куёвим қандай сиғади?

Ойхон – (кулиб). Билмайман, холам қандай ишлар қилмоқчи?

Майсара – Белаганимда кўрурсиз. (олиб кириб қазноққа кўядилар, Ойхонга) беда ҳам келтириб қўй! Арқонларни келтириб қўйганмисан? Болта, теша-ҳаммаси борми?

Ойхон – (кўрсатиб). Ҳаммаси бор. Бешик билан чиғирпоя қолди, холос.

Майсара – Тез келтир.”<sup>122</sup>

Кўриб ўтганимиздек, бу каби кулгили вазиятларни юзага келтириш, яъни комик ҳолатни ҳосил қилиш ҳақида ўқувчи-томошабинни олдиндан хабардор қилиб қўйиш, кулгили вазиятларни ҳосил қилиш режасини олдиндан тузиб чиқиш, гўёки, ўқувчи – томошабинга қаерда кулиш лозим, қаерда кулмаслик кераклиги ҳақида муаллиф маслаҳат бераётгандек кўринади. Қаерда, қай вазиятда комик ҳолат юзага келиши ҳақида ўқувчи – томошабиннинг олдин хабардор бўлиши, табиийки унинг таъсир даражасини, кулгили вазиятнинг аҳамияти ва қимматини бирмунча туширади.

Умуман олганда, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясида деярли барча комик ҳолатлар, комик вазиятлар бош қаҳрамон билан боғланади ва комизм юзага келтиришда ҳам Майсара бевосита ва билвосита етакчилик

---

<sup>122</sup>Ниёзий Ҳ.Ҳ. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 4- т. –Тошкент: Фан, 1989. –Б. 24-25.

килади. Майсара ўзини кулгили тарзда намоён этмайди, сатирага хос фош этиш ва жазога тортиш унга нисбатан ишлатилмайди. Бундан кўринадики, ушбу комедияда комик ҳолатларнинг вужудга келиши ва сюжет тузилиши бирмунча схематик характерга эга. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, “Майсаранинг иши” комедияси яратилган давр нуқтаи назаридан, ўзбек адабиётида биринчи жанр намунаси эканлиги ҳамда муаллифнинг бу соҳадаги илк тажрибаси эканлигини ҳисобга олганда, адабиётимиз учун мазкур асар алоҳида аҳамиятга эга, дейиш мумкин. Ўтган асрнинг 30-40-йиллари ўзбек драматургияси бошқа жанрларга нисбатан у қадар ривожланмади. Ҳамзадан кейин ўзбек адабиётида комедия жанрининг юксак намуналарини яратган адиб – Абдулла Қаҳҳор бўлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамон характери хусусиятларини унинг тили воситасида очиб бериши, тақдир ва қисматини, ички руҳий оламини, характернинг ривожланиш жараёнини диалоглар орқали бера олиш, воқеалар ривожини, бадий конфликт зиддиятларини ўзаро диалогларда ҳамда монологларда ёритиш ва ўзига хос сўз қўллаш маҳорати драматик асарларининг ҳам шуҳратига сабаб бўлган асосий омиллардан саналади.

Муаллифнинг драматик асарлари муваффақиятини таъминлаган муҳим сабабларидан яна бири бу – ўз давридаги жамият муаммоларини умумлаштириб, типик характерларда кўрсатиб бера олганлиги ҳисобланади. Яъни, Абдулла Қаҳҳор инсонлар ҳаётида учраётган муаммо ва камчиликларни, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ихтилофларни маҳорат билан танқид остига олиб, уларни кулги ва сатира ёрдамида очиб ташлашга эришади.

Абдулла Қаҳҳор комедиялари комизмнинг юзага чиқиши, сатирик кулгининг фош этувчи қудрати, комик тип ва характерларнинг чуқур миллийлиги ҳамда мукамаллиги, бадий конфликтнинг ҳаётийлиги, такрорланмас характерга эгаллиги жиҳатларидан олиб қаралганда, бемалол жаҳон адабиётидаги энг сара комедиялар билан тенглаша олади.

Ҳамза Ҳақимзода ўз комедияларида комикликни, асосан, турли хатти-харакатлар ва ҳолатлар воситасида амалга оширса, Абдулла Қаҳҳор эса, бунга бадиий тил бобидаги юксак маҳорати орқали эришади. Адиб ўзининг илк сахна асари “Шоҳи сўзана” комедияси билан ўз иқтидорининг янги қирраларини намойиш қилди ва миллионлаб китобхон ва томошабинларнинг, жумладан, хорижий элларнинг ҳам муҳаббати ва олқишига сазовор бўлди.

Қисқа муддат давомида Абдулла Қаҳҳор ўзбек комедиянавислигининг катта ва етакчи вакилига, бу жанрнинг сермахсул ижодкорига айланиб қолди. У ўзбек комедияси жанрини янги-янги хусусиятлар, ўзига хос сифатлар билан бойитган “Оғриқ тишлар” ҳамда “Тобутдан товуш” асарлари билан бу жанрнинг ўлмас намуналарини ярата олди. Хуллас, Абдулла Қаҳҳорнинг драматургия соҳасида эришган ютуқлари адабиётимизда комедия жанрининг кенг тараққий этишига сезиларли таъсир кўрсатди, бошқа ижодкорларнинг ҳам ҳажвий сахна асарлари яратишларига ижодий бир илҳом бағишлади.

Ниҳоят, кейинги йилларда ўзбек комедиянавислигида яратилган ғоявий-бадиий етук асарлардан бири сифатида Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” комедиясини мамуният билан тилга олишимиз ўринли бўлади. “Темир хотин” комедияси ғоявий-бадиий қуввати, эмоционал ва эстетик савияси жиҳатидан нафақат муаллиф ижодида, балки ўзбек комедиянавислигида ҳам ўзига хос, бетакрор асарлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек адабиётида мазкур комедия сингари халқимиз турмуш тарзини, ҳаётини бор бўйича, мураккабликлари билан тасвирлаб бера олган бошқа бир бадиий асарни топиш мушкул бўлса керак. Тўғри, анча йиллар ўтгандан кейин ва Мустақиллигимиз шарофати билан яратилган айрим асарларда бу ҳаётий ҳақиқат бир қатор асарларда ўзининг реал ифодасини топа бошлади. Бу ўринда биргина ёрқин мисол келтириш билан чекланамиз. Яъни Шароф Бошбеков каби ўзбек аёлининг машаққатли ҳаёти ва фожеона тақдирини ҳаққоний акс эттирган етук асарлардан бири, бу, шубҳасиз, талантли ёзувчимиз Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романидир.

Дарҳақиқат, ой-у йиллар пахтакорлар билан бирга яшаб, бирга турган ва уларнинг бутун азоб-уқубатлари-ю, ғам-андуҳларини бирга тотган шижоатли ёзувчи Тоғай Мурод заҳматкаш ўзбек деҳқонининг туганмас ранжу меҳнатларини шу қадар кучли эҳтирос ва ички тўлқин билан жўшиб тасвирлаб беради. Фидойи халқимизга, мунис оналарга ўз жигарбандидек жонкуяр бўлган ва қанчалик оғир бўлмасин, ҳаёт ва тарих ҳақиқатидан чекинмаган жасоратли адибгина “жони тошдан, тани темирдан яралган”, гулдай умри пахта эгатларида бевақт хазон бўлган ўзбек аёлининг ўкинч – армон тўла ҳаёти ва аянчли тақдирини жамики мудҳиш фожеалари билан шу даражада мардона кўрсата олиши мумкин. Ана шундай ҳаққоний тасвир орқали ўқувчи Деҳқонқул ва Қўчқорларга ўхшаб қишин-ёзин ўзини аямасдан ишлаб, умрида бирор рўшнолик кўрмаган юзлаб софдил ва диёнатли инсонларнинг аччиқ қисматига қалбан шерик бўлади. Шароф Бошбеков ва Тоғай Мурод каби реалист адибларимизнинг бундай асарларининг асосий ғоявий-бадий ва ижтимоий-эстетик қиммати ҳам мана шунда. Яъни улар мудроқ босган тарихий онгу тафаккуримизни, миллий ғурур ва руҳиятимизни уйғота олишида десак, ҳақиқатга хилоф бўлмайди деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек миллатининг, айниқса, қишлоқ одамларининг фожиали ҳаёт тарзини кулгили йўсинда акс эттира олганлиги билан эса ушбу комедия адабиётимизда бетакрор саналади. Шароф Бошбеков комедиянинг бош сахнасидаёқ Қўчқорнинг оиласи, рўзғоридаги ҳамма нарсада нимадир етишмаётганлигини тасвирлаб беради. Тасвирдаги бу ўзига хосликнинг сабабларини илғаган томошабин – китобхонгина асарнинг ҳаётий замини ва бадий беқийёслигини тушуниб олади. Қўчқорнинг уйи тасвирига эътибор берайлик: уйдаги деразанинг бир ойнаси синганлиги, дераза ромларидан бири бўялган бўлса, иккинчиси бўялмаганлиги, сўрининг бир оёғи камлиги, чойнак жўмрагининг синиқлиги, пиёласининг бир томони учганлиги каби рўзғордаги кўплаб камчиликлар тасвири мазкур қаҳрамоннинг ғарибона ва афтодаҳол турмуш тарзига кўниккан ва бошқача бўлишни ҳаёлига ҳам



келтира олмайдиган инсон эканлигини очиб беришга хизмат қилган. Унинг дунёкараши, ўй-тафаккури, ҳатто орзулари ҳам ана шу забун турмушига мос.

Қўчқорнинг турмуш ўртоғига бўлган муомаласи тасвири аксарият ўзбек оилаларидаги ўзаро муносабатларни ҳаётий акс эттиришнинг етук бир намунаси, десак хато бўлмайди. Қўчқор кўпчилик ўзбек эркаклари каби хотинига анча юқоридан келиб муомала қилади. Худди шу жиҳат мазкур образнинг миллий ва ҳаётий асосга эга эканлигини кўрсатади. Қўчқорнинг довдир, содда ва айни дамда, топқир, сўзамол, ҳазилкаш ҳамда бир қадар мақтанчоқ образ эканлиги ўқувчини ўзига жалб қилиши табиий. Масалан, ичиб келиб жанжал қилганлиги учун боғлаб қўйилганлигини билган Қўчқор турмуш ўртоғи Қумрига: “Бўпти кечирдим, қўлни еч”, – дейиши ҳам, унинг айни ўша вазиятдаги ҳолатига, умуман, тескарилиги ҳам мазкур образ шахсиятига хос белгиларни очиб бериши билан эътиборни ўзига жалб этади. Ўзи тушиб қолган ҳар қандай вазиятга кўникиб кета оладиган, айни дамда, ўзини мазкур ҳолатнинг эгаси – хўжайини санайдиган Қўчқорнинг инсоний кифоаси ва сийрати шу тарзда кўз ўнгимизда намоён бўлиб боради.

Миллатимизга хос фикрлаш, халқимиз руҳиятини намоён этиш асар қаҳрамонларининг ҳар бир сўз-у, хатти-ҳаракатларида кўзга яққол ташланади. Мисол учун, Қумрининг: “Айтадиганингизни айтдингиз....”, – деб айтган биргина гапининг ўзида ҳам оғир кўнгилсизлик ифодаланганлигини пайқаш қийин эмас. Ҳақиқатан ҳам, қаҳрамонимиз мастлик чоғида хотинини кет деган бўлиши мумкин. Маълумки, ўзбек оилаларида турмуш ўртоғини кет дейиш – талоқ қўйишга яқин бир ҳолат саналади. Мазкур жумлалар орқали Қўчқорнинг таҳқиромуз қилиқларига шу вақтгача ўзбек аёлларига хос сабр-тоқат ва кечиримлилиқ билан чидаб келган Қумрининг ота-онасиникига кетишига мажбур қилган жиҳат нималигини тахмин қилишимиз мумкин. Ёзувчининг маҳорати яна шундаки, комедияда ўзбек тилимизнинг маъно қирралари тўлиқ ўз аксини топган. Қўчқорнинг нутқидаги ўзига хослик образнинг ички характерини очиб бериш учун хизмат қилади. Мисол тариқасида Қўчқорнинг тилида кўп ишлатиладиган биргина “барака топсин”

сўзлари ҳам унинг сал нарсага асабийлашиб кетиши тасвирлари қаҳрамон шахсияти ва миллий руҳияти ҳақида яққол тасаввур уйғотиши мумкин.

Қумри образи орқали ҳам ўзбек аёлларига хос кўплаб хусусиятлар маҳорат билан акс эттирилган. Мазкур қаҳрамонда аёлларимиздаги энг юксак инсоний фазилатлар умумлаштирилган. Асар ниҳоясида Қўчқор Қумрининг кўллари юзига босганда, аёл қандай ҳолатга тушганлиги тасвири миллий руҳиятимиз ва бағрикенгликни очиб бериш бобида алоҳида аҳамиятга эга.

Драматург Машраб Бобоев комедиянинг шу каби ўзига хос жозибадорлик хусусиятларига тўхталиб, қуйидагиларни ёзган эди: “Шароф Бошбековнинг иккинчи асари – “Темир хотин”. У ҳақиқатан ҳам талаш бўлиб кетди. Пьеса на бир тарихий сана, на бир муҳим мавзуга бағишланган. Оддийгина, қишлоқ ҳаётдан олиб ёзилган, бундай олиб қаралганда, уйдирмасифат бир комедия. Бироқ ҳам театрнинг, ҳам томошабиннинг эътиборини, меҳрини қозонди. Нега? Чунки бу асарда жуда кўп асарларимизга етишмаётган нарса – ҳаёт бор. Ҳаёт бўлганда ҳам айнан бугунги ҳаёт, унинг санъаткорона ифодаси мавжуд. Томошабин бу асарда ўзининг ҳаётини, ички оламининг аксини, тилнинг учиди турган дардинигина кўриб қолмайди. Ундан жуда катта бадийий, эстетик завқ, маънавий озуқа ҳам олиб чиқади.”<sup>123</sup>

Дарҳақиқат, “Темир хотин” яратилган давридан бошлаб, бугунги кунимизгача ўзининг бадийий-эстетик аҳамиятини йўқотганича йўқ. У театр сахналарида ҳамон қўйилмоқда, асар асосида кинолар ишланди, томошабин ва китобхонлар ҳали ҳам бу асардан ўзларига керакли маънавий сабоқларни олаяпти.

Муаллифнинг ўз асари ҳақидаги фикрлари ҳам китобхон ва томошабинларни қизиқтириши табиий. Унинг сўзлари асар моҳиятини англашда муҳим бир очқич бўла олади: “Қишлоқ аёлларининг турмуш ва иш шароити қандай аҳволда эканлиги барчага маълум. Навниҳол қиз-жувонларнинг ўз жонига қасд қилишдек машъум ҳодисалар ҳам ҳеч кимга

---

<sup>123</sup> Бобоев М. Камолотнинг она замани. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил 17-март.

сир эмас. Афсуски, оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни фожеанинг туб сабабларидан чалғитиш мақсадида ҳамма айбни дин ва диний ақидаларга ағдариб келди. Турмуш бундай қарашларнинг тамомила нотўғри эканини кўрсатди. Бугунга келиб эса “Жохил эр, мижғов қайнона ва бағритош қайнота айбдор” каби бемаънилиги аниқ-тиниқ кўришиб турган яна бир “сабаб” қулоққа чалинаяпти. Бугун ҳаётнинг ўзи фактларни олдимизга қалаштириб қўйаяпти. Кўриб, идрок этиб, хулоса яшаш қолди, холос. Ҳа, яна: уни овоз чиқариб айтиш қолди. “Темир хотин”да бироз бўлса ҳам овоз чиқаришга уриниб кўрдим.

Сарлавҳадан ҳам маълумки, асар АЁЛ ҳақида. Унинг алғов-далғов ҳаётимиздаги ўрни, кадрланган-кадрланмаган меҳнати, етган-етмаган орзу-ниятлари ҳақида. Ва бир озгина биз, эркаклар ҳақида.

Йўқ, асарда ловуллаб ёнаётган аёлнинг дод-фарёди, етим қолган болалар ёки дарду алам гирдобига ирғитилган ота-оналарни кўрмаймиз. Юракларни қон қилувчи суд жараёни ҳам йўқ, ҳатто пьеса бу масалага бағишланмагандек кўринса ажаб эмас. Негаки асарнинг жанри жуда ғалати – “жиддий комедия”. Қизик, нега жиддий, агар у комедия бўлса? Ёки нега “комедия”, агар у жиддий бўлса? Умуман, инсон фожеаси ҳақида комедия ёзиш шаккоклик эмасмикин? Ўйлайманки, қимматли ўқувчи бу саволларга асарнинг ўзидан жавоб топа олади.”<sup>124</sup>

Шароф Бошбековнинг ўзига хос камсуқумлик ва камтарлик билан айтилган бу эътирофи шунчаки журналист – мухбирлар учун айтилган ва дафъатан ёзувчи ҳаёлига келиб қолган анъанавий ва умумий гаплар эмас.

Муаллифнинг ушбу сўзларида, энг аввало, мустабид тузум давридаги машъум сиёсат ва ҳукмрон маккорона мафкуранинг бўйинтуруғи осилган, эрк – ҳуқуқсиз халқимизнинг нурсиз ҳаёти ҳамда унинг забун, ночор турмуши миллатпарвар адибларимиз учун ҳам оғир бир кўргулик бўлганлиги ва бу адолатсизликларни рўйи-рост айтишга ижодкорда ҳам эркинлик ҳамда имкон бўлмаганлиги аччиқ бир ҳақиқат тарзида

<sup>124</sup>Бошбеков Ш. Темир хотин. // Ёшлик журнали. 1989 йил 5-сон 21-бет.

ифодаланганини сезиш мумкин. Ёзувчининг юқоридаги мулоҳазаларидан шу нарса аён бўладики, ўша давр фожеаси мазкур асарда комик планда ўзининг ҳаққоний аксини топган. Ушбу фикр ва мулоҳазалар замирида аччиқ ҳаёт ҳақиқати моҳирона тасвирланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бевосита асарга мурожаат қиламиз:

“**Аломат.** Ўзингизга бир ташқаридан қаранг, қайси замонда яшаяпсиз ўзи? Кимга ўхшайсиз? (Эски кўрпачаларни кўрсатиб.) “Пахтакорман” деб кўкрагингизга урасиз-у, кўрпангизга пахта тополмайсиз! Оёғингизга илиб олган калишингиз қаердан чиққан? Тошкентданми? Янгийўлданми?”

**Кўчқор.** (Оёғини йиғиштириб). Калишмас, патинка..

**Аломат.** Бу дунёга келиб нима кўрдингиз, Кўчқор ака? “Икки марта Тошкентга борганман” деб мақтанасиз, одамлар “Оқ денгизу, Қора денгиз” килиб юришибди! “Ҳа энди, улар бошқача одамлар-да” дейсиз. Нимаси бошқача?! Шу даражага етгансизки, бора-бора уларга ҳавас ҳам қилмай кўйгансиз! Ҳавас қилавериб, орзу қилавериб чарчагансиз. Ҳолдан тойгансиз!”<sup>125</sup>

Муаллиф Аломат образи воситасида биргина пахтакор тракторчи Кўчқорга эмас, балки бутун ўзбек халқига, унинг қашшоқ турмуш тарзига, миллатимизнинг ўша давр сиёсатинингисканжаси оқибатида тушиб қолган маънавий инқирози ва фожеавий тақдирига ишора қилмоқда, десак баландпарвоз гап бўлмайди. Юқорида бир неча комедиялар мисолида таъкидлаб ўтилганидек, кўпроқ сатирик комедияларда фожеавийлик ва комиклик уйғунлашиб кетиши мумкин. Аммо “Темир хотин” жанр хусусиятига кўра юмористик комедия бўлса-да, унда ҳам шу ҳолатни кузатамиз. Сатирик комедиялардан фарқли равишда унинг воқеалар ечими ҳам фожеа билан якун топади.

Хуллас, Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари ўзбек комедияси жанр хусусиятларига ўзига хос ўзгариш олиб кирди, десак хато бўлмайди. Асарда ўша давр фожеаси кулгили тарзда, комик ҳолатларда ўз аксини

---

<sup>125</sup>Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди?. Пьесалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 199-200.

топган, лекин асар ечими фожеа билан яқунланади. Шунини айтиш керакки, комедияда кулгилиликл ва фожеавийлик бирлашиб, яхлит бир сюжет қурилишини ташкил этган. Дарҳақиқат, бу каби ўзгариш ва ўзига хосликларни ўзбек комедияси жанридаги янгилашни сифатида баҳолаш мумкин.

### **Учинчи боб бўйича хулоса:**

1. Ўзбек адабиётида комедия жанри илк шаклланиш босқичидан то бугунги ривожига, тарққиётнинг турли босқичларида шакл ва мазмун жиҳатидан турлича ўзгариш ва янгилашни ўзида намоён қилди.

2. Комедия жанрининг илк намуналарида бадиийликдан кўра баёнчилик, характерларнинг тўлақонли шаклланимаганиги, сюжет тузилиши ҳамда комик вазиятларнинг юзага келтирилиши схематик характерга эга эканлиги таҳлиллар жараёнида яққол кўзга ташланади.

3. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, сюжет қурилиши, комик вазиятларнинг юзага келтирилиши, бадиий тасвир, характерлар мукамаллиги ҳамда комедия поэтикасидаги такомил жиҳатларидан олиб қаралганида ўзбек комедияси ўзининг айрим намуналари мисолида жаҳон адабиётидаги сара комедиялар билан тенглаша олди.

4. Сўнги йилларда яратилаётган айрим комедияларда кулгилиликл ва фожеавийлик бир бутун ҳолда келиб, яхлит сюжет тузилмасини ҳосил қилмоқда. Бу хусусиятни ўзбек комедияси табиатидаги янгилашнилардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Умуман олганда, тадқиқотда қўйилган мақсадни амалга ошириш ва мавзунинг муайян қирраларини ўрганишимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

## ХУЛОСА

1. Ўзбек драматургиясида комедия жанри шаклланиб, ривожланиши ҳамда етук намуналари яратилгани адабиётимизнинг жиддий ютуғи. Комедиянинг жанр хусусиятлари такомиллашиб, айрим белги – тамойиллар ўзгариши, янги мазмун ва моҳият касб этиши табиийдир.

2. Ўзбек адабиётида комедия жанрининг юзага келиш манбалари ҳаёт талаби, миллий-маданий удумлар ва анъаналаримизга ҳамда европа ва жаҳон адабиёти тажрибалари билан боғлиқ. Аммо ўзбек драматургиясининг шаклланиши ҳамда ривождаги ҳаётий ва бадиий-эстетик омилларни белгилашдаги баҳсли қарашларга танқидий баҳо берилди. Ҳамза, Қахҳор ёхуд Ш.Бошбековлар етук комедияларидаги асосий воқеалар ва бадиий деталларни халқ ҳаёти, миллий руҳиятидан олиб тасвирлаган.

3. Комедиянинг илк намуналарида баёнчилик, характерларнинг тўлақонли шаклланмагани, сюжет тузилиши ва комик вазиятларнинг схематик йўсиндалиги кўзга ташланади.

4. Комедиялар табиатида реал воқелик билан боғлиқ тадрижий ўзгаришлар ва реалистик хусусиятлар барқарор сақланишининг ғоявий-эстетик, амалий ҳамда назарий асосларини ёритиш адабиётшунослик учун ҳам муҳимдир.

5. Комедия жанрининг тадрижий ривожланиш босқичларида шакл ва мазмун жиҳатидан турлича ўзгариш ҳамда янги ланишлар намоён бўлади; комедия юмористик ва сатирик кулги воситасида воқеликни кенг акс эттириш имконияти билан ажралиб туради.

6. Ижтимоий ҳаётдаги идеаллар комедиянинг эстетик баҳолашдаги муҳим мезони. Ижтимоий идеалнинг ўзгариши, такомилли комедиялар табиатидаги ўзгаришларга сабаб бўлади.

7. Комедиядаги кулги юмористик ё фожевий характерга эга бўлиши мумкин ва бу жиҳат комедия моҳиятини ўзгартирмайди; реал ҳаётий воқеалар таъсирида комизм трагик талқинга, трагизм эса комик талқинга айланиши мумкинлиги комедияларга хосдир.

8. Ўзбек адабиётидаги комедиялар икки хил эмас, балки воқеавий асосига кўра тўрт типга бўлинади: характерлар комедияси; ахлоқ комедияси; маиший комедиялар; ижтимоий-сиёсий комедиялар бўлиши кўрсатилди.

9. XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, сюжет қурилиши, комик вазиятлар юзага келтирилиши, бадиий тасвир, характерлар мукамаллиги ва комедия поэтикасидаги такомиллашуви билан ўзбек комедиясининг етук намуналари жаҳон адабиётидаги сара комедиялар даражасига кўтарилди. Ҳамза, Қаҳҳор ҳамда Ш.Бошбеков комедияларининг муваффақият қозониши, шубҳасиз, уларнинг беқиёс тили, юксак сўз санъаткорлигида эканлиги далилланган.

10. Халқимизнинг яқин ўтмиши ва машаққатли ҳаёти, ўзбек деҳқони ҳамда пахтакорларининг аянчли тақдирини ҳаққоний акс эттиришда Эркин Воҳидов, Шароф Бошбеков ижодидаги ғоявий-бадиий муштараклик ўзбек адабиётининг ёрқин бир саҳифасини ташкил этади.

11. “Темир хотин” комедиясида кулгилилиқ ва фожиавийлик бир бутун ҳолда келиб, яхлит сюжет тузилмасини ҳосил қилмоқда. Бу хусусият ўзбек комедияси табиатидаги янги ланишлардан бири сифатида эътироф этилиши мумкин.

12. Бошқирд драматурги И.Юмағуловнинг “Учар ошиқлар” комедияси мазмуни ҳамда воқеалар ривожини, салбий қаҳрамонларнинг мағлуб бўлиши билан Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” асарига ҳамоҳанг; ўзбек адабиёти, хусусан, Ҳамза ва Қаҳҳор асарлари ҳамда сатираси бошқа миллат адиблари учун ҳам ижодий анъана ва маҳорат мактаби бўлиши ибратлидир.

13. Сўнгги йиллардаги қатор драматик асарларда юксак бадиийлик ва чуқур ҳаётий мазмун ўрнига енгил-елпи талқинлар кўпайган. Бу ҳолат танқидчиликни ҳам ташвишлантириши, моҳир адиблар анъаналари бу борада ибрат бўлиши лозимлиги асосланган.

14. Ўзбек адабиётида комедия жанри илк шаклланиш босқичидан то бугунги ривожигача, тараққиётининг турли босқичларида шакл ва мазмун жиҳатидан турлича ўзгариш ва янги ланишларни ўзида намоён қилди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 484 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзликимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. (Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ) // “Халқ сўзи” газетаси. – Тошкент, 2019. – № 218.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 126 б.

### II. Илмий адабиётлар

6. Абдулла Қаҳҳор: Шахс ва ижодкор. – Тошкент: Tamaddun, 2013. – 212 б.
7. Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. – Тошкент: Академнашр, 2017. – 162 б. (Ноширлар: Қўчқорова М., Н.Жалолова)
8. Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. – Тошкент: Фан, 1987. – 368 б.
9. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000 й. – 288 б.
10. Абдусаматов Ҳ. Театр танқид кўзгусида. – Тошкент: Фан, 1993. – 48 б.
11. Абдусаматов Ҳ. Ҳаёт, адабиёт, театр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 399 б.
12. Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. – Тошкент: Академнашр, 1961. – 234 б.
13. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972. – 218 б.



14. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II т. – Тошкент: Фан, 1979. – 446 б.
15. Алиев М. Драма ва ҳаёт. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1969. – 168 б.
16. Alice Muziková Romantic comedy genre from the 1990s onwards. – Czech: 2020. – 76 p.
17. Аникст А. Теория драмы от Аристотеля до Лессинга. – Москва: Наука, 1967. – 456 с.
18. Аникст А. Теория драмы в России от Пушкина до Чехова. – Москва: Наука, 1972. – 644 с.
19. Аристотель Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.
20. Аҳмедова Ш. Юмор жилолари. – Тошкент: Фан, 1998. – 52 б.
21. Бахтин М. Творчество Ф.Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – Москва: Художественная литература, 1990. – 541 с.
22. Белинский В. Танланган асарлар. – Тошкент: ЎзДавнашр, 1955. – 512 б.
23. Белинский В. О драме и театре. – Москва: Искусство, 1983. – 448 с.
24. Белинский В. Адабий орзулар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – 262 б.
25. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1979. – 287 б.
26. Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – 400 б.
27. Борев Ю. Эстетика: теория, история, практика. – Москва: Искусство, 1982. – 162 с.
28. Борев Ю. Комическое. – Москва: Искусство, 1970. – 269 с.
29. Бояджиёв Г. Хорижий театр тарихи: Антик даврдан маърифатпар варлик давригача Ғарбий Европа тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.
30. Бушмин А. Эволюция сатиры Салтыков-Щедрин. – Ленинград: Наука, 1984. – 340 с.
31. Воҳидов Эркин. Изтироб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 333 б.
32. Гегель. Эстетика. В 4-х томах. Т. 3. – Москва: Искусство, 1971. – 455 с.

33. Горбунова Е. Вопросы теории реалистической драмы. – Москва: Советский писатель, 1963. – 512 с.
34. Горький М. О литературе. – Москва: Искусство, 1955. – 902 с.
35. Дзедимок Б. О комическом. – Москва: Прогресс, 1974. – 221 с.
36. Добролюбов Н. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959 й. – 468 б.
37. Жалилов Б. Ўзбек драматургияси поэтикаси масалалари. – Тошкент: Фан, 1984. – 145 б.
38. Жўраев М. Икки кўнгил бир бўлсин. – Тошкент: Фафур Гулом, 2016. – 264 б.
39. Имомов Б. Драматургик лавҳалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 180 б.
40. Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент: Фан, 1991. – 176 б.
41. Имомов Б., Жўраев Қ., Ҳақимова Ҳ. Ўзбек драматургияси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 239 б.
42. Исмоилов Э. Маннон Уйғур. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983 й. – 287 б.
43. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 544 б.
44. Каттабеков А., Мамажонов С., Назаров Б. Ўзбек совет адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989 й. – 464 б.
45. Ким Н. Халқ театри. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 131 б.
46. Лессинг Г. Гамбургская драматургия. – Москва: Академия, 1936. – 112 с.
47. Лук А. О чувстве юмора и остроумии. – Москва: Искусство, 1968. – 188 с.
48. Луначарский А. О смехе. Соб. соч. Т. 8. – Москва: Искусство, 1967. – 745 с.
49. Любимова Т. Комическое, его виды и жанры. – Москва: Знание, 1990. – 64 с.
50. Макарян А. О сатире. – Москва: Советский писатель, 1967. – 186 с.
51. Молдавский М. Товарищ смех. – Ленинград: Лениниздат, 1981. – 97 с.
52. Мухторов И. Классик драматургия ва ўзбек театри. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980. – 37 б.

53. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. – Тошкент: Фан, 1979. – 285 б.
54. Норматов У. Саид Аҳмад. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. – 102 б.
55. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – 387 б.
56. Поспелов Г. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1978. – 351 с.
57. Пропп В. Проблемы комизма и смеха. – Москва: Искусство, 1976. – 230 с.
58. Расулов А. Бадийлик-безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 336 б.
59. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. – Тошкент: Фан, 1968. – 430 б.
60. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б.
61. Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. – Тошкент: Фан, 1996. – 92 б.
62. Солиев А. Ёзувчи, халқ, қаҳрамон. – Тошкент: Фан, 1979. – 111 б.
63. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 405 б.
64. Умаров Э. Образлар дунёсида (Бадий образнинг саҳна талқини). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 199 б.
65. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 297 б.
66. Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. – 256 б.
67. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 640 б.
68. Қодиров М. Ўзбек театри анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976 й. – 254 б.
69. Қодирова С. Ўзбек совет комедияси ва унинг саҳнавий талқини. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 40 б.
70. Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 242 б.
71. Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Ношир, 2019. – 336 б.
72. Қосимов У. Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – 257 б.

73. Қўшжонов М. Абдулла Қахҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 232 б.

### **III. Диссертация ва диссертация авторефератлари**

74. Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ватаракқиётида фольклорнинг ўрни. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1995. – 167 б.

75. Алимова М. Ўзбек совет болалар драматургияси. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1969. – 235 б.

76. Вали Сиваш. Эркин Воҳидов шеърини тили ва услуби. Филология фанлари докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016. – 80 б.

77. Геворкян А. Сатира в творчестве Абдуллы Каххара. Автореферат кандидат филологических наук. – СамДУ., 1967. – 27 с.

78. Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. Автореферат кандидат филологических наук. – Тошкент, 1971 г. – 24 с.

79. Давурбоева Н. Фитрат драмаларида миллий озолик ғоялари. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1999. – 158 б.

80. Жалолова М. Ўзбек совет болалар драматургиясида характер ва конфликт проблемаси. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1990. – 139 б.

81. Жалолов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди (“Майсаранинг иши” комедияси аспектида). Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1961. – 203 б.

82. Жўраев Қ. Йигирманчи йиллар ўзбек драматургияси. Филология фанлари докторлиги диссертацияси. – Тошкент, 1994. -287 б.

83. Исроилов М. Сахнавий ифода воситалари. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1969. -190 б.

84. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси. Филология фанлари докторлиги диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1993. -49 б.

85. Кириллина М.А. Эволюция жанра комедии в якутской драматургии. Диссертация кандидат филологических наук – Якутия: 2008. – 183 с.
86. Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлари мисолида). Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1997. – 147 б.
87. Matihias Hansas The Life of Comedy after the Death of Plautus and Terence. – University Michigan Press. 2020. – 411 p.
88. Мусахўжаева С. Ҳамза драматургиясида ижобий қаҳрамон проблемаси. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1967. – 247 б.
89. Номозов А. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати (С.Аҳмад ва Ў.Умарбеков комедиялари асосида). Филология фанлари номзодлиги диссертацияси автореферати. – СамДУ., 1994 й. – 28 б.
90. Собиров Т. Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт йўллари. Филология фанлари докторлиги диссертацияси. – Тошкент, 1968. – 510 б.
91. Султонова И. Уйғуннинг драматурглик маҳорати. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1969. – 264 б.
92. Шералиев Б. Саҳнавийликнинг драматик асослари (Сўнгги йиллар ўзбек драмалари асосида). Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1998. – 161 б.
93. Қодиров М. Ўзбек халқ оғзаки драмаси. Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1961. – 238 б.
94. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъанавийлик, ворисийлик, ўзига хослик (Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Мурод ижоди мисолида). Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – 76 б.
95. Ҳакимова Ҳ. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек комедияси (конфликт проблемасига доир). Филология фанлари номзодлиги диссертацияси. – Тошкент, 1964. – 232 б.

#### **IV. Газета, журнал ва тўпламлар**

96. Абдусаматов Ҳ. Диалог. //Ўзбекистон маданияти. 1977 й. 16-сентябрь.
97. Алиев С. Виждонлилар кулгиси. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1966. №1. –Б. 12.
98. Бобоев М. Камолотнинг она замини. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1989 йил 17-март.
99. Бошбеков Ш. Темир хотин. //Ёшлик журналы. 1989. № 5. –Б. 21.
100. Жўраев М. Халқ ижоди – боқий қадрият. //Ёшлик журналы. 2015. № 4.
101. Маъдиева С. Ҳозирги драматургияда анъанавий символларнинг тур ўзгариши. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. № 6. –Б. 59-63.
102. Mehrdad Bidgoli Comedy and humour: an ethical perspective. – New York University Press: April 2020. European Journal of Humour Research 8(1):82-94.
103. Назаров Б. Абдулла Қаҳҳор бадиий ҳақиқати. //Ўзбек тили ва адабиёти. № 4. 2007. –Б. 7.
104. Назаров М. Юмор нима? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986. 8-август.
105. Назаров М. Кулги санъатининг устаси. //Ўзбек тили ва адабиёти. № 4. 1987. –Б. 23-29.
106. Саримсоқов Б. Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар. //Ўзбек тили ва адабиёти. № 6. 1993. –Б. 2-5.
107. Улуғов А. Арасту англатган адабиёт. //Жаҳон адабиёти. 2018. 3-сон.
108. Эшонқулов А. Драматик жанрлар ҳақида. //Шарқ юлдузи. № 7. 1970. –Б. 25.
109. Ўринов Э. “Учар ошиқлар”. //Театр журналы 1999 йил 3-сон 19-бет.
110. Қаҳрамонов Қ. Шоир қалби туғёнлари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020 йил 30 октябрь.
111. Қўшжонов М. Конфликт ва характер. //Шарқ юлдузи. № 3. 1962. –Б.14.
112. Гуломова О. Комик конфликт табиати ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. 1984. –Б. 39-43.
113. Ҳамроева А. Драматургияда кулги масаласи. //Ўзбек тили ва адабиёти. № 3. 1966. –Б.17.

## Ү. Бадиий адабиётлар

114. Аҳмад С. Сайланма. 3 жилдлик. Ж. 3. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – 638 б.
115. Бобожон Р. Тоға-жиянлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 87 б.
116. Бошбеков Ш. Эшик қоққан ким бўлди?. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 272 б.
117. Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 597 б.
118. Гоголь. Ревизор. – Тошкент: Ўздавнашр, 1952. – 93 б. (Кибриё ва Абдулла Қаҳҳор таржимаси)
119. Ниёзий Ҳ.Ҳ. Тўла асарлар тўплами. 5 томлик. 4 том. – Тошкент: Фан, 1989.
120. Раҳмонов Б. Юрак сирлари. Пьесалар. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – 454 б.
121. Хушвақтов Э. Чимилдик. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –Б. 38-39.
122. Қаҳҳор А. Асарлар. Беш жилдлик. Ж. 4. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 334 б.
123. Қаҳҳор А. Тобутдан товуш. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – 76 б.
124. Қаҳҳор А. Шоҳи сўзана. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1952. – 80 б.

## Интернет сайтлари

125. [e-adabiyot.uz](http://e-adabiyot.uz). Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари
126. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). Саид Аҳмад Куёв (Уч парда, уч кўринишли комедия)
127. [www/https//saviya.uz](http://www/https//saviya.uz). Nikolay Vasilyevich Gogol.
128. [www//ziyonet/uz](http://www//ziyonet/uz)
129. [www//kitobxon.com](http://www//kitobxon.com)
130. [www//wayu.uz](http://www//wayu.uz)